

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рахмонов Рашид Рахимович  
Ильясов Азиз Саидмуродович**

**БУХОРО ВИЛОЯТИДА  
ОВЛАНАДИГАН ҲАЙВОНЛАР**

**МОНОГРАФИЯ**

**“Дурдона” нашриёти  
Бухоро – 2021**

**УЎК 616.99:576.8(075.8)**

**52.67я73**

**Р 12**

Рахмонов, Р.Р., Ильясов А.С.

Бухоро вилоятида овладиган ҳайвонлар [Матн] : монография / Р.Р. Рахмонов, Ильясов А.С. - Бухоро : "Sadriiddin Salim Buxoriy" Durdona, 2021. - 120 с.

**ББК 52.67я73**

Мазкур монографияда Бухоро вилоятидаги овладиган ҳайвон турлари: фаунаси экологияси ва барқарор фойдаланилиши ҳақида олиб борилган илмий тадқиқодлар мисолида ёритиб берилган. Ушбу монография Ўзбекистонда овладиган ҳайвонлар тўрисидаги илк бор чоп этилмоқда. Бу соҳага оид маълумотларни охириги 60-70 йилликда учратиш қийин. Монография биология, экология ва табиатни муҳофаза қилувчи соҳаларга қизиқувчи ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:**

**Холбоев Фахриддин Рахмонқулович**

Ўзбекистон Миллий Университети биология фанлари доктори, профессор

**Такризчилар:**

**Бўриев Сулаймон Бўриевич**, Бухоро давлат университети биология фанлари доктори, профессор

**Райимов Аваз Рустамович**, Бухоро давлат университети Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Монография Бухоро давлат тиббиёт институти Илмий кенгашида тасдиқланган. Баённома №3, 27 октябрь 2021 йил.**

**ISBN 978-9943-7699-9-1**

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш .....</b>	<b>4</b>
<b>I боб. Овчилик соҳасининг ривожланиш тарихи .....</b>	<b>6</b>
Овланадиган ҳайвон турларининг ўрганилганлик ҳолати .....	6
Ўзбекистонда овчилик соҳасининг ривожланиш тарихи .....	11
<b>II боб. Овланадиган ҳайвонлар фаунасининг таксономик таҳлили, ҳудудий тарқалиши ва сони.....</b>	<b>16</b>
Овланадиган ҳайвонлар фаунасининг таксономик таҳлили .	16
Вилоятида овланадиган ҳайвонларнинг тур таркиби ва ҳудудий тарқалиши.....	24
Овчилик хўжаликларидagi овланадиган ҳайвон турларининг сон динамикаси ва овланиш ҳажми .....	29
<b>III боб. Овланадиган ҳайвон турларининг биоэкологик хусусиятлари ва уларга антропоген омилларнинг таъсири..</b>	<b>39</b>
Бухоро вилоятида овланадиган ҳайвон турларининг биоэкологик хусусиятлари .....	39
Овланадиган ҳайвон турларига ва уларнинг яшаш муҳитига антропоген омилларнинг таъсирини баҳолаш .....	64
Ҳайвонларнинг ҳисоби ҳамда кадастри натижаларидан фойдаланиш .....	73
<b>IV боб. Овчилик хўжаликларидан барқарор фойдаланиш ....</b>	<b>79</b>
Овчилик хўжаликлари ва уларнинг биологик хилма-хилликни сақлашдаги роли.....	79
Овланадиган турлардан барқарор фойдаланиш бўйича мавжуд қонунчиликнинг таҳлили .....	86
Овчилик хўжаликларининг самарадорлигини ошириш йўллари.....	92
Овчилик хўжаликларидa ов туризмини жорий этишнинг истиқболлари .....	97
<b>Хулосалар.....</b>	<b>105</b>
<b>Амалий тавсиялар.....</b>	<b>107</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>109</b>

## КИРИШ

Дунё миқёсида биологик хилма-хилликнинг муҳим таркибий қисми саналган ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш масаласига бугунги кунда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса ҳайвонот дунёсидан ов қилиш мақсадида кенг ва баъзан нооқилона фойдаланиш, ов хўжаликларини юритиш соҳасидаги мавжуд муаммолар кўпчилик ҳолларда турларнинг қирилиб кетишига ёки сонини камайишига сабаб бўлмоқда, баъзан улар ноёб ёки йўқолиб кетиш хавфи остидаги турларга айланмоқда. Шунга кўра, мазкур масалаларни ўрганиш, уларни ҳал қилиш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш ҳайвонларни муҳофаза қилиш, улардан барқарор фойдаланиш, овчилик хўжаликлари юритишни тартибга солиш ҳамда аҳолининг иқтисодий, ижтимоий фаровонлигини оширишда назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда турли ҳайвонларни овлашга, хусусан, ов туризми билан шуғулланишга бўлган қизиқишнинг йилдан-йилга ошиб бориши сабабли овчилик хўжаликларини юритиш тизимини такомиллаштиришга, овланадиган турларни махсус кўпайтиришга ва муҳофаза қилишга ҳамда соҳага илғор тажрибаларни жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, овчилик хўжаликларини юритиш, ов қилишни ташкил қилиш, овланадиган турларни махсус кўпайтириш орқали уларнинг барқарорлигини сақлаш ва ов туризминини жорий этиш йўли билан хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш такомиллаштирилди. Овчилик хўжаликлари фаолиятида замонавий услублар ва технологиялардан фойдаланиш натижасида турларнинг сонини ҳамда уларнинг яшаш муҳитининг барқарорлигини сақлашга эришилди. Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган туризмни ривожлантиришда ҳам соҳа истиқболли йўналишлардан ҳисобланади. Мамлакатимизда ов туризми имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, хусусан, хорижий сайёҳларни овчилик соҳасига жалб этиш орқали давлат бюджетига валюта тушумларини ошириш, ов ҳайвонларини етиштириш, тиклаш ва кўпайтириш орқали эса, сарфланадиган харажатларни

молиялаштириш имконияти юзага келади. Таъкидлаш лозимки, ҳар бир регионнинг зоогеографик хусусиятларига ва у ердаги овчилик соҳасининг ўзига хослигига боғлиқ ҳолда, ов объектларининг тури ҳамда овланиш ҳажми ўзаро фарқ қилади. Шунга кўра, муайян регион учун овладиган турлар рўйхатини тузишга, истикболли турларни иқлимлаштиришга ва овлаш учун тегишли рухсатномалар беришга нисбатан илмий ёндашиш овладиган турлар сонининг камайиб кетишининг олдини олишда, биотехник тадбирларни амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда ҳамда амалиётга жорий этишда муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда биологик хилма-хилликни сақлаш, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга ҳамда дастурий чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар натижасида сони камайиб кетаётган турларга муҳофаза мақоми берилди, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдони кенгайтирилмоқда, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишда жамоатчилик назоратидан кенг фойдаланиш имкониятлари яратилди ва ов туризмни амалиётга жорий этиш бошланди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш» вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, Бухоро вилоятида овладиган ҳайвонлар фаунасини, биоэкологик хусусиятларини, улардан барқарор фойдаланишни ўрганиш ва асослашга, ов объектлари ҳамда уларнинг яшаш муҳитларига бўладиган антропоген омилларнинг таъсирини аниқлаш ва баҳолашга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари муҳим аҳамият касб этади.

# **I БОБ. ОВЧИЛИК СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ**

## **Овланадиган ҳайвон турларининг ўрганилганлик ҳолати**

Инсоният қадимдан овланадиган турларнинг хатти-ҳаракатини ва яшаш муҳитини ўрганиш орқали уларни турли усулларда овлаш билан шуғулланган. Жамият тараққиёти ов усулларининг такомиллашувига ва ов қилиш мақсадининг кенгайишига олиб келган. Бу, ўз навбатида, овчилик соҳасини муайян қоидалар асосида юритиш ва соҳада илмий тадқиқотлар олиб боришга сабаб бўлган.

Хорижий, жумладан, МДҲ давлатларида ҳар бир жойнинг ўзига хос зоогеографик хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, овланадиган ҳайвонларнинг тур таркиби, овчилик тарихи, ов қилиш ва овчилик хўжаликларининг юритилиши, овланадиган ҳайвон турларининг экологияси ва уларни турли усулларда овлаш техникаси, овчилик хўжаликларини юритиш ва турлардан барқарор фойдаланишга доир кўплаб илмий тадқиқотлар бажарилган. Европа, Африка, Шимолий Америкадаги қатор давлатларда ов қилиш маданий мерос элементи сифатида ижтимоий-иқтисодий жараёнларга уйғунлашган бўлиб, охириги йилларда мазкур давлатларда овланадиган турларни муҳофаза қилиш, махсус кўпайтириш, улардан самарали фойдаланиш, овланган ўлжалар билан савдо-сотик қилиш, ов туризми, ов қилиш мақсадида ҳайвонларни иқлимлаштириш, такрор ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланишни тартибга солиш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилган. Жумладан, A.Gammell Францияда овлашга рухсат этилган турлар ва уларни овлашда юзага келаётган муаммоларни ўрганган. Унинг қайд этишича, Францияда 64 турдаги қушларни овлашга рухсат этилган ва шундан 50 турга яқини мигрантлардан иборат бўлиб, уларни овлаш муддати июль ойининг ўртасидан бошлаб февралнинг охирига қадар белгиланган. Европа Иттифоқининг кўпчилик давлатларида эса бу муддат августнинг ўртасидан бошланади ва 31 январда тугайди. Францияда қўшни давлатларга нисбатан ов муддатининг чўзиқлиги қўшни давлатлар овчилари ва табиатни муҳофаза қилувчи ташкилотларнинг эътирозига сабаб бўлган.

Мигрант турларга нисбатан уюштириладиган бундай ов ноқонуний ов сифатида баҳоланган ва уни тўхтатиш зарурлиги талаб этилган

F. Barends тадқиқотлари овладиган айрим турларни иқлимлаштириш натижасида юзага келадиган муаммоларга бағишланган бўлиб, мазкур масалалар Австралия, Янги Зеландия ва бошқа давлатлар мисолида ўрганилган. Жумладан, Шимолий Америкадан Ғарбий ва Марказий Европага келтирилган *Ondatra zibenthicus* келтириб чиқарган муаммоларни бартараф этиш учун ушбу мамлакатларда жуда катта маблағ сарфланган. Масалан, Нидерландияда бу мақсадда охириги йилларда бир миллион евро сарфланган. Бизнинг тадқиқотларимизда ҳам айрим балиқчилик хўжаликларида *Ondatra zibenthicus* нинг балиқлар билан озиқланиш орқали зиён етказилаётганлиги қайд этилди.

Овчиликда келадиган даромад айрим давлатлар иқтисодиётида жуда катта кўрсаткични эгаллашига қарамай, табиатни муҳофаза қилувчи ташкилотларнинг фаоллари томонидан баъзи турларни овлашни чеклашга қаратилган чиқишлар уюштирилмоқда. L. Munro тадқиқотларида фаолларнинг шундай норозиликлари тўғрисида кўплаб маълумотлар келтирилган. Шимолий-Ғарбий Америкада миллий ўйинга айланган каптарлар овига қарши чиқишлар бўлган. Ҳайвонларни муҳофаза қилиш бўйича Халқаро ташкилотлар Жанубий Европа, Осиё ва Африкада ҳайвонларни овлаш бўйича миллий анъаналарга қарши кураш олиб бормоқда. 1980 йилларнинг охириларида австралиялик фаоллар ўрдакларни отишни муҳим ижтимоий муаммо сифатида қайд этишган

Ph. Chardonnet ўз тадқиқотларида ривожланган давлатларда айрим турларнинг овланиш ҳажми ҳамда ҳайвонларни овлаш ва овчилик соҳасида хизмат кўрсатишдан кўриладиган иқтисодий фойдани таҳлил қилган. Жумладан, Францияда 1998-1999 йилларнинг ов мавсумида 5,6 млн. бош қирғовул, 5,1 млн. бош каптар, 3,2 млн. бош қуён овланган бўлса, 1999-2000 йилларда 408 минг бош ёввойи эчки, 306 минг бош ёввойи чўчка ва 33 минг бош буғу овланган. 1990 йилларнинг бошида Европа Иттифоқининг молиявий айланмасида ов қилишдан келадиган маблағ ҳар йили 10 млрд. еврони ташкил этган ва бу соҳада тахминан 100 минг ишчи хизмат кўрсатган. С. Rosenberry

тадқиқотларида ҳам Пенсильвания штатида овладиган ҳайвон ресурсларининг ҳолати ва фойдаланилиши тўғрисида маълумотлар келтирган бўлиб, унга кўра бу ерда жуда кўп миқдорда ҳайвонлар овланади ва бир квадрат километрга ўртача 8,5 та овчи тўғри келади.

G. Griffin узоқ йиллардан буён инсоннинг табиатга таъсири масаласи муаммолигича қолаётганлиги ва бу ҳолат яшаш муҳити ноқулай ва ҳайвонот дунёсининг тур таркиби камбағал бўлган жойларда, жумладан, Австралия чўлларида кузатилаётганлигини таъкидлайди. Бу ерда инсоннинг хўжалик фаолияти натижасида ҳайвонларнинг яшаш муҳити бузилиши ва сонининг камайиши қайд этилади. Ўзбекистоннинг чўл зонаси, жумладан Бухоро вилоятининг табиий шароитининг ҳайвонлар яшаш муҳити сифатидаги ўрнини ва бу ерда амалга оширилаётган хўжалик фаолиятини ҳисобга олганда, бу ҳолат овладиган турларнинг хилма-хиллиги ва сонидан ўз аксини топади.

C.D. Fitzgibbon ҳайвонот дунёсига инсон таъсирини баҳолаш мақсадида маҳаллий аҳолининг ҳайвонларни овлаш хусусиятлари ва ов ҳажмини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борган ва Марказий Африкада содда ов қуроли билан бирга ўқ отар қуролини қўллаш орқали бир йилда бир квадрат километрдан овланган сут эмизувчи ҳайвонлар биомассаси 350 кг. дан ошишини кўрсатган. Аҳоли пунктларининг яқинида одатда браконьерлик билан шуғулланишган ва овланган ўлжа, асосан, савдо-сотик предметиға айланган.

Бугунги кунда Халқаро даражадаги форумларда овладиган айрим ҳайвон турларидан фойдаланиш бўйича менежмент режалар ҳамда овчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, фермер хўжаликларини юритиш усуллари муҳокама қилинмоқда. К.С. Parsons томонидан ов қилинадиган сунъий сув-ботқоқ жойларини ташкил этиш ҳамда бўлғуси маданий ландшафтларда ҳайвонларнинг тур таркибини режалаштириш масалаларига бағишланган ишлар амалга оширилган.

МДХ давлатларида овладиган ҳайвон турлари ва овчилик хўжаликлари йўналишида олиб борилган тадқиқотларнинг кўпчилиги соҳанинг ривожланиш тарихи, назарий асослари, мавжуд муаммоларга ва истиқболдаги вазифаларни ҳал этишга, саноат усулидаги овни ва ов туризмни



ривожлантиришга бағишланган. В.Ф. Гаврин ўз тадқиқотларида ов қилишни илмий асосда ташкил этиш ва ов хўжалигини ривожлантиришнинг вазифаларига тўхталиб ўтган. Н.Н. Гракова ўзининг илмий изланишларида МДХ мамлакатларида овчилик хўжаликлари ва уларнинг фаолият юритишдаги ўзига хос хусусиятларни очиб беришга ҳаракат қилган. С.А. Лариннинг тадқиқотларида ов қилиш ва овчилик хўжалигини юритишнинг ривожланиш тарихи ҳамда овчилик хўжаликлари фаолиятига доир маълумотлар таҳлил қилинган. В.В. Мельников бугунги кунда халқаро миқёсда ривожланиб бораётган ов туризми соҳасидаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиққан.

В.А. Чащухин инсоннинг овланадиган ҳайвонларга нисбатан муносабатлари ривожланиш эволюциясининг назарий ва амалий жиҳатларини очиб берган. У қадимги рус аҳолисининг ҳайвонлар ва қушларни овлашининг ўзига хос жиҳатлари ва овни тартибга солиш бўйича амалиёти, замонавий ов усуллари, соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисидаги маълумотларни илмий-тарихий тарзда ёритиб берган.

В.Н. Большаков экотизимларнинг антропоген трансформацияланиши ва унинг овчилик хўжаликларида муаммоларнинг келиб чиқишидаги иштирокини ўрганган.

М.Н. Андреев тадқиқотларида Россияда ов ва овчилик хўжалиги соҳасидаги давлат сиёсатининг тарихи ҳамда ҳозирги ҳолати, бу соҳада давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш масалаларини ёритиб берган.

Белорусь Республикасидаги ўрмон-ов хўжалиқларининг бугунги ҳолати, муаммолари ва истиқболларига оид материаллар Н.Т. Юшкевич ва В.В. Моцный ишларида баён этилган. В.Н. Дерягин МДХ давлатларидаги овчилик хўжаликларида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, жумладан, мўйна етиштиришга ихтисослашган хўжалиқларни ташкил этилиши бўйича тадқиқотлар олиб борган.

Ўзбекистонда Н.А. Зарудный ва Т.З. Захидов Қизилқумда учровчи турларнинг экологиясини ва бу ернинг табиий экотизимларини ҳайвонларнинг яшаш муҳити сифатида ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борган. Г.И. Ишунин ва Х.С. Салихбаевлар Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағрида

учровчи овладиган ҳайвонлар ва қушларни ўрганишга ҳамда республикамизда ов қилиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг тарихи ҳамда ҳозирги ҳолатини баҳолашга бағишланган тадқиқотлар олиб борган. Д.Ю. Кашкаровнинг тадқиқотлари Ўзбекистонда ғозсимонлар туркумига мансуб турларнинг экологияси ва уларнинг саноат овидаги аҳамиятига бағишланган. М.Г. Митропольский, О.В. Митропольский ва В.О. Сударевлар қушларнинг йиғилган елка суяклари асосида овчилар томонидан овланган қушларнинг тур таркиби ва овланиш ҳажмини аниқлаш методикасини ишлаб чиқдилар. Даутқўл кўллари тизимида (Қорақалпоғистон Республикаси) овладиган қушларнинг тур таркибига оид материаллар Я.И. Аметовнинг тадқиқотларида келтирилган. А.А. Атаходжаев изланишлари Тошкент вилоятидаги овладиган қуш турларига бағишланган. Г.Ф. Гончаров овчиларга тавсиянома сифатида республикамизда овлашга рухсат этилган ва овлаш тақиқланган қуш турларини тавсифлаган ҳамда амалиётда биологик ресурсларнинг мониторинги бўйича мавжуд муаммоларни овчилик хўжаликлари мисолида ўрганган. Вилоятдаги Денгизқўл кўлида қишлашда учровчи сув-ботқоқ қушларининг сон динамикасига бағишланган ишлар Е.Н. Лановенко, Э.Ш. Шерназаров ва А.К. Филатовларнинг ишларида учрайди.

Ўзбекистонда, жумладан Бухоро вилоятида овчилик хўжаликлари ва овладиган ҳайвон турларини ов объектлари сифатида ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Мазкур соҳадаги айрим тадқиқотлар қадимда маҳаллий аҳоли томонидан овладиган айрим турлар, ҳайвонларни овлашда қўлланилган усуллар ҳамда алоҳида олинган ҳайвон турларини ўрганишга тегишли маълумотлардан иборат бўлган.

Юқорида қайд этилган тадқиқотчилар томонидан олиб борилган ишлар Ўзбекистонда, жумладан, Бухоро вилоятида овладиган ҳайвонларнинг тур таркиби, сони ва улардан барқарор фойдаланиш ҳамда бошқа экологик хусусиятларнинг ҳозирги ҳолати бўйича етарли маълумот бермайди. Шунингдек, мазкур тадқиқотларда овчилик хўжаликлари тўғрисидаги материаллар, жумладан, хўжаликларнинг экологик ҳолати, овладиган ҳайвон турларини муҳофаза қилиш, уларнинг мониторингини юритиш, назорат қилиш, хўжалик юритишни

оптималлаштириш ва ундан барқарор фойдаланиш масалалари ёритиб берилмаган.

Айни вақтга қадар Бухоро вилоятида овладиган ҳайвонларнинг тур таркиби, тарқалиши, сони, овланиш ҳажми ва бошқа экологик хусусиятлари ҳамда овчилик хўжалиklarини юритиш масалалари комплекс ўрганилмаган. Адабиётлардаги овладиган турларга тегишли бўлган айрим материаллар турларнинг ов объекти сифатидаги ўрнини баҳолаш имконини бермайди.

### **Ўзбекистонда овчилик соҳасининг ривожланиш тарихи**

Овчилик соҳасининг ривожланиш тарихини ўрганиш орқали унинг бугунги ҳолатини баҳолаш имкониятини беради. Инсоният ўз тараққиётининг дастлабки даврларидан бошлаб бугунги кунга қадар ҳайвонларни турли мақсадларда овлаш билан шуғулланиб келган. Ов қилиш инсоннинг энг қадимги машғулотларидан бири бўлиб, қадимда асосан озиқ-овқат ва кийим-кечакка бўлган талабни қондиришга хизмат қилган бўлса, ҳозирги вақтда ундан саноатда, тиббиётда ва бошқа соҳаларда кенг фойдаланилмоқда.

Адабиётларда республикамиз ҳудудидаги қадимги аҳолининг доимий яшаш манзилларидан (Тешиктош, Омонқўтон, Мочай, Обишир, Замонбобо, Харабодтепа ва бошқалар) *Cervus elaphus*, *Capra sibirica*, *Ursus arctos*, *Lepus capensis*, *Gazella subgutturosa*, *Sus scrofa*, ёввойи от, ёввойи қўйлар ва бошқа ҳайвонларнинг суяклари топилган. Бу ҳолат бошқа манбалардаги каби республикамиз аҳолисининг қадимдан овчилик билан шуғулланганлигидан, овладиган турларнинг хилма-хиллиги ва кўплигидан далолат беради.

Мамлакатимиз ҳудудида дастлаб гўшт, тери ва мўйна берадиган ҳайвонларни овлашда махсус ов қуроолларидан фойдаланилмаган ёки улар жуда содда тузилишга эга бўлган тош ва суякдан ясалган. Мазкур қурооллардан фойдаланган ҳолда ов қилиш билан Марказий Осиё халқлари жуда қадимдан шуғулланган. Ҳайвонларни овлашнинг сахна кўринишларини Амир Темирнинг “Темир тузуклари”, Алишер Навоийнинг “Қушлар тили”, З.М. Бобурнинг “Бобурнома” асарларида келтирилиши, З.М. Бобурнинг асарида қушларнинг миграция

йўллари, овнинг турли шакллари ва услублари, лочин ови, кушларнинг хатти-ҳаракатлари ва бошқалар хусусида сўз юритилиши ҳам бундан далолат беради.

Жамият тараққиётининг кейинги босқичларида давлатлараро савдо-сотик алоқаларининг йўлга қўйилиши, ов қуролларининг ишлаб чиқарилиши ва такомиллашуви натижасида саноат ва спорт мақсадларида ов қилиш усуллари шаклланган ва ривожланган. Дастлабки ўқотар қуроллардан фойдаланган ҳолда ов қилиш билан ов қуролларига эга бўлган шахарларда яшовчи аҳоли шуғулланган. Қишлоқ ва овуллар аҳолиси эса турли йиртқич кушлар (*Falco pelegrinoides*, *Falco cherrug*, *Accipiter gentiles*, *Accipiter nisus*, *Aquila chrysaetos*) ва тузоқлардан фойдаланган ҳолда ов қилишган ва бу анъана айни вақтда ҳам Марказий Осиё ҳалқларида сақланиб қолган.

Ўзбекистон ҳудудида ўқотар ов қуроллари пайдо бўлгунга қадар, ов қилиш усуллари ва овчилик хўжаликлариغا тегишли аниқ далилларга асосланган маълумотлар жуда кам. Аммо археологик қазилмалар вақтида топилган тош қуроллар ва темирдан ясалган турли ов қуроллари (найзалар, ўқ ёйлар), ёввойи ҳайвонларнинг суяклари, тошларга чизилган (петроглиф) суратлар, ов жараёнлари ифодаланган миниатюра асарлари қадимда аجدодларимизнинг турли ҳайвонларни овлаш билан шуғулланганлигини исботлайди. Қадимдан қимматбаҳо мўйнага ва ҳайвонларни овлашга ўргатилган ов қушларига эга бўлишга қизиқиш ов қилишни тўғри ташкил этишга туртки бўлган ва натижада ов соҳасининг ривожланишига, унинг муҳимлигига эътибор қаратила бошланган. Овчи қушлар, айниқса, шумкар (*Falco rusticolus*) Ғарбий Европада жуда юқори баҳоланган ва ҳатто XIII-XVIII асрларда дипломатик музокаралар предметиға айланган.

XVII–XVIII асрларда ҳайвонот дунёсининг муҳофазаси билан боғлиқ фаолият таҳлили шуни кўрсатадики, бу даврда жуда кўп кўриқхоналар айнан ов аҳамиятига эга бўлган турларни ва улар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида ташкил этилган, кейинчалик уларда йўқолиб бораётган ва камёб ҳайвонлар ҳам муҳофаза қилина бошланган. Аҳоли сонининг ошиши сабабли ҳайвонларни овлашга бўлган қизиқишнинг кучайиши овчилик соҳасини ҳам тартибга солувчи

қонунчиликнинг шаклланишига асос бўлган 1730-1775 йилларда Европада табиатни муҳофаза қилишга қаратилган қатор меъёрий ҳужжатлар, жумладан, 1763 йилда “Ов тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Мазкур қонунга кўра, ҳар қандай ҳайвонни 12 мартдан 9 июлгача бўлган муддатда овлаш чекланган. 1892 йилда Россияда “Ов тўғрисида”ги қонун қабул қилинган ва аммо у амалиётда тўлиқ ишламаганлиги сабабли самара бермаган. Мазкур қонуннинг амал қилиш доираси Сибирь ва Туркистон ўлкаларини қамраб олмаган ва бу ерларда овчилик миллий ва маҳаллий анъаналар асосида амалга ошишда давом этган. МДХда “Ов тўғрисида”ги дастлабки қонун 1920 йилда қабул қилинган бўлиб, унда тўлиқ ва қисман муҳофаза этиладиган турлар ҳамда овладиган турлар рўйхати, ов қилиш турлари ва муддатлари белгилаб берилган. Мазкур ҳужжат асосида овладиган ҳайвонларга нисбатан давлат монополияси ўрнатилган ҳамда уларнинг ҳажмига, меъёрларига, ов муддатига, ов қоидаларига зид ҳолда овланган ов маҳсулотларини сотиш таъқиқланган. Ушбу чора-тадбир овчилик хўжаликлари томонидан тайёрладиган маҳсулотларнинг давлат томонидан сотиб олиниши, овчилик хўжалиги юритиш ва уни назорат қилиш муносабатларини тартибга солган.

А.К. Рустамов маълумотларига қараганда, Марказий Осиёнинг маҳаллий аҳолиси қадимдан ўзига хос тарзда миллий анъаналарга таянган ҳолда ов қилган ва ов жараёнида ов қушлари ва ов итларидан фойдаланган. Жумладан, Туркменистонда ов жараёнида қадимда бургут (*Aquila chrysaetos*), қирғий (*Accipiter nisus*) ва қарчиғай (*Accipiter gentiles*) лардан фойдаланилган бўлса, ҳозирги вақтда 2 турдаги лочинлардан, яъни итолғи (*Falco cherrug*) ва сахро лочини (*Falco pelegrinoides*)дан фойдаланилади. 1940-1950 йилларда Қорақумда моҳир овчилар итолғи билан бир овда 10-30 тагача товушқон овлаганлиги, итолғидан жайрон, йўрға тувалоқ, тувалоқ ва қирғовулни ҳам овлашда фойдаланилиши қайд этилади. XX асрнинг бошларида Марказий Қорақумда овга ўргатилган яхши итолғи (*Falco cherrug*) жуда қадрланган ва унинг нархи сифатли эгар билан эгарланган битта туяга тенг баҳоланган.

Кейинги йилларда ўқотар қуролларнинг аҳолига назоратсиз ҳолда сотилиши, аксарият аҳолининг ов ва унинг мазмун-

моҳияти тўғрисидаги тушунчаларга эга эмаслиги ва бу соҳада назоратнинг сустиги уюшмаган овчилар оммасининг шаклланишига ва оқибатда ҳеч қандай меъёр ва чеклашларни тан олмайдиган браконъерларнинг пайдо бўлишига олиб келди ва бу ҳолат бугунги кунда ҳам давом этмоқда.

Ўзбекистонда 1919 йилда дастлабки овчилик хўжалиги Тошкент шаҳри ва Тошкент уездида овчилар бирлашмаси шаклида ташкил этилган. Бирлашмага давлатга мўйна, парранда гўшти ва бошқа ов маҳсулотларини етказиб бериш билан бирга, браконъерликка қарши кураш мажбурияти юклатилган. 1930 йилларда Марказий Осиёда рептилияларни саноат мақсадида овлаш ташкил этилган ва бу мақсадда айрим турлар (*Vipera lebetina*, *Varanus griseus* ва *Echis multisquamatus*) овланган ва питомникларда сақланган. 1944 йилда Амударё дельтасида майдони 350 минг га бўлган Амударё ондатра хайвонотчилиги ишлаб чиқариш хўжалиги ташкил этилган ва унда иқлимлаштириш орқали саноат мақсадида етиштириш учун 3345 бош ондатра келтирилган. Кейинчалик 1956 йилда Хоразм ва Тошкент вилоятларида ҳам хайвонотчилик ишлаб чиқариш хўжаликларида *Ondatra zibethicus* дан саноат ови сифатида фойдаланиш йўлга қўйилган, 1950 йилда Сирдарё вилоятига *Myocastor coypus* келтирилган ва ўша даврда жами 11 турдаги мўйнали хайвонлар овланган ва уларнинг мўйнаси вилоятлардаги тайёрлов идораларига сўнгра Тошкент мўйна-тери базасига топширилган. Бугунги кунда қайд этилган турлар деярли қирилиб кетган ва фақат ондатра кам сонда сақланиб қолган. Ўзбекистонда 1970 йиллардан кейин мўйна етиштириш кескин камайган ва 2000 йилда саноат усулидаги ов амалий жиҳатдан тугатилган. 1950 йилда республикада *Vulpes vulpes* 54000 бош, *Meles meles* 1100 бош, *Ondatra zibethicus* 506.600 бош овланган бўлса, 2017 йилга келиб, мазкур турлар жами 157 бош овланган (*Vulpes vulpes* 4 бош, *Meles meles* 153 бош). Ўзбекистонда 1950-1970 йилларда жадал ривожланган ва иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган саноат усулидаги ов тури бугунги кунда амалга оширилмайди.

Овчилик хўжаликларини юритиш ва уни назорат қилиш ҳам турли даврларда турли идоралар тасарруфида бўлган. Ўзбекистонда 1959 йилда Ўзбекистон овчилар ва балиқчилар

уюшмаси ташкил этилган бўлиб, у бугунги кунда ҳам фаолият юритади. Шу даврда фаолият юритган овчилар ва балиқчилар ҳарбий жамияти эса бугунги кунда ўз фаолиятини тугатган.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда ҳайвонларни овлашнинг мавжуд бўлган асосий учта туридан (ҳаваскорлик, саноат ва спорт ови) ҳаваскорлик ови, яъни ов маҳсулотларидан асосан гўшт ва кийим-кечак сифатида фойдаланиш энг қадимги ов тури ҳисобланади. Ҳозирги вақтда ҳам Ўзбекистонда, асосан ҳайвонларни овлашда ҳаваскорлик усулидаги овдан кенг фойдаланилади. Ов туризмини янада ривожлантириш мақсадида чет эллик фуқаролар ва туристик фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияга эга бўлган юридик шахс ҳамда овчилик хўжалиги ўртасида тузилган шартнома асосида чет эллик фуқаролар учун овни ташкил этилиши лозим. Бу каби ишлар бугунги кунда ўзининг долзарблигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қўшилган “Биохилма-хиллик тўғрисида”ги Халқаро Конвенция олдидаги учта мақсад, яъни биохилма-хилликни, жумладан, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш ва олинган фойдани тенг ҳуқуқлилиқ асосида тақсимлаш овладиган ҳайвон турларини назарий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганишни тақазо этади.<sup>1</sup> Мазкур тадқиқот иши халқ хўжалигининг муҳим объекти саналган овчилик хўжаликлари ва улардаги овладиган турларни ўрганиш орқали овни тўғри ташкил этиш, ов хўжалигини юритишни оптималлаштириш, ов объектларидан барқарор фойдаланиш ва ҳайвонларни овлаш учун квота ва руҳсатномалар бериш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, ов хўжаликлари соҳасидаги бошқа масалаларни илмий асосда ҳал этишга хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг биологик ранг-барангликни сақлаш бўйича миллий стратегияси ва ҳаракатлар режаси тўғрисида”ги Қарори.

## II БОБ. ОВЛАНАДИГАН ҲАЙВОНЛАР ФАУНАСИНИНГ ТАКСОНОМИК ТАҲЛИЛИ, ҲУДУДИЙ ТАРҚАЛИШИ ВА СОНИ

### Овланадиган ҳайвонлар фаунасининг таксономик таҳлили

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш жуда кўп қиррали бўлиб, Ўзбекистонда бу фаолият ҳайвонларни асосан ҳаваскорлик, қисман спорт ва бошқа (илмий, тиббиёт) мақсадларда овлаш орқали амалга ошади.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2006 йил 22 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов ва балиқ овлаш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 27-сонли буйруғида Ўзбекистонда спорт, ҳаваскорлик ва саноат мақсадида овлашга рухсат этилган ҳайвонларнинг айримлари тур кўринишида, кўпчилиги эса гуруҳлар ҳолида келтирилган. Мазкур рўйхатни таксономик таҳлил қилиш орқали Ўзбекистонда 150 турдаги умуртқали (балиқлардан ташқари) ҳайвонларнинг овлашга рухсат этилганлиги аниқланди (2.1.1-жадвал).

#### 2.1.1-жадвал

#### Ўзбекистонда овлашга рухсат этилган ҳайвон турларининг Бухоро вилоятида учраши ва овланиши

№	Ўзбекистонда овлашга рухсат этилган турлар	Ўзбекистонда расмий равишда овланган турлар	Овлашга рухсат этилган турларнинг Бухоро вилоятида учраши ва овланиши
1	<i>Sus scrofa</i> (Linnaeus, 1758)	О	О
2	<i>Capra sibirica</i> (Pallas, 1776)	О	Н
3	<i>Capreolus pygargus</i> (Pallas, 1771)	О	Н
4	<i>Hystrix indica</i> (Kerr, 1792)	О	Н
5	<i>Lepus capensis</i> (Linnaeus, 1758)	О	О
6	<i>Myocastor coypus</i> (Molina, 1782)	НО	НО
7	<i>Ondatra zibethicus</i> (Linnaeus, 1786)	НО	НО
8	<i>Spermophilopsis leptodactylus</i>	НО	НО



	<i>(Lichtenstein,1823)</i>		
9	<i>Spermophilus fulvus (Lichtenstein,1823)</i>	HO	HO
10	<i>Spermophilus pygmaeus (Pallas,1778)</i>	HO	HO
11	<i>Spermophilus relictus (Kaschkarov,1923)</i>	HO	H
12	<i>Vulpes vulpes (Linnaeus,1758)</i>	O	O
13	<i>Canis lupus (Linnaeus,1758)</i>	O	HO
14	<i>Canis aureus (Linnaeus,1758)</i>	O	O
15	<i>Felis libyca (Forster,1780)</i>	HO	HO
16	<i>Felis chaus (Gueldenstaedt,1776)</i>	HO	HO
17	<i>Meles meles (Linnaeus,1758)</i>	O	O
18	<i>Matres foina (Erxleben,1777)</i>	HO	H
19	<i>Mustela vison (Schreber,1777)</i>	HO	H
20	<i>Phalacrocorax carbo (Linnaeus,1758)</i>	O	O
21	<i>Anser anser (Linnaeus,1758)</i>	O	O
22	<i>Anser albifrons (Scopoli,1769)</i>	OH	OH
23	<i>Anser fabalis (Latham,1787)</i>	OH	H
24	<i>Eulabeia indica (Latham,1790)</i>	OH	H
25	<i>Cygnus bewickii (Yarrell,1830)</i>	OH	OH
26	<i>Tadorna ferruginea (Pallas,1764)</i>	OH	OH
27	<i>Tadorna tadorna (Linnaeus,1758)</i>	OH	OH
28	<i>Anas platyrhynchos (Linnaeus,1758)</i>	O	O
29	<i>Anas poecilorhyncha (Foater,1781)</i>	OH	H
30	<i>Anas crecca (Linnaeus,1758)</i>	O	O
31	<i>Anas falcata (Georgi,1775)</i>	OH	H
32	<i>Anas strepera (Linnaeus,1758)</i>	OH	OH
33	<i>Anas penelope (Linnaeus,1758)</i>	OH	OH
34	<i>Anas acuta (Linnaeus,1758)</i>	OH	OH
35	<i>Anas querquedula (Linnaeus,1758)</i>	OH	OH
36	<i>Anas clypeata (Linnaeus,1758)</i>	OH	OH
37	<i>Netta rufina (Pallas,1773)</i>	O	O
38	<i>Aythya ferina (Linnaeus,1758)</i>	O	O
39	<i>Aythya fuligula (Linnaeus,1758)</i>	OH	OH
40	<i>Aythya marila (Linnaeus,1761)</i>	OH	OH
41	<i>Clangula hyemalis (Linnaeus,1758)</i>	OH	H
42	<i>Bucephala clangula (Linnaeus,1758)</i>	OH	OH
43	<i>Melanitta nigra (Linnaeus,1758)</i>	OH	H
44	<i>Melanitta fusca (Linnaeus,1758)</i>	OH	H

45	<i>Mergellus albellus</i> (Linnaeus,1758)	OH	OH
46	<i>Mergus serrator</i> (Linnaeus,1758)	OH	H
47	<i>Mergus merganser</i> (Linnaeus,1758)	OH	OH
48	<i>Tetraogallus himalayensis</i> (G.R.Gray,1843)	HO	H
49	<i>Alectoris chikar</i> (J.E.Gray,1830)	O	HO
50	<i>Ammoperdix griseogularis</i> (Brandt,1843)	HO	HO
51	<i>Perdix perdix</i> (Linnaeus,1758)	HO	H
52	<i>Perdix dauuricae</i> (Pallas,1811)	HO	H
53	<i>Coturnix coturnix</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
54	<i>Phasianus colchicus</i> (Linnaeus,1758)	O	OH
55	<i>Rallus aquaticus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
56	<i>Gallinula chloropus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
57	<i>Fulica atra</i> (Linnaeus,1758)	O	O
58	<i>Burhinus oedicephalus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
59	<i>Pluvialis squatarola</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
60	<i>Pluvialis fulva</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
61	<i>Pluvialis apricaria</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
62	<i>Charadrius hiaticula</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
63	<i>Charadrius dubius</i> (Scopoli,1786)	HO	HO
64	<i>Charadrius leschenaultii</i> (Lesson,1826)	HO	HO
65	<i>Charadrius asiaticus</i> (Pallas,1773)	HO	HO
66	<i>Charadrius veredus</i> (Gould,1848)	HO	HO
67	<i>Charadrius alexandrinus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
68	<i>Eudromias morinellus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
69	<i>Vanellus vanellus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
70	<i>Vanellochettusia leucuraus</i> (Lichtenstein,1823)	HO	HO
71	<i>Lobivanellus indicus</i> (Boddaert,1783)	HO	H
72	<i>Arenaria interpres</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
73	<i>Himantopus himantopus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
74	<i>Recurvirostra avosetta</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
75	<i>Haematopus ostralegus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
76	<i>Tringa ochropus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
77	<i>Tringa glareola</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
78	<i>Tringa nebularia</i> (Gunnerus,1767)	HO	HO

79	<i>Tringa totanus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
80	<i>Tringa erythropus</i> (Pallas,1764)	HO	HO
81	<i>Tringa stagnatilis</i> (Bechstein,1803)	HO	HO
82	<i>Actitis hypoleucos</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
83	<i>Xenus cinereus</i> (Guldenstadt,1775)	HO	HO
84	<i>Phalaropus lobatus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
85	<i>Phalaropus fulicarius</i> (Linnaeus,1758)	HO	H
86	<i>Philomachus pugnax</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
87	<i>Calidris minuta</i> (Leisler,1812)	HO	HO
88	<i>Calidris subminuta</i> (Middendorff,1851)	HO	H
89	<i>Calidris temminckii</i> (Leisler,1812)	HO	HO
90	<i>Calidris ferruginea</i> (Pontoppidan,1763)	HO	HO
91	<i>Calidris alpine</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
92	<i>Calidris alba</i> (Pallas,1764)	HO	HO
93	<i>Limicola falcinellus</i> (Pontoppidan,1763)	HO	HO
94	<i>Lymnocyptes minimus</i> (Brunnich,1764)	HO	H
95	<i>Gallinago gallinago</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
96	<i>Gallinago megala</i> (Swinhoe,1861)	HO	H
97	<i>Gallinago stenura</i> (Bonaparte,1830)	HO	HO
98	<i>Gallinago solitaria</i> (Hodgson,1831)	HO	H
99	<i>Gallinago media</i> (Latham,1787)	HO	HO
100	<i>Scolopax rusticola</i> (Linnaeus,1758)	HO	H
101	<i>Numenius phaeopus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
102	<i>Limosa lapponica</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
103	<i>Cursorius cursor</i> (Latham,1787)	HO	HO
104	<i>Glareola pratincola</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
105	<i>Glareola maldivarum</i> (J.R.Forster,1795)	HO	H
106	<i>Pterocles orientalis</i> (Linnaeus,1758)	O	O
107	<i>Columba livia</i> (Gmelin,1719)	O	OH
108	<i>Streptopelia decaocto</i> (Frivaldszky,1838)	HO	HO
109	<i>Streptopelia orientalis</i> (Latham,1790)	HO	H
110	<i>Streptopelia senegalensis</i> (Linnaeus,1766)	HO	HO
111	<i>Sturnus vulgaris</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
112	<i>Sturnus roseus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
113	<i>Acridotheres tristis</i> (Linnaeus,1766)	HO	HO

114	<i>Pica pica</i> (Linnaeus, 1758)	HO	HO
115	<i>Podoces panderi</i> (Fischer, 1821)	HO	HO
116	<i>Pyrrhocorax pyrrhocorax</i> (Linnaeus, 1758)	HO	H
117	<i>Pyrrhocorax graculus</i> (Linnaeus, 1766)	HO	H
118	<i>Corvus monedula</i> (Linnaeus, 1758)	HO	HO
119	<i>Corvus dauricus</i> (Pallas, 1776)	HO	H
120	<i>Corvus frugilegus</i> (Linnaeus, 1758)	HO	HO
121	<i>Corvus corone</i> (Linnaeus, 1758)	HO	HO
122	<i>Corvus cornix</i> (Linnaeus, 1758)	HO	HO
123	<i>Corvus ruficollis</i> (Lesson, 1830)	HO	HO
124	<i>Alsophylax pipiens</i> (Pallas, 1813)	HO	H
125	<i>Crossobamon</i> <i>eversmanni</i> (Wiegmann, 1834)	HO	HO
126	<i>Cyrtopodion caspius</i> (Eichwald, 1831)	HO	HO
127	<i>Cyrtopodion fedtschenkoi</i> (Strauch, 1887)	HO	HO
128	<i>Cyrtopodion russowi</i> (Strauch, 1887)	HO	HO
129	<i>Eremias arguta</i> (Pallas, 1773)	HO	H
130	<i>Eremias grammica</i> (Lichtenstein, 1823)	HO	HO
131	<i>Eremias intermedia</i> (Strauch, 1876)	HO	HO
132	<i>Eremias lineolata</i> (Nikolsky, 1896)	HO	HO
133	<i>Eremias multiocellata</i> (Gunther, 1872)	HO	H
134	<i>Eremias nikolskii</i> (Bedriaga, 1905)	HO	H
135	<i>Eremias regeli</i> (Bedriaga, 1905)	HO	H
136	<i>Eremias velox</i> (Pallas, 1771)	HO	HO
137	<i>Coluber karelini</i> (Brandt, 1838)	HO	HO
138	<i>Coluber ladacensis</i> (Anderson, 1871)	HO	H
139	<i>Coluber nummifer</i> (Reuss, 1834)	HO	H
140	<i>Coluber ravergieri</i> (Menetries, 1832)	HO	HO
141	<i>Coluber rhodorhachis</i> (Jan, 1865)	HO	H
142	<i>Elaphe dione</i> (Pallas, 1773)	HO	HO
143	<i>Natrix tessellate</i> (Laurenti, 1768)	HO	HO
144	<i>Psammophis lineolatum</i> (Brandt, 1838)	HO	HO
145	<i>Spalerosophis diadema</i> (Schlegel, 1837)	HO	HO
146	<i>Gloydus halys</i> (Pallas, 1776)	HO	H
147	<i>Typhlops vermicuaris</i> (Merrem, 1820)	HO	H
148	<i>Echis multisquamatus</i> (Cherlin, 1981)	HO	HO

149	<i>Vipera lebetina (Linnaeus, 1758)</i>	НО	Н
150	<i>Rana ridibunda (Pallas, 1771)</i>	НО	НО
	Захарли умуртқасизлар (чаёнлар, ўргимчаклар, сколопендралар, арилар)	НО	НО

Изоҳ: О – расмий равишда овланган тур; НО–учрайди, овланмайдиган тур; ОН– учрайди, расмий равишда овланмаган тур; Н–Бухоро вилоятида учрамайдиган тур. Мазкур рўйхатга захарли умуртқасиз ҳайвон турлари киритилмади.

Бухоро вилоятида овлашга рухсат этилган умуртқали ҳайвонларнинг 4 синф, 13 туркум ва 27 оилага мансуб 110 турининг учраши қайд этилди. Бу маълумотлар илк маротаба ишлаб чиқилиши соҳадаги ижобий силжишларга олиб келишини кўрсатмоқда. (2.1.2-жадвал).


### 2.1.2-жадвал

#### Бухоро вилоятида овланадиган ҳайвонлар фаунасининг таксономик таҳлили

№	Синф	Туркум	Оила	Тур сони
1	Amphibia	Anura	Ranidae	1
2	Reptilia	Squamata	Gekkonidae	4
			Lacertidae	4
			Colubridae	6
			Viperidae	1
3	Aves	Pelecaniformes	Phalacrocoracidae	1
		Anseriformes	Anatidae	19
		Galliformes	Phasianidae	4
		Gruiformes	Rallidae	3
		Charadriiformes	Burhinidae	1
			Charadriidae	13
			Recurvirostridae	2
			Haematopodidae	1
			Scolopacidae	21
			Glareolidae	2
		Columbiformes	Pteroclididae	1
			Columbidae	3
Passeriformes	Sturnidae	3		
	Corvidae	7		
4	Mammalia	Lagomorpha	Leporidae	1

		Rodentia	Sciuridae	3
			Myocastoridae	1
			Criceidae	1
		Carnivora	Canidae	3
			Mustelidae	1
			Felidae	2
		Artiodactyla	Suidae	1
Жами	4	13	27	110

Аниқланган ҳайвонларнинг 13 тури (11,8%) сут эмизувчиларга, 81 тури (73,6%) қушларга, 15 тури (13,6%) судралиб юрувчиларга ва 1 тури (0,9%) сувда ҳам қуруқликда яшовчиларга тегишли (2.1.1-расм). Овлашга рухсат этилган турлар орасида қушлар кўпчиликти ташкил этишига қарамасдан, амалиётда уларнинг атиги 8 турининг (9,5%) овланиши аниқланди. Овчилик хўжаликларида судралиб юрувчилар (*Agrionemys horsfieldi* дан ташқари) ва сувда ҳам қуруқликда яшовчиларнинг овланиши қайд этилмади.



**2.1.1-расм. Бухоро вилоятида овлашга рухсат этилган ҳайвон турларининг синфлар бўйича тақсимланиши**

2014-2017 йилларда Бухоро вилоятида овлашга рухсат этилган 110 турдаги ҳайвонлардан атиги 13 (11,7%) турдаги

ҳайвонлар (*Sus scrofa*, *Meles meles*, *Lepus capensis*, *Vulpes vulpes*, *Canis aureus*, *Anser anser*, *Netta rufina*, *Aythya ferina*, *Anas platyrhynchos*, *Anas crecca*, *Fulica atra*, *Phalacrocorax carbo*, *Pterocles orientalis*) тегишли рухсатномалар асосида расмий равишда овланганлиги аниқланди (республика бўйича бу кўрсаткич 20 турдан иборат). Уларнинг асосий қисмини сут эмизувчилар (5 тур, 38,5%) ва қушлар (8 тур, 61,5%) синфининг вакиллари ташкил этади. Судралиб юрувчилар ва сувда ҳамда қуруқликда яшовчилар синфлари вакиллариининг овланиши қайд этилмади.

Таксономик таҳлил натижасида, бугунги кунда амалиётда овланадиган турлардан ғозлар ва ўрдақлар сони, уларни овлаш учун ажратилган квоталар миқдори ва овланиш ҳажми ҳақидаги маълумотларнинг тур даражасида эмас балки умумий тарзда кўрсатилиши аниқланди. Натижада мазкур туркумга тегишли ҳар бир тур бўйича қайд этилган кўрсаткичлар ноаниқлигича қолмоқда. Жумладан, Давлат статистика қўмитасининг 7– еко статистик маълумотларига кўра, 2014 йилда республика бўйича 7.471 бош ғозлар, 39.937 бош ўрдақлар овланган, аммо унда ғоз ва ўрдақларнинг турлар кесимидаги овланиш ҳажми тўғрисидаги маълумотлар учрамайди.

Овланадиган турлар фаунасининг бойлиги, маҳсулдорлиги ва иқтисодий самарадорлиги ҳар бир регионнинг табиий ва зоогеографик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўзига хосдир. Солиштирма қиёсий жиҳатдан ўрганилганда, йирик майдонни эгаллаган давлатларда, жумладан Россиянинг турли регионларида овлашга рухсат этилган турлар таркиби ўзаро фарқ қилади, унинг айрим регионларида Қизил китобга киритилган турлардан бошқа барча турларни овлашга рухсат этилади. МДХнинг ўрмон зонасида ов аҳамиятига эга бўлган мўйна берувчи ва туёқли ҳайвонларнинг 50 тури, қушларнинг 60 тури учрайди, мўйна берувчи ов ҳайвонларини овлашдан келадиган даромаднинг ўртача 25 % сувсар, 14%, олмахон, 12% ондатра ва 10% тулки ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистонда айни вақтда овлашга рухсат этилган турлар сони кўп бўлишига қарамасдан, амалиётда овланадиган ҳайвон турларининг асосини қушлар ташкил этади. Келгусида мамлакатимизда овланадиган турлар фаунасини иқлимлаштириш

орқали сут эмизувчилар ҳисобига бойитиш ва шу асосда ов хўжаликлари ва умуман табиий ландшафтлардаги бўш экологик жавонларни тўлдириш имкониятлари мавжуд.

### **Вилоятида овланадиган ҳайвонларнинг тур таркиби ва ҳудудий тарқалиши**

Мазкур бўлимга тегишли материаллар Бухоро вилоятидаги Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси Бухоро вилоят бўлимига тегишли овчилик хўжаликлари (Қорақир, Шўркўл, Зикри), Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тасарруфидаги Қоракўл ўрмон-ов хўжалиги ҳамда овчилик билан шуғулланувчи “Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ ҳудудидан, шу билан бирга ҳайвонларни овлашда фойдаланиладиган бошқа жойлардан (агроценозлар, ўрмон фонди ерларидан) йиғилди.

Бухоро вилояти ҳудудида фаунанинг шаклланиши, овланадиган ҳайвонларнинг тур таркиби, тарқалиши ва экологик хусусиятлари Қизилқум чўлининг ўзига хос табиий шароитлари билан узвий боғлиқ.

Вилоятда суғорма деҳқончилик билан боғлиқ ҳолда Қуйимозор, Тўдакўл, Шўркўл сув омборлари, Денгизкўл, Қорақир, Оёқоғитма, Зикри, Хатича, Девхона, Тузкон, Қумсултон каби ташлама кўллар ва уларни ўзаро боғловчи коллектор-зовурлар каби мураккаб ирригация тизими шаклланган бўлиб, мазкур тизим вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ва унинг биологик хилма-хиллигида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Овланадиган ҳайвонларнинг тур таркиби ва ҳудудий тарқалишида табиий шароитлар билан бир қаторда, аҳолининг хўжалик юритиш усули, айниқса деҳқончилик, чорвачилик ҳамда ўрмончилик хўжаликлари муҳим ўрин тутди. Шу сабабли Бухоро вилоятининг чўлга хос иқлимий хусусиятлари ва рельефи организмларнинг яшаши учун нисбатан ноқулай, аммо инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган юқорида қайд этилган омиллар бу ерда овланадиган турларнинг учраши учун қулайлик яратади.

Тадқиқотлар олиб борилган 2014-2017 йилларда расмий равишда овланган ҳайвонлар турлари (13 тур) хўжаликлар кесимида деярли ўхшаш тарқалишга эга. Қорақир, Зикри,



Қорақўл, “Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ овчилик хўжаликларида овлашга рухсат этилган турларнинг барчаси учраса, Шўркўл кўлининг атрофида ҳайвонлар учун бошпана вазифасини бажарувчи ўсимлик қоплами жуда камлиги сабабли улардан 11 турининг учраши (*Sus scrofa* ва *Lepus capensis* учрамайди) аниқланди. Аммо яшаш шароитларидаги омилларга боғлиқ ҳолда ушбу турларнинг сон кўрсаткичлари ўзгарувчан хусусиятларга эга.

Чўл зонасида биохилма-хилликнинг шаклланишида, жумладан, ов объектлари, айниқса, сув ва сув олди қушларининг яшашини таъминлашда сув ҳавзалари муҳим аҳамиятга эга.

Шу сабабли вилоятда овланадиган турларнинг тарқалиши ва зичлиги тўлиқ сув ҳавзалари билан боғлиқ ҳолда кечади. Ҳавзалардаги ов объектларининг хилма-хиллиги уларнинг экологик муҳитини белгиловчи ўзига хос биоиндикатор вазифасини ўтайди.

Тадқиқотлар натижасида Бухоро вилоятида 11 турдаги ҳайвонларнинг ноқонуний равишда овланганлиги аниқланди. Шундан 6 тури (*Canis lupus*, *Felis libyca*, *Ondatra zibethicus*, *Phasianus colchicus*, *Pterocles orientalis*, *Columba livia*) Ўзбекистонда овлашга рухсат этилган, аммо 2014-2017 йилларда ушбу турларни вилоятда овлаш учун тегишли квоталар ажратилмаган, 1 тури (*Merops persicus*) овлашга рухсат этилмаган ва яна 4 тури (*Gazella subgutturoza*, *Agrionemys horsfieldi*, *Varanus griseus*, *Eryx miliaris*) Ўзбекистон Қизил китобига киритилган турлар ҳисобланади. Ушбу турларни ноқонуний овлаш овчилик хўжаликлари ҳудудида ва уларнинг ташқарисида амалга оширилиши аниқланди. Шундай қилиб, 2014-2017 йилларда вилоятда жами 24 турдаги умуртқали ҳайвонларнинг овланиши қайд этилди. Шундан 13 тури (54,2% ) тегишли рухсатномалар асосида расмий равишда, 11 тури эса (45,8%) ноқонуний овланган (2.2.1-расм). Ноқонуний овланган турлар республикада овлашга рухсат этилган умуртқали ҳайвон турларининг 7 % ни ташкил этади.

Ҳисоботлар ва статистик маълумотлар таҳлили республикамизда овланадиган турлар рўйхати мукамал эмаслигини, овчилик хўжаликлари томонидан тақдим этилаётган ҳисоботлар талабга жавоб бермаслигини ҳамда овчилар овлашга

рухсат этилган турлар тўғрисида етарли маълумотга эга эмаслигини кўрсатади. Овланадиган ҳайвон турлари тўғрисидаги статистик маълумотлар овчилик хўжаликларининг фаолиятини тўғри ташкил этишда, ов жараёнининг самарадорлигини белгилашда муҳим амалий аҳамиятга эга. Шундай бўлишига қарамасдан, баъзан республикада овлашга рухсат этилмаган ёки овчилар томонидан деярли овланмайдиган турларнинг (*Podiceps cristatus*, *Ardea cinerea*, *Sturnus vulgaris*) овланиши ҳам қайд этилган.



**2.2.1-расм. Бухоро вилоятида расмий ва ноқонуний овланадиган турлар**

Айрим турларнинг тасодифий ёки спонтан тарқалиши ҳам қайд этилди ва бу ҳолат яшаш муҳити муқим бўлмаган ҳамда озуқа ресурсларининг жойлашувига кўра яшаш муҳитини ўзгартириш қобилиятига эга бўлган турларга *Ondatra zibethicus*, *Columba livia*, *Phasianus colchicus*, *Merops persicus*, *Agrionemys horsfieldi*, *Varanus griseus*, *Eryx miliaris* хослиги аниқланди. Мазкур турларнинг яшаш муҳитлари овчилик хўжаликлари билан тўлиқ қамраб олинмаган ёки улар билан бевосита боғлиқ эмас. Қайд этилган турларнинг айримларини Қоравулбозор, Олот, Қоракўл ва бошқа туманларнинг чўл билан чегарадош қисмларида тарқоқ ҳолда тарқалиши қайд этилди. Жумладан,

*Phasianus colchicus* овчилик хўжаликларидан ташқари агроценозлар ва уларнинг атрофидаги қамишзорларда учраса, сувда сузувчи қушлар қиш мавсумида кўллардан ташқари суғорилган далалар, зовурлар ва коллекторларда, *Ondatra zibethicus* деярли барча зовур ва коллекторларда тарқалганлиги қайд этилди. Мазкур турларнинг бу каби жойларда учраши уларнинг ноқонуний овланишига ҳам сабаб бўлади (2.2.2-расм).



А



Б

**2.2.2-расм. Агроценозлар ва уларнинг атрофидан овланган қушлар:**

**А- *Phasianus colchicus* ва Б-*Netta rufina* (Қоравулбозор тумани 2018 йил 20 декабрь)**

Юқоридаги ҳолатни турларнинг аҳоли яшаш жойларига нисбатан мослашиши сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Баъзан *Canis aureus* нинг озуқа излаб аҳоли яшаш жойлари яқинига, *Sus scrofa* ва *Pterocles orientalis* нинг агроценозларга кириб келиш ҳоллари ҳам қайд этилади. Бундай тарқалиш хусусияти уларни овлашни ташкил этиш ва назорат қилишнинг мураккаблашуви ва бошқа турларга нисбатан кўпроқ ноқонуний овланишига сабаб бўлиши кузатилди. Антропоген ландшафтда ов аҳамиятига эга бўлган турларнинг учраши, бир томондан, уларнинг адаптацияланиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, уларнинг табиий яшаш муҳитларидаги вазиятнинг ноқулайлиги натижасидир. Мазкур ҳолат худуддаги экологик вазиятни баҳолашда ўзига хос индикатор ролини ҳам бажаради.

Овланадиган ҳайвон турларининг тарқалишида уларни муҳофаза қилиш, илмий асосда белгиланган меъёрда овлаш ва ов жараёнини назорат қилишни тўғри ташкил этиш муҳим. Жумладан, сўровномалар натижасида Бухоро вилоятининг Олот тумани ҳудудида жойлашган собиқ Қоракўл қўриқхонасида 2000 йилларгача *Agrionemys horsfieldi*, *Varanus griseus*, *Eryx miliaris*, *Coluber karelini* каби турларнинг кенг тарқалганлиги ва учраш частотаси юқорилиги, қўриқхона мақомининг тугатилиши оқибатида кейинги йилларда қайд этилган турларнинг кескин камайиб кетганлиги аниқланди.

Вилоят ҳудудининг рельефи, экологик шароитлари ва овчилик хўжаликларининг барчаси сув ҳавзалари ҳамда уларнинг қирғоқ зонасида ташкил этилганлиги уларда ўхшаш яшаш муҳитининг ва ўхшаш ҳайвонот жамоасининг шаклланишига олиб келган. Айниқса, ов мавсумида бир хўжаликда ёппасига уюштирилган ов натижасида қушларнинг кўшни ўхшаш сув ҳавзасига ёки овчилик хўжалигига кўчиб ўтиши қайд этилади. Бундай ўхшашлик, биринчидан овчилик хўжаликлари бўйлаб турларнинг (айниқса, сувда сузувчи қушлар) кўчиб юриши, иккинчидан уларнинг овчилик хўжаликларида маълум даражада муҳофазаланиши билан изоҳланиши мумкин.

Замонавий овчилик хўжаликларининг табиий чегараланганлиги ёки сунъий тўсиқларга эгаллиги уларда учровчи сут эмизувчиларнинг тур таркиби, тарқалиши ва бошқа кўрсаткичлар бўйича нисбатан аниқ маълумотлар олиш имконини беради. Ўрганилган овчилик хўжаликлари қисман табиий чегараланган бўлишига қарамадан, уларга ўхшаш бўлган бошқа яшаш муҳитлари орасидаги масофа унча катта эмас. Иккинчидан, йирик коллектор ва каналларни ҳисобга олмаганда, хўжаликлар атрофи сунъий тўсиқлар билан деярли чегараланмаган. Чегаранинг йўқлиги, хўжаликка кириш-чиқиш йўллариининг кўплиги овчиларни ва браконъерларни назорат қилишнинг чекланишига олиб келмоқда.

Бундай вазият сут эмизувчи ҳайвонларнинг ҳам шароитга қараб, баъзан яшаш муҳитларини ўзгартириб туришига сабаб бўлади ва оқибатда у ёки бу хўжаликдаги ҳайвонларнинг тур таркиби ва тарқалиши тўғрисида ишончли маълумотлар олишни мураккаблаштиради.

## Овчилик хўжаликларидаги овланадиган ҳайвон турларининг сон динамикаси ва овланиш ҳажми

Овчилик хўжаликларида овлашга рухсат этилган ҳайвонларнинг тур таркибини, сон динамикасини, белгиланган квоталар ҳамда йиллик овланиш ҳажмларини аниқлаш ва уларни овчилик хўжаликлари кесимида қиёсий таҳлил қилиш орқали хўжаликларнинг фаолиятини ва улар жойлашган жойдаги экологик муҳитни баҳолаш мумкин. Бугунги кунда овчилик соҳасида кадастр ва ҳисобга олиш фаолиятларининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, ноқонуний овнинг мавжудлиги хўжаликлардаги ҳайвонларнинг сони ҳамда овланиш ҳажмлари тўғрисидаги ўта муҳим маълумотларни олиш ва улардан фойдаланиш имконини бермайди.

Овчилик хўжаликларидаги ўртача йиллик сони бўйича сут эмизувчилардан *Lepus capensis* (1680 та, Қорақир овчилик хўжалиги), қушлардан *Fulica atra* (10899 та, Зикри овчилик хўжалиги) энг юқори кўрсаткичга эга. Энг паст кўрсаткич Зикри овчилик хўжалигида *Sus scrofa* (8 та) ва Қорақўл ўрмон-ов хўжалигида *Anser anser* га (231 та) тўғри келади. Шўркўл овчилик хўжалигида *Sus scrofa* ва *Meles meles* нинг учраши қайд этилмади.

Жадвалдаги турларнинг ўртача йиллик сонларининг вариацион коэффицентини аниқлаш мақсадида Стьюдент томонидан ишлаб чиқилган методдан фойдаланилди. Олинган натижаларга кўра, сувда сузувчи қушларнинг вариацион коэффицентини қуруқликда яшовчи турларга қараганда анча юқорилиги аниқланди. Бу хусусият ўрдакларнинг жуда кўп миқдорда овчилик хўжаликларидаги кўлларда тўпланиши ва уларнинг миграцияси билан боғлиқ. Келтирилган вариацион коэффицентлардан овланадиган турларнинг ўртача сон динамикасини башоратлашда ва шу асосда уларни овлаш учун квоталар ажратишда фойдаланиш мумкин. Статистик таҳлиллар тўғрисидаги батафсил маълумотлар 3-иловада баён этилди.

Вилоятдаги барча овчилик хўжаликлари кесимида ўртача йиллик овланиш ҳажми бўйича ўрдаклар (6720 та), *Fulica atra* (1983 та) ва *Anser anser* (1978 та) каби турлар етакчи ўринни эгаллайди. *Sus scrofa* (7), *Vulpes vulpes* (6) ва *Canis aureus* (7) нинг ўртача йиллик овланиш ҳажми жуда кичик кўрсаткични ташкил

этди. Вилоятда овланган турлар ҳажмида сут эмизувчиларнинг хиссаси жуда паст кўрсаткичда намоён бўлди, 9,5% (3.3.2-жадвал).


### 2.3.2-жадвал

#### Бухоро вилояти бўйича овчилик хўжаликлари кесимида овланган ҳайвонларнинг ўртача йиллик овланиш ҳажми

Ҳайвон турлари	Овчилик хўжаликларининг номи					
	Қорақир овчилик хўжалиги	Шўркўл овчилик хўжалиги	Зикри овчилик хўжалиги	Қоракўл ўрмон-ов хўжалиги	“Peshku Qoraqir qo‘rg‘ni” МСНҲ	Бухоро вилояти бўйича ўртача йиллик овланиш ҳажми
<i>Anser anser</i>	925	168	517	31	33 7	1978
<i>Anas crecca</i>	380	74	155	-	25	634
*Жами ўрдақлар	3755	827	165 5	296	18 7	6720
<i>Fulica atra</i>	650	158	112 5	50	-	1983
<i>Phalacrocorax carbo</i>	242	85	172	-	-	499
<i>Pterocles orientalis</i>	267	200	676	-	-	1143
<i>Sus scrofa</i>	3,25	-	-	-	3,7 5	7
<i>Meles meles</i>	15		6		4	25
<i>Lepus capensis</i>	592	225	360	70	75	1322
<i>Vulpes vulpes</i>	-	-	-	-	6	6
<i>Canis aureus</i>	-	-	-	-	7	7
Ўртача йиллик овланиш ҳажми	6829	173 7	466 6	447	64 4	14323

Овчилик хўжаликларида овланган турларнинг ўртача йиллик ҳажми бўйича Қорақир овчилик хўжалиги энг юқори (6829; 48 %), Қоракўл ўрмон-ов хўжалиги энг паст (447; 3 %) кўрсаткични эгаллайди (2.3.1-расм).

Йиғилган материаллар таҳлилига кўра, ҳозирги вақтда Бухоро вилоятида овладиган кўпгина ҳайвон турларининг сони олдинги йилларга қараганда анча камайганлиги кузатилади. Тадқиқотлар давомида вилоятда 11 турга мансуб ҳайвонларнинг ноқонуний равишда, яъни тегишли рухсатномасиз овланганлиги аниқланди.



**2.3.1-расм. Овчилик хўжаликларида овланган ҳайвонларнинг ўртача йиллик овланиш ҳажми**

Бундан ташқари, овлаш учун квоталар ажратилган турларнинг ҳам бир қисми (*Sus scrofa*, *Meles meles*, *Fulica atra*) тегишли рухсатномаларни расмийлаштирмасдан ва ов қоидаларига риоя қилмаган ҳолда овланиши қайд этилди. Уларнинг овланиш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар 2.3.3-жадвалда келтирилган. 2016-2018 йилларда бундай турларнинг умумий овланиш ҳажми 32.569 тани ташкил этди. Улар орасида овланиш ҳажми бўйича, *Merops persicus* (10.860 та) ва *Columba livia* (9.790 та) кўпчиликти ташкил этади.

Ҳайвонларнинг ноқонуний овланиши кўпинча чўл билан чегарадош жойларда ва сув ҳавзалари яқинида амалга ошади.

Жумладан, *Gazella subgutturosa*, *Varanus griseus*, *Eryx miliaris*, *Agrionemys horsfieldi* каби турлар табиий чўл зонасидан овланса, *Phasianus colchicus*, *Columba livia*, *Merops persicus* ва сувда сузувчи кушлар аҳоли пунктлари, агроценозлар ва асалари уялари жойлашган жойлардан овланиши аниқланди. Мазкур турларнинг овланиш ҳажми бўйича Ромитан, Пешку, Шофиркон ва Қоравулбозор туманлари юқори кўрсаткични эгаллайди.

Қайд этилган турларнинг назоратсиз овланиши ва улар орасида Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган *Gazella subgutturosa* (72 та), *Agrionemys horsfieldi* (1775 та), *Varanus griseus* (178 та), *Eryx miliaris* (1118 та) каби турларнинг ҳам учраши соҳада қатор долзарб масалаларнинг мавжудлигини кўрсатди. Ов қуроллари ва усулларида тўғри фойдалана олиш ҳам овчиликнинг талабларидандир. Ёввойи ҳайвонларни тутишда ўзиотар қурол, камон, арбалет ва найза, сиртмоқ, илгак, туёқли ёввойи ҳайвонлар учун қопқон ва тўрдан фойдаланиш тақиқланади. Шунингдек, портловчи моддаларни ва биологик препаратларни, электр токини қўллаш, дов-дарахтларни ёқиш, товушсиз отиш мосламаларидан фойдаланиш, ёнғин, тошқин ва бошқа табиий офатлардан қочаётган ҳайвонларни овлаш мумкин эмаслигини унутмаслик лозим. Ваҳолнки халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда ҳалқаси, микрочипи, ёрлиқчаси, тамғаси бўлган ёввойи ҳайвонлар тутилганда овчилик хўжалигининг ваколатли шахсига ёки Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий органларига улар томонидан кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига топшириш учун ахборот тақдим этилиши лозим. Жумладан, назоратчи инспекторлар томонидан ов қилиниши мумкин бўлган ҳудудни тўлиқ қамраб олиш ва назорат ўрнатиш имкониятининг чекланганлиги, соҳа қонунчилигидаги айрим бўшлиқлар, овчиликка ихтисослашган хўжаликларнинг турли идоралар таркибида фаолият юритиши ҳамда аҳоли орасида олиб борилаётган ташвиқот-тарғибот ишларининг етарли даражада амалга оширилмаслиги мазкур муаммоларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Н.П. Наумов таъкидлашича, овладидиган ҳайвон турларидан оқилона фойдаланиш улар сонининг камайишига эмас, балки, аксинча ошишига олиб келиши мумкин, ов объектларини



меъеридан ортиқча овлаш ёки аксинча овламаслик эса уларнинг сонини камайишига олиб келади. Ўрганишлар натижасида вилоятда *Lepus capensis* нинг меъеридан ортиқча овланиши улар сонининг камайишига, *Vulpes vulpes* ва *Canis aureus* каби турларнинг жуда кам сонда овланиши аксинча, улар сонининг кўпайишига, ов аҳамиятининг йўқолишига сабаб бўлаётганлиги аниқланди.

Мамлакатимизда Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси томонидан рўйхатдан ўтган овчилар сони 38 мингдан ошади. Лекин ноқонуний ҳаракатланувчилар ҳам борки, уларнинг бу ишлари қонунан белгиланмоқда. Аммо табиатга берилган зарар олдида бу ҳеч нарса бўлмай қолади. Шу сабабли овчилик ва ов хўжалигидаги саъй-ҳаракатларни янада ривожлантириш ҳамда қайта ислоҳ қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июль санасида «Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонун доирасида эндиликда ов хўжалиklarини ташкил этиш, йиллик мавсумни белгилаш ва ноқонуний ишлар қилинишига, браконьерларнинг ҳаракатларига чек қўйиш каби вазифалар белгилаб олинди. Қонунга мувофиқ, ов қилиш турлари, усуллари, муддатлари, маҳсулотлари ва қуроллари, гувоҳнома, рухсатномаларнинг ким томонидан қай тарзда берилиши ҳам белгилаб қўйилган. «Қизил китоб»га киритилган жониворларнинг овланиши қатъиян тўхтатилади. Ов қилиш ва овчилик хўжалигидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, овлаш жойлари, ресурслари каби тушунчалар алоҳида тарифлаб берилган. Унга кўра ҳақиқий овчилик гувоҳномасига эга бўлган жисмоний шахс, шу жумладан, Ўзбекистонда вақтинча турган ва ушбу соҳада хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тузган чет эллик фуқаро ҳам овчи ҳисобланади. Мазкур қонун билан уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган. Жумладан, ёввойи ҳайвонларнинг рухсат этилган турларини белгиланган жойларда ва муддатларда овлаш, маҳсулотни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш, давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг мансабдор шахсларидан ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Овчилик хўжалиklarининг вазифаси ов муддатлари тугагандан сўнг бу худудни муҳофаза қилиш киради.

Овчилик ресурсларини ва ов қилиш жойларини муҳофаза қилиш қуйидагилар орқали амалга оширилади:

\*биологик хилма-хилликни сақлаш ҳамда ёввойи ҳайвонларнинг барқарор яшашини таъминлаш;

\*ёввойи ҳайвонлардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрор кўпайтириш учун шарт-шароитлар яратиш;

\*ғайриқонуний ов қилишга (браконьерликка) қарши курашиш;

\*ёввойи ҳайвонларнинг яшаш муҳити, бўлиш ва урчиш жойларини, уларнинг кўчиб ўтиш йўллариини муҳофаза қилиш;

\*ов қилиш муддатларига риоя этилиши ва тутиладиган ёввойи ҳайвонларнинг сони устидан назорат қилиш;

\*ов қилиш жойлари худудида ёнғинга қарши чоралар кўриш;

\*ов қилиш жойлари худудида ерларни ҳайдаш ва дов-дарахтларни кундаков қилишнинг олдини олиш;

\*сув объектларини сув ҳавзаларининг гидрологик ва гидрогеологик режими бузилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган номақбул ҳодисалардан муҳофаза қилиш.

### 2.3.3-жадвал

#### Бухоро вилоятида норасмий овланган турлар ва уларнинг овланиш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар (2016-2018 йй ўтказилган анкета-сўров натижалари асосида)

Турлар	Бухоро вилоятидаги туманлар											Жами
	Қорақўл	Олот	Жондор	Пешку	Роми-тан	Шофир-кон	Ғижду-вон	Вобкент	Бухоро	Когон	Қоравул-бозор	
Овлаш учун квоталар ажратилмаган турлар												
<i>Agrionemys horsfieldi</i>	350	120	160	380	240	80	50	20	70	45	260	1775
<i>Eryx miliaris</i>	200	380	60	85	132	24	120	40	31	6	40	1118
<i>Varanus griseus</i>	7	20	14	8	30	18	50	5	-	2	24	178
<i>Phasianus colchicus</i>	80	45	58	110	87	78	90	68	54	35	80	785
<i>Columba livia</i>	450	340	560	1430	1300	1200	1470	840	510	1220	470	9790
<i>Pterocles orientalis</i>	-	26	20	46	20	8	12	-	-	56	82	270
<i>Merops persicus</i>	850	290	580	240	900	2200	700	1500	800	1200	1600	10860
<i>Gazella subgutturosa</i>	12	20	4	6	-	-	4	-	-	2	24	72
<i>Canis lupus</i>	-	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	1
<i>Felis libyca</i>	4	2	5	7	7	3	4	-	2	3	8	45
<i>Ondatra</i>	90	74	128	230	200	120	170	48	124	86	230	1500

<i>zibethicus</i>												
Овлаш учун квоталар ажратилган турлар												
<i>Ўрдақлар</i>	640	340	820	235	370	150	580	160	90	230	480	4095
<i>Fulica atra</i>	70	120	180	260	230	50	160	40	36	54	245	1445
<i>Sus scrofa</i>	4	2	1	2	4	1	2	-	-	-	2	18
<i>Vulpes vulpes</i>	2	-	2	3	1	-	-	-	1	-	2	11
<i>Canis aureus</i>	4	2	3	6	4	2	2	-	1	-	3	27
<i>Lepus capensis</i>	8	16	42	35	30	22	24	4	8	14	24	227
<i>Meles meles</i>	2	2	8	12	30	45	14	4	3	6	3	129
<i>Anser anser</i>	8	4	6	45	66	6	12	-	4	28	44	223
Жами	2781	1803	2652	3140	3651	4007	3464	2729	1734	2987	3621	32569

Г.И. Ишунин маълумотларига кўра, Ўзбекистонда овланадиган ҳайвонлар сонининг камайиши ёки айрим турларнинг йўқолиб кетиши уларни оммавий равишда овлаш билан боғлиқ бўлмасдан, балки ҳар 8-20 йилда такрорланиб турадиган табиий офат, яъни ёввойи ва хонаки ҳайвонларнинг ноқулай иқлим туфайли қишки очарчиликдан зарарланиши ва кунлар исиши билан оммавий равишда нобуд бўлиши оқибатидир. Тадқиқотларимиз натижасида юқоридаги фикр ўз тасдиғини топмади. Буни ноқулай иқлим шароитларини олдиндан прогнозлаш ва тегишли биотехник тадбирлар ўтказиш орқали турларнинг оммавий қирилишининг олдини олиш мумкинлиги, табиий офатдан асосан яқинда иқлимлаштирилган турлар зиён кўриши ва маҳаллий турларнинг бунга мослашганлиги, популяцияларда ўзини қайта тиклаш хусусияти мавжудлиги ва ниҳоят, вилоятда овланадиган турларнинг асосини мигрант қуш турлари эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ҳайвонот дунёси барқарорлигини сақлашга нафақат овлаш квоталарини камайтириш, айрим турларни ов объекти рўйхатидан чиқариш ёки айримларига муҳофаза мақомини бериш орқали ҳам эришиш мумкин. Бу учун халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда, турларни махсус шароитларда сунъий кўпайтириш ва иқлимлаштиришни кенг йўлга қўйиш энг самарали усуллардан бири саналади. Ов объекти саналган ва сони ҳаддан зиёд камайиб кетган турларни овлашни чеклаш ёки уларни Қизил китобларга киритиш йўли билан ҳам муҳофаза қилиш энг самарали усул саналади. Шу асосда Бухоро вилоятида сони камайиб кетаётган *Felis libyca*, *Felis chaus* ва *Meles meles* каби турларни Ўзбекистон Қизил китобига киритиш зарур.

Вилоятдаги овланадиган қушларнинг тур таркиби ва сонлари тўғрисидаги ҳисоботлар, ҳақиқатда овланган қушларнинг тур таркиби ва сонларидан фарқ қилади. Бу, биринчидан, қушларнинг сонини ҳисобга олишнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, иккинчидан, миграция натижасида қушларининг тур таркиби ва сонининг ошиши билан тушунтирилади. Тадқиқот ўтказилган ҳудудда овчилар асосан ўтроқ қуш турларини эмас, аксинча, куз, қиш ва эрта баҳор ойларида учиб келувчи мигрантларни оммавий овлаши қайд этилади. Мамлакатимизда уста овчилар кам эмас. Лекин ов

қилишнинг ҳам ўзига хос талаблари бор. Улар 2020 йил 8 июлдаги «Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида»ги қонунда белгилаб қўйилган.

Ов қилмоқчи бўлган шахс ов муддатига риоя қилишига тўғри келади. Ёввойи ҳайвонларни овлашга асосан куз ва қишда рухсат берилади. Масалан, беданани 1 августдан 30 ноябргача, тоғ такаси ва буғуларни 1 сентябрдан ва 31 декабргача, ондатра, қирғовул, қорабовурни 1 октябрдан 31 декабргача овлаш мумкин. Ов қуроллари ва усулларида тўғри фойдалана олиш ҳам овчиликнинг талабларидандир. Аммо ҳайвонларнинг кузги, қишги ва баҳорги ҳисобга олиш ишларининг ўтказилмаслиги ёки малакали мутахассисларнинг етишмаслиги ҳам юқоридаги муаммоларнинг шаклланишига сабаб бўлади.

Д.А. Капустин овладиган ҳайвонларнинг сон динамикаси йиртқич ва ўлжа типидagi муносабатларга боғлиқлигини таъкидлайди. Бизнинг тадқиқотларимизда мазкур фикр ҳам ўз тасдиғини топмади, яъни ов объектлари сонининг йиртқич – ўлжа типидagi муносабатларга боғлиқ ҳолда динамик ўзгариши кузатилмади. Бу, энг аввало, ов хўжаликларида йирик йиртқичларнинг жуда камлиги ёки мутлақо учрамаслиги билан асосланиши мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Бухоро вилоятида овладиган ҳайвонларнинг сон динамикаси ва овланиш ҳажми хўжаликларнинг жойлашган жойи, ов хўжалигини ташкил этилиши ва уни юритилиши, ҳайвонларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича назоратнинг йўлга қўйилганлиги, аҳолининг экологик онги ва маданияти билан боғлиқ. Овчилик хўжаликларида 13 турдаги ҳайвонларнинг тегишли рухсатномалар асосида, 11 турдаги ҳайвонларнинг ноқонуний овланишини, овладиган асосий ҳайвон турларининг овчилик хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини ҳисобга олганда, келгусида овчилик хўжаликлари ва умуман вилоятдаги сув ҳавзаларида ҳайвонларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш зарур.

### **III БОБ. ОВЛАНАДИГАН ҲАЙВОН ТУРЛАРИНИНГ БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРГА АНТРОПОГЕН ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ**

#### **Бухоро вилоятида овладиган ҳайвон турларининг биоэкологик хусусиятлари**

Ов аҳамиятига эга бўлган турларнинг биологик ва экологик хусусиятларини локал ҳудудларда ўрганиш уларни муҳофаза қилиш, турлар хилма-хиллиги, барқарорлиги ва яшаш муҳитини сақлаш ҳамда улардан оқилона фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга. Турларнинг яшаши учун оптимал шароитларни яратишга йўналтирилган биотехник тадбирлар айнан уларнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш орқалигина амалиётга жорий этилиши мумкин.

Қуйида овлаш учун рухсат этилган, овлаш таъқиқланган ва ноқонуний овладиган асосий турларнинг биоэкологик хусусиятларига тегишли материаллар келтирилган бўлиб, унда турларнинг тарқалиш хусусиятлари, уларни овлашдан кўзланган мақсад, популяциянинг ҳозирги ҳолати, турларга антропоген омилларнинг таъсири ва унинг оқибатлари ҳамда турларнинг муҳофазаланиши масалалари муҳокама қилинган.

**Ёввойи чўчка – *Sus scrofa*.** Ёввойи чўчка Ўзбекистондаги йирик ва ҳаваскор овчилар учун муҳим саналган ов объектидир. Бухоро вилоятида учровчи популяция вакиллариининг биологик хусусиятлари бошқа популяциялардан деярли фарқ қилмайди. Аммо яшаш муҳитининг ўзига хослигига боғлиқ ҳолда, бу ердаги популяцияларнинг озуқа таркиби Ўзбекистоннинг тоғ ўрмонзорларида учровчи популяцияларидан ажралиб туради. Бухоро шароитида ёввойи чўққалар озуқа таркибининг асосини қамиш ва қўғаларнинг илдиз поялари ташкил этиши қайд этилди. Шу асосда айтиш мумкинки, овчилик хўжаликларида ёввойи чўққаниннг ҳаёти тўлиқ сув ҳавзалари ва уларнинг қирғоқ зонасида қамишзорлар билан боғлиқ. Ҳавзадаги сув сатҳининг ўзгариши, чорвачилик, браконьерлик, қамишларнинг ёқиши уларнинг сонини белгиловчи асосий омиллар саналади. Айниқса кўлларидаги гидрорежимнинг ўзгариши уларнинг озиқасини камайишига ва натижада озиқ излаб очик майдонларга, қўшни

кўллар ва агроценозларга киришига ва овчиларга осон ўлжа бўлишига олиб келади.

Маълумотларига қараганда, 1977 йилда республикамиздаги овчилик хўжаликларида ёввойи чўчқанинг сони 5800 та бўлган. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотларга қараганда, 2014-2017 йилларда овчилик хўжаликлари кесимида уларнинг ўртача сони 3812 та бўлган ва шу даврда ҳар йили ўртача 74 бош овланган. Ушбу маълумотлар унинг сонини камайганлигини кўрсатади.

Бизнинг ҳисоб натижаларимизга кўра, 2014-2017 йилларда Қорақир овчилик хўжалигидаги ўртача сони 35 та бўлган, йиллик овланиш ҳажми 3,25 тани ташкил этган, “Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ овчилик хўжалигида ўртача сони 30 тани, йиллик овланиш ҳажми 3,75 тани, Қоракўл ўрмон-ов хўжалигида эса ўртача сони 26 тани ташкил этган. Қайд этилган даврда Қоракўл ўрмон-ов хўжалиги, Шўркўл ва Зикри овчилик хўжаликларида ёввойи чўчқа умуман овланмаган.

Яшаш жойида табиий озукаси камайиб кетган даврларда, баъзан кўлдаги хилват ва ҳимояланган жойлардан чиқиб, қишлоқ хўжалик экинлари экилган очик майдонларга, айниқса, маккажўхори далаларига озикланиш учун ўтади. 2014 йил 24 сентябрь куни Зикри овчилик хўжалигида учровчи 2 та ёввойи чўчқанинг Қоровулбозор туманининг “Бўзачи” МФЙда ҳудудида жойлашган фермер хўжалигининг маккажўхори экилган ерларга кириб келганлиги қайд этилди.

Овчилар ва деҳқонлар билан олиб борилган сўровномлар натижасида 1977-1982 йилларда Тузкон кўлидан 30-40 км узоқликда жойлашган собиқ Ўзбекистон жамоа хўжалигининг маккажўхори экилган далаларига ёввойи чўчқаларнинг озикланиш учун келганлиги ва уларнинг айримлари овланганлиги аниқланди.

2018 йилнинг 26 май куни Қоракўлда аҳоли пунктидан узоқда жойлашган фермер хўжалигининг арпа экилган даласида 1 дона чўчқанинг излари борлиги кузатилган. 2018 йилнинг июнь ойида Бухоро вилоятидаги Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тасарруфидаги Қоракўл доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослашган хўжаликда битта чўчқа овланган. Бу чўчқаларнинг агроценозларга Тузкон кўлидан келиш



эҳтимоллари бор. Эҳтимол 2018 йилдаги сув тақчиллиги чўчқаларнинг озиқ излаб агроценозларга келишига сабаб бўлган бўлиши мумкин. Ўрганишлар натижасида овчилар ва браконьерларнинг Қорақир кўлидаги қамишларни ёқиш ва кўлбола тузоқ қўйиш орқали ов қоидаларини кўпол равишда бузиб ёввойи чўчқаларни овлаши ҳам аниқланди.

Мазкур ҳолатлар чўчқаларнинг браконьерлар томонидан ноқонуний овланишига сабаб бўлади ва шу асосда айтиш мумкинки, вилоятда бир йилда қанча ёввойи чўчқа овланганлигини аниқлаш имкони йўқ.

Браконьерлик билан бир қаторда, кўлларнинг қирғоқ зонасида чорва молларининг (йирик ва майда туёқли моллар ва отлар) боқилиши чўчқанинг озуқа ресурсларининг камайишига, яшаш муҳитидаги вазиятнинг ёмонлашувига ва натижада сони камайишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, йирик шохли чорва моллари кўлнинг қамиш ва кўға ўсган соҳилидан анча ичкарига кириб озиқланиши чўчқаларнинг озуқа захираларининг камайишига ва бошпаналарининг бузилишига олиб келиши қайд этилди.

Қиш мавсумидаги қаттиқ совуқли кунларда кўлларнинг тўлиқ музлаши ҳам чўчқа ва бошқа гидрофил қушлар ҳаётига салбий таъсир кўрсатади. Жумладан, 2007-2008 йилларда қишнинг қаттиқ келиши Қорақир ва Тузкон кўлларида бошқа ҳайвон турлари қатори чўчқаларнинг ҳам кўплаб нобуд бўлишига ва осон ўлжа бўлишига сабаб бўлган.

Бухоро вилоятидаги кўлларнинг қирғоқ қисмларида қалин қамишзорлар шаклланган. Қамишзорлар чўчқалар учун асосий озуқа, бошпана бўлиш билан бир қаторда, баҳор ва ёз ойларида қамишзорларда баъзан чигирткаларнинг кўпайиб кетиши қайд этилди. Чигирткалар ҳам чўчқаларнинг сеvimли озуқаси саналади. Шу нуқтаи назардан қараганда, вилоятдаги сув ҳавзалари қирғоқларида қалин бўлиб ўсган қамишзорлар ёввойи чўчқалар ҳаётида трофик ва топик аҳамиятга эга.

Таъкидлаш лозимки, яқин-яқинларгача миллий хусусиятлар билан боғлиқ ҳолда, маҳаллий аҳоли чўчқа гўштини истеъмол қилмаган ва у ҳаваскорлик мақсадида овланмаган. Бугунги кунда одатдаги ов объектига айланиб улгурган бу тур ов муддатларига риоя қилган ҳолда ва белгиланган квоталар

доирасида овлаш, яшаш муҳитининг барқарорлигини сақлаш ва айрим биотехник тадбирларни ўтказиш йўли билан муҳофаза қилинади. Уни тўлақонли муҳофаза қилишда халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган усулларни жорий этиш, жумладан, махсус кўпайтириш, ов маданиятини юксалтириш, бу ишга кенг жамоатчиликни жалб этиш ва сунъий озиклантириш каби тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

**Бўрсиқ – *Meles meles*.** Тунги ҳаёт кечириши, кам сонда учраши сабабли ушбу турнинг биологик хусусиятларини ўрганиш анча мураккаб. Шундай бўлишига қарамасдан, Бухоро шароитида бўрсиқнинг ўзи қовлаган ёки бинолар поли тагидаги доимий уяларда яшаши аниқланди. Унинг баҳорда кўпинча май ойида 4 та бола туғиши ва шу даврда туллаши кузатилди.

Унинг кўпроқ уясида унча узоқ бўлмаган жойдаги юксак ўсимликларининг илдизидан озиқа сифатида фойдаланиши кузатилди. Бўрсиқ қолдирган издан ташқари, ўсимлик илдизини ўзига хос қовлаш хусусияти ҳам бу турнинг шу атрофда учрашини кўрсатувчи белги бўлиб хизмат қилади.

2014-2017 йилларда республикадаги овчилик хўжаликларида бўрсиқнинг умумий ўртача сони 3542 та бўлган (2054-6016) ва ҳар йили ўртача 126 та овланган. Тадқиқотлар натижасида, қайд этилган йилларда вилоятдаги Қорақир овчилик хўжалигида унинг ўртача сони 79 тани, ўртача овланиш ҳажми 15 тани ташкил этди. Мос равишда, Зикри овчилик хўжалигида 34; 6, Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ овчилик хўжалигида 32; 4., Қоракўл ўрмон-ов хўжалигидаги 43 тани ташкил этган ва бу хўжаликда бўрсиқ овланмаган.

Бўрсиқ вилоятдаги деярли барча кўлларда учрайди. Унинг учрашини белгиловчи муҳим омил сифатида ҳавзанинг қирғоқ зонасида қамиш ва шу каби бошқа қирғоқ ўсимликларининг бўлишини кўрсатиш мумкин. Турли касалликларни даволаш мақсадида табибларнинг тавсияларига кўра, гўшти ва ёғи учун ноқонуний овланиши қайд этилади.

Ўрганишлар натижасида 2016-2017 йилларда Шўркўл овчилик хўжалиги яқинидаги Эчкилисойда чўпонлар томонидан 5 дона бўрсиқнинг уясини қазиб орқали овлангани аниқланди. 2017 йил июнь ойида “Жайрон” экомарказининг атрофидан

тутилган бўрсик Бухоро давлат университетининг зоомузейига топширилган.

Аҳоли билан ўтказилган сўровномалар асосида, 1990 йилларда Шофиркон тумани Мингчинор ҳудудида жойлашган болалар оромгоҳи биноси полининг остида ҳар йили май ойида уя қуриб болалайдиган бўрсик оиласининг яшаши ва шу атрофдаги чўл билан чегарадош бўлган канал ва коллекторлар атрофида ҳам бўрсикларнинг кўплаб учраши аниқланди. 2017 йилдаги кузатувларимизда оромгоҳ ва унинг атрофидаги ерларнинг тўлиқ ўзлаштирилганлиги ва бу атрофда бўрсикларнинг учрамаслиги кузатилди.

Таъкидлаш лозимки, табиблар томонидан турли касалликларни даволаш учун беморларга бўрсик гўшти ёки ёғининг шифобахшлигини тавсия қилиниши бу тур сонининг тубдан камайишига сабаб бўлмоқда.

**Қум товушқони – *Lepus capensis*.** Маълумотларга қараганда, 2014-2017 йилларда республика бўйича овчилик хўжаликларида қум товушқонининг умумий ўртача сони 128.443 та бўлган, ушбу даврда ҳар йили ўртача 6.886 бош овланган. Қайд этилган даврда Бухоро вилоятидаги Қорақир овчилик хўжалигида ўртача сони 1.680 тани, ўртача овланиш ҳажми 592 тани ташкил этди. Шўркўл овчилик хўжалигида мос равишда 793; 225, Зикрида 926; 360, Қоракўл ўрмон-ов хўжалигида 628; 70, Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ овчилик хўжалигида 487; 75 та.

Маълумотларга қараганда, 1970-1975 йилларда Олот, Қоракўл ва Жондор туманлари билан чегарадош чўл зонасида товушқонлар жуда кўп бўлган ва ўша даврларда овчилар уларни асосан тунда трактор ва автомашиналар фараси ёруғлигидан фойдаланган ҳолда овлашган. Бунда ҳар бир овчи бир тунда ўртача 10 тагача товушқон овлаган. Эндиликда бу жойларнинг табиий ландшафти тубдан ўзгарган ва ўрмонлар эса йўқолиб кетган.

Қайд этилган йилларда товушқон белгиланган ов муддатларига асосан овланган ва товушқон ови нафақат ҳаваскорлик балки саноат ови сифатида амалга оширилган. Унинг мўйнаси махсус қабул пунктларида қабул қилинган ва кейинчалик қайта ишланган.

Қум товушқони сонининг кескин камайганлиги ва унинг мўйнасини қабул қилувчи ташкилотларнинг тугатилиши бу турнинг ов объекти сифатидаги аҳамиятини ҳамда товушқон овига бўлган қизиқишни пасайишига олиб келган. Сонининг камайиб кетишига сабаб бўлган омиллардан яна бири, унинг яшаш муҳитининг деградацияланиши, яъни саксовул, қандим, юлғун, янтоқ ва шу каби бошқа ўсимликларнинг ёқилғи ва ем-хашак сифатида йиғиштириб олиниши, чорва туёғи сонининг ошиши туфайли унга озуқа ва бошпана бўлувчи манбаларнинг кескин камайиши ва бошқа омиллар билан боғлиқ.

Чўл биоценозларида қум товушқонининг табиий душманлари саналган тулки ва чиябўрилар сонининг ошганлиги “йиртқич-ўлжа” типигаги биотик алоқаларнинг кескинлашувига олиб келса, бу жойларда чорва моллари туёғининг ошиши трофик муносабатларнинг рақобат кўринишида намоён бўлишига сабаб бўлмоқда. Ҳар иккала вазият ҳам товушқонлар сонининг камайишида намоён бўлади. “Йиртқич-ўлжа” типигаги алоқалар чўпонларнинг итлари ва йиртқич қушлар томонидан ҳам содир этилади. Жумладан, 2004 йил май ойида Қоракўл туманининг Хўжам-Сайёд худудида уккининг 1 та жўжали уясида ўлдирилган товушқон боласи топилди.

Қум товушқонининг ҳаёти овладиган бошқа турлар каби, сув ҳавзалари билан бевосита боғлиқ эмас. Унинг асосан ўрмон фондига тегишли ерларда яшашини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, қум товушқонини муҳофаза қилиш ва самарали фойдаланишни тўғри йўлга қўйишда ўрмонни химоя қилиш соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш долзарб саналади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ов объекти сифатида қум товушқонини муҳофаза қилишда ўрмончилик ва овчилик хўжаликларининг ўз фаолиятларини мувофиқлаштирган ҳолда олиб бориши, ўрмонлаштириш ва яйловларни қайта тиклаш масалаларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

**Тулки – *Vulpes vulpes*.** Ҳисоботларга кўра, 2014-2017 йилларда республика бўйича овчилик хўжаликларида тулкининг умумий ўртача сони 4301 та бўлган (2953-5830). Овланиш ҳажми эса жуда кам, яъни 2014-2015 йилларда республикадаги овчилик хўжаликларида умуман овланмаган, 2016-2017 йилларда мазкур хўжаликларда жами 11 бош тулки овланган.

Бухоро вилояти шароитида тулкининг биологик хусусиятлари яхши ўрганилмаган. Тадқиқот давомида унинг каналлар ва эски карьерлар қирғоғига, тепаликларнинг ён бағрига қурилган бир нечта уялари топилди. Май ойларида унинг уяларида тўлиқ шаклланган болалари борлиги аниқланди. 2014 йилнинг 11 май куни Шофиркон туманининг Мингчинор ҳудудидаги эски карьер қирғоғидан топилган тулки уяси олдидан қирғовулнинг пат ва парлари, эчкемарнинг боши, Ўрта Осиё чўл тошбақасининг косалари қолдиғи топилди. Унинг уй паррандаларига ҳужум қилиши, овчилик хўжаликларидagi тухум босаётган қушлар, уларнинг тухум ва жўжаларини nobуд қилиши бир неча бор қайд этилди. Мазкур ҳолатлар унинг озуқа таркиби жуда хилма-хиллигидан далолат беради.

Ҳисоб натижаларига кўра, 2014-2017 йилларда Бухоро вилоятидаги Қорақир овчилик хўжалигида тулкининг ўртача сони 93 тани, Шўркўлда 51 тани, Зикрида 32 тани, Қоракўл ўрмон-ов хўжалигида 73 тани, Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ овчилик хўжалигида 71 тани ташкил этди. Ушбу даврда Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ овчилик хўжалигида жами 25 бош тулки овланган.

Г.И Ишунин ва Х.С. Салихбаев Самарқанд вилоятида 1950 йилда 11384 та, 1960 йилда 7406 та тулки териси тайёрланганлигини ва худди шунга ўхшаш кўрсаткичлар республиканинг бошқа вилоятларида ҳам қайд этилганлигини, тулкининг сон динамикаси озуқа миқдорининг динамикасига (кемирувчилар, товушқон) боғлиқлигини таъкидлайди. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда тулкининг сони камайиб кетиши билан бирга, овланиш ҳажми ҳам кескин камайган.

Кейинги йилларда тулки, шунингдек, чиябўриларнинг овчилик хўжаликлари ва аҳоли яшаш жойлари яқинида йиғилиши ҳисобига уларнинг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда ва айрим салбий ҳолатларнинг намоён бўлишига олиб келмоқда. Аҳоли билан ўтказилган ёзма ва оғзаки сўровномалар ҳам бунга тасдиқлайди. Бундай вазиятни шаклланиши саноат ови сифатидаги аҳамиятининг йўқолиши сабабли деярли овланмаслиги ҳамда табиий яшаш муҳитларида озуқа ресурсларининг камайиб кетганлиги билан изоҳланади. Ҳозирги

вақтда республикамизда саноат овининг йўқлиги тулки ва чиябўрининг ов объекти сифатидаги аҳамиятининг йўқолишига ҳамда сонини бошқариш йўналишидаги ишларнинг етарли даражада бажарилмаслигига сабаб бўлмоқда.

**Чиябўри – *Canis aureus*.** Кейинги йилларда Ўзбекистонда, жумладан Бухоро вилоятида чиябўри сони ошиб бормоқда. 2014-2017 йилларда республикадаги овчилик хўжаликларида чиябўрининг умумий ўртача сони 3789 та бўлган (678-6106). Мазкур даврда республика бўйича фақат 2015 йилда 100 дона чиябўри овланган. Чиябўрининг яшаш муҳити, хатти-ҳаракатлари, ов объекти сифатидаги аҳамияти ва бошқа экологик хусусиятлари тулкиларникиги ўхшаш, аммо унинг сони тулкига қараганда кўпроқ. Давлат статистика қўмитасининг ҳисоботларига кўра, 2017 йил овчилик хўжаликларида 2953 бош тулки, 4382 бош чиябўри ҳисобга олинган. Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмасининг ҳисоботида эса шу йили 600 бош тулки, 3283 бош чиябўри ҳисобга олинганлиги қайд этилади. Қўмита ва бирлашманинг ҳисоботларидаги кўрсаткичлар бири-бирига мос келмайди, худди шундай маълумотлар бошқа турларнинг умумий сони ва овланиш ҳажмлари тўғрисидаги ҳисоботларда ҳам учрашини таъкидлаш мумкин.

Аҳоли билан олиб борилган сўровномалар ўтган асрнинг 60 йилларида чиябўрининг Бухоро шаҳри атрофида ҳам кенг тарқалганлигини, кейинчалик унинг сонини бошқариш бўйича олиб борилган профилактик тадбирлар натижасида унинг бу ерлардан йўқолиб кетганлигини кўрсатади. Тадқиқотларимизда унинг аҳоли пунктларига яқин жойларда озикланишда учраши ва тунги пайтлари паррандаларга хужум қилиши оқибатида баъзан хўжаликларга зиён етказиши қайд этилди. Мазкур ҳолатларнинг тунда содир бўлиши кузатилади. Бу эҳтимол унинг маданий ландшафтларда яшашга мослашганлиги ва сонининг ошганлиги билан боғлиқ.

2014-2017 йилларда Қорақир овчилик хўжалигида чиябўриларнинг ўртача сони 171 тани, Шўркўлда 73 тани, Зикрида 55 тани, Қоракўл ўрмон-ов хўжалигида 112 тани, Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” MChJ овчилик хўжалигида 113 тани ташкил этди.

Ҳозирги вақтда чиябўри саноат ови сифатидаги аҳамиятини йўқотганлиги сабабли жуда кам сонда овланади. Масалан, 2014-2017 йилларда вилоят бўйича жами 30 бош чиябўри овланган (*Peshku Qoraqir Qo`rg`oni*” МЧЖ овчилик хўжалиги).

1990 йилларга келиб саноат овининг бутунлай тугаши, табиий яшаш муҳитларининг деградацияланиши Бухоро вилояти шароитида чиябўри ва тулкиларнинг яна қайта урболандшафтлар атрофида озикланиш учун йиғилишига ва баъзан парррандачиликка зиён етказишига сабаб бўлмоқда. Иккинчидан, тулки ва чиябўриларнинг аҳоли яшаш жойлари яқинида учраши, уларнинг дайди ит ва мушуклар ҳамда бошқа ҳайвонлар билан трофик алоқада бўлиши турли хавфли касалликларнинг (қўтир, қутириш) тарқалиши ва юқишига олиб келиши мумкин. Жумладан, 2002 йилда Угам-Чотқол миллий боғи ва Чотқол қўриқхонаси давлат инспекторлари, ўрмончилар ҳамда маҳаллий аҳоли томонидан мазкур боғ ва қуриқхонада бўри, чиябўри ва тулкиларнинг қўтир касаллиги билан касалланиб нобуд бўлганлиги, 2010 йилда Паркент ўрмон хўжалигида қўтир билан касалланган тулки ва чиябўрилар борлиги қайд этилган. Шу асосда мазкур масалани бартараф этиш йўналишидаги профилактик тадбирларни, яъни тулки, чиябўри, дайди ит ва мушуклар сонини бошқаришни йўлга қўйиш зарур.

***Ғозсимонлар – Anseriformes.*** МДХ давлатларида, жумладан, Ўзбекистонда учровчи сувда сузувчи қушлар овладиган турлар орасида ўзининг тур таркиби ва овланиш ҳажми бўйича юқори кўрсаткичга эга.

Сувда сузувчи қушларнинг, жумладан, ов аҳамиятига эга бўлган турларнинг ов хўжаликларига тегишли сув ҳавзаларидан ташқари бошқа кўлларда, жумладан, Тўдакўл ва Қуйимозор сув омборларида, Денгизкўл ва бошқаларда ҳам учиб ўтиш, қишлаш ва уя қуриш даврида учраши тўғрисида жуда кўп маълумотлар бор. Ғозсимонларга тегишли турларга оид маълумотлар кўп бўлишига қарамасдан, улар мазкур турларнинг ов объеклари сифатидаги ўрнини (ов қилинадиган ҳудудлар бўйича тарқалиши, сони, овланиш ҳажми, уларнинг яшаш муҳитларига турли омилларнинг таъсири, муҳофазаланиши) ёритиб бериш учун етарли эмас.

Бухоро вилоятидаги сув ҳавзалари сув ва сув олди кушларининг яшаши ва айниқса миграцияси даврида муҳим аҳамиятган эга. Е.Н. Лановенко, Э.Ш. Шерназаров, А.К. Филатов маълумотларига кўра, орнитологик буюртмахона мақомига эга бўлган, Рамсар рўйхатига ва Муҳим орнитологик ҳудудлар рўйхатига киритилган Денгизкўлда 1986 йилда 504 мингта, 2009 йилда 9500 та сувда сузувчи кушларнинг учраши қайд этилган. Кейинги йилларда вилоятдаги сув ҳавзаларида сув ва сув олди кушларининг тур таркиби ва сонидан юз бераётган ўзгаришларни Орол денгизидан ва умуман ирригация тизимида содир бўлаётган ўзгаришлар натижаси сифатида баҳолаш мумкин. Бу ўз навбатида орнитофауна трансформацияси билан боғлиқ ҳолда, Бухоро вилоятидаги сув биоценозларини муҳофаза қилиш масалаларининг долзарблигини янада оширади.

Овчилик соҳасига тегишли ҳисоботларда ғозсимонларнинг фақат овланиш ҳажми тўғрисидаги маълумотлар учрайди ва улар ҳам турлар кесимида эмас, балки умумий тарзда, яъни ғозлар ва ўрдаклар шаклида берилган. Ўзбекистонда 7 турдаги ғозлар, 20 турга мансуб ўрдакларни овлашга рухсат берилганлигини ҳисобга олганда, ушбу маълумотлар умумий хусусиятга эга бўлиб амалиётда фойдаланиш имконини бермайди. Шу сабабли тадқиқотлар давомида вилоятда овланадиган ғозсимонлар турларининг овчилик хўжаликлари кесимида тарқалиши ва ўртача йиллик сони ўрганилди.

Бухоро вилоятида ва республикамизнинг бошқа вилоятларидаги овчилик хўжаликларида ҳам ғозлардан асосан кўк ғоз (*Anser anser*) овланади ва у овланиш ҳажми бўйича ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Овчилик хўжаликларининг ҳисоб натижаларига кўра, 2014-2017 йилларда Ўзбекистонда ғозларнинг ўртача сони 232.640 та бўлган (209.630- 272.742). Шу давр мобайнида республика бўйича ўртача ҳар йили 9342 та ғозлар овланган.

Қорақир овчилик хўжалигида 2014-2017 йилларда кўк ғознинг ўртача сони 1834 тани ва овланиш ҳажми эса 925 бошни ташкил этди. Мас равишда: Шўркўл овчилик хўжалигида 420; 168 та, Зикри овчилик хўжалигида 1.809; 517 та, Қоракўл ўрмон-ов хўжалигида 231; 31та, Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖда 1267; 337 та.



Тадқиқотлар натижасида вилоятдаги сув ҳавзаларига кўк ғозларнинг асосан қишлаш учун учиб келиши, уя қуришда жуда кам сонда учраши аниқланди. Унинг тухум кўйилган уялари 2001 йил 5 апрелда Қорақир кўлида (n=3), 2008 йил 28 март куни Тўдакўл сув омборининг дамба қисмида топилди (n=2). Топилган уялар орасидаги ўртача масофа 30 метрни ташкил этди. Уяларнинг сув сатҳидан баландлиги 10-20 см.ни, уялар кенглиги 65-75 см.ни, уя косасининг чуқурлиги 18-14 см.ни, уя косасининг эни 40-47 см.ни, тухумли уялардаги тухумлар сони 6-8 тани ташкил этди. Тухумларнинг (n=14) ўртача морфометрик ўлчамлари куйидагича: оғирлиги ўртача 156,5 гр (142,0-170,0); узунлиги 86,5 мм (84,5-88,5); эни 59,3 мм (56,0-61,2).

Ҳисоботлар таҳлилига кўра (2014-2017й.), республика бўйича ўрдакларнинг сони 1.604.516 та бўлган (1.314.200-1.751.140) ва улардан ҳар йили ўртача 50844 бош ўрдаклар овланган. Таъкидлаш лозимки, ўрдакларнинг сони бўйича ҳисоботлар тур даражасида эмас, балки умумий тарзда берилганлиги сабабли қайси турдан қанча миқдорда овланганлигини, қайси турнинг сони ошган ёки камайдганини аниқлашнинг ҳамда овлаш учун квоталарни илмий асосда белгилашнинг имкони йўқ. Бундай ҳолат турдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишда қийинчилик туғдиради.

Тадқиқот давомида нафақат Бухоро вилоятидаги овчилик хўжаликларида, балки Ўзбекистондаги бошқа овчилик хўжаликларида ҳам кенг тарқалган ва кўп овланадиган 4 турдаги (Олмабош – *Netta rufina*, Қизилбош – *Aythya ferina*, Ёввойи ўрдак – *Anas platyrhynchos*, Чуррак – *Anas crecca*) ўрдакларнинг овчилик хўжаликларидаги сони ва овланиш ҳажми тўғрисида материаллар йиғилди.

Ўрдакларнинг сони аниқлаш бўйича ўтказилган ҳисоб натижаларига кўра, 2014-2017 йилларда Қорақир овчилик хўжалигида юқорида қайд этилган 4 турга мансуб ўрдакларнинг ўртача йиллик сони 10488 тани, овланиш ҳажми 3755 тани ташкил этди. Мазкур кўрсаткичлар мос равишда: Шўркўл овчилик хўжалигида 7209, 827; Зикри овчилик хўжалигида 7042, 1655; Қоракўл ўрмон-ов хўжалигида 2357, 296; Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ да 5122, 187 та.

Ов мавсумида учровчи сувда сузувчи қуш турлари ва уларнинг сон динамикаси кескин ўзгарувчан хусусиятга эгаллиги аниқланди. Бундай ўзгаришлар нафақат йиллар кесимида, ҳатто баъзан сутка давомида ҳам қайд этилди. Жумладан, баъзи сутка давомида кўлда ғоз ёки ўрдакларнинг турлари ва сони жуда кўпайиб кетса, баъзида кескин камайиши ёки умуман учрамаслиги кузатилди. Бу ҳолат эҳтимол, кўлларнинг ўзаро яқин жойлашганлиги сабабли қушларнинг суткалик кўчиб юришлари, кўлнинг трофик ва топик алоқалардаги тутган ўрни, антропоген омиллар зўриқишига берилганлик даражаси ва бошқа омиллар билан боғлиқ.

Ўрдакларнинг вилоятдаги Қорақир, Тузкон, Хадича ва Зикри каби кўлларда ҳамда бошқа кичик ташлама кўлларда уя қуриб кўпайиши аниқланди. Кўпайиш даврида эса жуда кам сонда бўлса ҳам, доимий тарзда учраши кузатилади. Эҳтимол, мазкур хусусиятларни миграция, овчилар босими ва бошқа омиллар таъсирида қушларнинг кўллараро кўчиб юриши, уя қуриш жойлари танлангандан сўнг кўчиб юришнинг кескин камайиши билан изоҳлаш мумкин.

Бундай кўчиб юришлар баъзан ўрдакларнинг қиш мавсумида аҳоли пунктлари яқинида, жумладан, шўр ювиш мақсадида суғорилган далалар, айниқса, бедапоялар, кичик кўллар ва коллекторларда учрашига сабаб бўлади. Қиш совуқ келган йилларда ўрдакларнинг, айниқса, чурракнинг суғорилган далаларда тез-тез учраши ва овчилар томонидан овланишини аниқланди. Яшаш муҳитидаги салбий ўзгаришлар ғозсимонларнинг ўзлари учун ноқулай бўлган жойларда озикланиш ва дам олишда учрашига сабаб бўлиши аниқланди. Жумладан, Бухоро шаҳридаги сил диспансери ёнида шаклланган ташландиқ кўлда 07.01.1996 й. 2 та ва 22.03.1996 й. 5 та ёввойи ўрдакларнинг учраши кузатилди.

**Қашқалдоқ – *Fulica atra*.** Қашқалдоқ Ўзбекистонда кенг тарқалган ва ўтроқ ҳолда яшовчи тур бўлиб, республика бўйича унинг йиллик ўртача сони 2014-2017 йилларда 628.957 тани (487.445- 814.350), ўртача йиллик овланиш ҳажми 11040 тани ташкил этди. Бухоро вилоятидаги овчилик хўжаликларида ушбу даврда қашқалдоқнинг ўртача сони ва овланиш ҳажми қуйидагича: Қорақир овчилик хўжалигида ўртача сони 5896 та,

овланиш ҳажми 650 та, Шўркўлда ўртача сони 7171 та, овланиш ҳажми 158 та, Зикрида ўртача сони 10899 та, овланиш ҳажми 1125 та, Қоракўл ўрмон-ов хўжалигида ўртача сони 2253 та, овланиш ҳажми 50 та, Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ овчилик хўжалигида ўртача сони 3495 та ва бу хўжаликда қайд этилган йилларда қашқалдоқ овланмади.

Қашқалдоқ қиш мавсумида вилоятдаги сув ҳавзаларида кўп сонда учрайди, аммо кўпайиш даврида сони кескин камаяди, айрим кўлларда уя қуриб кўпаяди. Унинг 6 та тухумли уяси 2000 йилнинг 15 май куни Қорақир кўлидан топилди, ушбу кўлда 2000 йил 7 июль куни қашқалдоқнинг 4 та жўжаси билан сузиб юргани кузатилди. 2000 йил 25 июнь куни Вобкент балиқчилик хўжалигида топилган қашқалдоқ уяси йиртқичлик оқибатида нобуд қилинганлиги аниқланди, яъни уяда қашқалдоқнинг патпарлари, уя атрофида сувга тушган тухум топиб олинди. 2001 йил 25 май куни мазкур кўлда 8 та тухум, шу уядан 5 метр узоқликда яна олти тухум босиб ётган қашқалдоқ уяси топилди. Топилган уяларнинг сув сатҳидан баландлиги 20-30 см.ни ташкил этди, уя материали сифатида эса қамиш ва кўға баргларида фойдаланилганлиги аниқланди. Уяларнинг ўлчамлари қуйидагича: эни 38,0 см., бўйи 15,0 см., чуқурлиги 5,5 см. Тухумларнинг ўлчамлари (n=20) қуйидагича: узунлиги ўртача 50,5 мм (49,2-51,5), эни ўртача 32,9 мм. (20,8-34,2), оғирлиги ўртача 32,2 гр. (30,0-35,5).

Биз тадқиқотларимиз давомида кўлларда бирор бир турнинг қашқалдоқ каби жуда кўп сонда йиғилишини қайд этмадик. Жумладан, 13.10.2005 й. Хадича кўлининг шимолий қирғоқ билан чегара қисмида 400 мингдан ортиқ қашқалдоқларнинг жуда зич ҳолатда учраши кузатилди. Қашқалдоқ вилоятдаги барча сув ҳавзаларида, қиш ва баҳор ойларида баъзан суғорилган далаларда ва ҳатто шаҳарлардаги кичик сунъий кўлларда кам сонда (5-10 тагача) учрайди.

**Катта қоравой – *Phalacrocorax carbo*.** Ўрганилган овчилик хўжаликларида катта қоравойнинг ўртача сони ва овланиш ҳажмлари қуйидагича: Қорақир овчилик хўжалигида ўртача сони 872 та, овланиш ҳажми 242 та, мос равишда Шўркўлда 656; 85, Зикрида 1170, 172 та, Қоракўл ўрмон-ов хўжалигида 22, Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ овчилик

хўжалигида 462. Охирги иккита хўжаликда 2014-2017 йилларда катта қоровой овланмаган.

Катта қоровойнинг кўпайиш даврида вилоятдаги балиқчилик хўжаликларида ва бошқа кўлларда колония ҳосил қилган ҳолда учраши қайд этилди. Унинг кўпайиш даври иқлим шароитига қараб, февраль ойининг охири ва март ойининг бошларидан бошланади. Уясини сувдаги юлғун ва сақсовулларга қуради. Уялар бир-бирига яқин баъзан ёнма-ён тегизиб, баъзан ярус ҳосил қидиб устма-уст қурилади. Уяларнинг сув сатҳидан баландлиги 50-140 см гача бўлади. Уянинг ташқи девори турли ўсимликларнинг шох-шаббалари, ички девори эса сув ўтлари, қамишнинг юмшоқ қисмларидан ташкил топади. Уялардаги тухумлар (n=14) сони 2-3 та, тухумлар узунлиги 55,6x66,4 мм. (61,0 мм.) эни 37,0x42,5мм. (39,5 мм.).

Катта қоровой спорт ва ҳаваскорлик овининг объекти бўлишига қармасдан, гўштининг сифатсизлиги сабабли деярли овланмайди. У вилоятдаги балиқчилик хўжаликларида балиқ билан озикланиши сабабли хўжаликка етказадиган зарарини камайтириш мақсадида жуда кам сонда овланади. Бундай овни турнинг сонини бошқариш йўналишидаги ов сифатида баҳолаш мумкин.

**Қорабовур – *Pterocles orientalis*.** Тадқиқот ўтказилган йилларда вилоятдаги Қорақир овчилик хўжалигидаги ўртача сони 735 тани, овланиш ҳажми 242 тани ташкил этди. Мос равишда Шўркўлда 867, 200, Зикрида 2262, 676, Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ да ўртача сони 325 та. ни ташкил этган, овланмаган. Қоракўл ўрмон-ов хўжалиги эгаллаган майдонда қорабовурнинг учраши қайд этилмади, аммо улар Қоракўл туманида кам сонда учраб туради.

2015-2017 йилларнинг сентябрь-октябрь ойларида қорабовурларнинг 10-50 тадан иборат гуруҳларини вилоятнинг Қоравулбозор туманидаги фермер хўжалиklarининг кузги буғдойдан бўшаган далаларида озикланишда ва учиб ўтишда учраши бир неча мартаба қайд этилди. 26.04.2016 йилда мазкур туман чегарасида жойлашган “Жайрон” экомарказида ҳар бири 20 тагача қушдан иборат бўлган бир нечта гуруҳи қайд этилди. Экомарказнинг муҳофаза мақомига эгаллиги ва унинг ҳудудида кўлларнинг бўлиши қорабовурларнинг яшаши учун қулайлик

яратади. Қорабовурнинг сони Қоравулбозор туманида вилоятдаги бошқа туманларга қараганда кўп. Бу ҳолат мазкур туманнинг асосан кузги буғдой етиштиришга ихтисослашганлиги, фойдаланиш учун қулай сув ҳавзаларининг мавжудлиги ҳамда табиий муҳитнинг қорабовурларнинг яшаши учун нисбатан қулайлиги билан изоҳланади.

Маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда вилоятда қорабовурлар сони камайиб кетган. Бизнингча, бу вазият уларни режасиз ва кўп сонда овлаш билан эмас, балки яшаш муҳитининг антропоген трансформацияси билан узвий боғлиқ.

**Ноқонуний овланадиган турлар.** Юқорида таъкидланганидек, тадқиқот ўтказилган даврда Бухоро вилоятида 11 турдаги ҳайвонлар ноқонуний равишда овланган. Уларнинг айримлари жуда кам сонда овланади. Жумладан, *Canis lupus* ҳар икки уч йилда 1-2 дона овланса, *Felis libyca* 5-10 дона овланади, бошқалари эса ҳар йили даврий равишда, айримлари эса кўп сонда овланиши қайд этилади. Улар орасида овлашга рухсат этилмаган *Merops persicus* ва “Ўзбекистон Қизил китоби”га киритилган турларнинг (*Gazella subgutturoza*, *Agrionemys horsfieldi*, *Varanus griseus*, *Eryx miliaris*) учраши ҳам аниқланди. Мазкур турларнинг тегишли рухсатномасиз овланишини ҳисобга олган ҳолда, бундай овни браконьерликка тенглаштириш мумкин.

Маълумки, овлашга рухсат этилган турлар махсус муҳофаза мақомига эга эмас ва улар овчилик хўжаликларида маълум даражада муҳофаза қилинади ҳамда ноқонуний овланиши назорат қилинади. Хўжаликлар эгаллаган майдон ташқарисида ов объектларини ва умуман ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва назорат қилиш фаолияти бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Шу асосда айтиш мумкинки, Ўзбекистонда йўқолиб кетиш хавфи остидаги турларни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар Дастури доирасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳали ҳам етарли даражада эмас.

**Жайрон** - *Gazella subgutturosa*. Кузатишларимиз натижасида жайроннинг вилоятдаги мустаҳкамланган қумликлар, тошлоқ ясси тепаликларнинг шувоқ ўсадиган жойларида нисбатан кўпроқ учраши аниқланди. Асосан, кундузи озукланади,

кечаси дам олади, ёз фаслида эса эрталабки ва кечки соатларда, баъзан тунда ҳам фаол бўлади. Кундуз кунлари қум тепаларининг оркасида ёки буталарнинг соясида дам олади. Одатда озикланиш ва дам олишда кичик подалар ҳосил қилади ва бундай подалар ёзда 4-7 тадан, қишда 8-10 таси бир бўлиб юради, баъзан жуфт-жуфт бўлиб ёки алоҳида-алоҳида ҳолида учрайди.

Баҳорда ёввойи ҳолда ўсувчи бошоқли ўсимликлар, ёзда шўрадошларларнинг турлари ва шувоклар, куз ва қиш ойларида ўсимликларнинг самони, буталарнинг мева, уруғ ва шохлари билан озикланиши кузатилди.

Жайронинг озуқа мўл жойларга кўчиб юриши, ичимлик сифатида кўллардан ташқари, артезиан қудуқлари ва коллекторлардан фойдаланиши сабабли, вилоятнинг чўл зонасида тарқоқ ҳолда тарқалади. Бундай тарқалиш уларнинг браконьерлик усулида ва чўпонлар томонидан овланишига, бу овни назорат қилишнинг мураккаблашувига олиб келмоқда. Ўрганишлар натижасида чўпонларнинг янги туғилган жайрон болаларини чўпон итлари ёрдамида ушлаб олиш ҳоллари қайд этилди.

Қорақўл ўрмон-ов хўжалигида ўтказилган кузатишлар натижасида у ерда ярим тутқунликда яшовчи жайронларнинг томоқ соҳасида яра пайдо бўлаётганлиги натижасида ҳам нобуд бўлиши аниқланди. Айни вақтда бу касалликнинг олдини олиш бўйича профилактик тадбирларнинг амалга оширилмаслиги кузатилди. Эҳтимол шундай касалланиш табиий шароитда яшовчи жайронларда ҳам учраши ва уларнинг нобуд бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

**Ондатра – *Ondatra zibenthicus*.** Бухоро вилоятида кенг тарқалган тур бўлиб, овчилик хўжаликларидан ташқари, кўллар ва коллектор-зовурларда учрайди. Уни овлаш кеч куздан бошланиб, то қишнинг охирига қадар давом этади.

Мўйнасига бўлган талабнинг юқорилиги сабабли 1985-2000 йилларда жуда кўп миқдорда овланган. Меъёридан ортиқча овлаш, овни назорат қилишнинг сустлиги, коллектор-зовурларда сув сатҳининг кескин пасайиши ва баъзан ёз ойларида қуриб қолиши бугунги кунда ондатра сонининг камайишига ва айрим жойларда умуман йўқолиб кетишига олиб келаётганлиги аниқланди.

Саноат овининг тугатилиши, унинг мўйнасига бўлган талабнинг пасайишига қарамасдан, республика бўйича, жумладан, Бухоро вилоятда бу турнинг браконерлик усулида овланиши овланиши қайд этилди. 2018 йил декабрь ойида Қорақир кўлида 98 бош ондатранинг ноқонуний овлаганлиги аниқланди. Вилоятдаги коллекторларда ҳар йили бу турнинг ноқонуний равишда овланиши кузатилади. Маълумотларга қараганда, 2019 йилда Ўзбекистондан овланган 1505 та ондатра мўйнасининг кўшни Қозоғистонга ноқонуний олиб ўтаётганлиги аниқланган.

Охириги йилларда ондатранинг балиқ билан озикланиш орқали балиқчилик соҳасига зиён етказиши, ирригация тизимларида биозарарланишда иштирок этиши тўғрисида турли фикрлар бор. Бизнингча мазкур масалалар илмий асосда чуқур ўрганишни тақазо этади.

**Қирғовул – *Phasianus colchicus*.** Бухоро вилоятида кенг миқёсда, яъни нафақат овчилик хўжаликларида, балки агроценозларда овладиган ов объекти саналади. Кейинги йилларда донли экинлар майдонининг кенгайиши бу турнинг кўпайиши ва озикланиши учун бироз қулайлик яратилишига ва сонининг ошишига олиб келмоқда. Бу каби турларнинг маданийлашган ландшафтларда учраши табиий яшаш жойларидаги шароитларнинг ўзгариши билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг ноқонуний овланишига ҳам сабаб бўлади.

Уяларини ерга, канал ва ариқларнинг қирғоғидаги қалин бутазорларга, буғдой ва беда экилган далаларга қуради. Аммо буғдой ва беда экилган далаларга қурилган уяларнинг аксарияти ўрим даврида ёки бошқа сабаблар билан нобуд бўлиши қайд этилди. Баъзан тухум босиб ётган қушларнинг дайди ит ва мушуклар томонидан нобуд қилиниши кузатилади. Тухумдан чиққан жўжажар жуда чакқон бўлиб, хавф сезилганда уясида чиқиб қалин ўтлар ичида яшириниб олади.

Бухоро вилоятида уни овлаш асосан, ноябрь ойида, пахта далаларидаги ғўзапояларни қирқиш даврида ҳамда агроценозлар атрофидаги қамишзорларда амалга ошади.

**Кўк кантар – *Columba livia*.** Жуда кўп сонда овладиган тур бўлишига қарамай, кейинги 4 йил ичида вилоятда уни овлаш

учун квоталар белгиланмаган. Шундай бўлишига карамай, ҳар йили киш мавсумида аҳоли пункларидаги турар жой бинолар чердагидан жуда кўп миқдорда овланиши қайд этилди. Бугунги кунда республикамизда каптарлар худди шунингдек, аҳоли яшаш муҳитларига яқин жойларда браконьерлик усулида овланадиган бошқа турларни ҳам назорат қилиш имкони чекланган.

**Кўк куркунак – *Merops persicus*.** Кўк куркунак Ўзбекистонга уя қуриш учун учиб келувчи тур саналади. Унинг Бухоро вилоятига учиб келиши апрель ойининг иккинчи ўн кунлигига, учиб кетиши эса октябрь ойининг охирларига тўғри келади. Кўк куркунак асаларичиликка зиён етказиши сабабли, асаларичилик билан шуғулланувчи тадбиркорлар уни асосан пневматик қуроллардан фойдаланган ҳолда отишади. Бу турнинг овланиши овнинг амалдаги турларига унча мос келмайди. Бундай овни турнинг сонини бошқариш мақсадида амалга ошириладиган ноқонуний ов сифатида тавсифлаш мумкин.

**Ўрта Осиё чўл тошбақаси – *Agrionemys horsfieldi*.** Бухоро вилоятининг чўл зонасида кенг тарқалган. Бу турни овлаш 1990 йиллардан сўнг бошланган. Кейинги йилларда маҳаллий овчилар, чўпонлар, георазведка ишлари билан шуғулланувчи ходимлар бир қаторда, уни экспорт қилиш ёки махсус питомникларда кўпайтириш мақсадида овланиши ҳам қайд этилмоқда. Жумладан, 2008-2015 йилларда Қоракўл туманининг Қандим массивида георазведка ишлари олиб борилган жойларда тошбақаларнинг жуда кўп косалари топилди. Худди шундай овчи ва чўпонларнинг ҳам тошбақани истеъмол қилиш учун овлаши аниқланди. Одатда, тошбақаларнинг оёқлари ва ичидаги тухуми истеъмол қилиниши, қолган қисмини ташлаб юборилиши кузатилди. Бундан ташқари Ўрта Осиё чўл тошбақаси ва унинг тухумлари чорва молларининг оёқлари остида эзилиши, ва чўпон итлари томонидан нобуд қилиниши оқибатида ҳозирги вақтда унинг сони кескин камайган. Шу асосда мазкур турни Ўзбекистон Қизил китобига киритиш мақсадга мувофиқ.

**Қум бўғма илончаси – *Eryx miliaris*.** Қум бўғма илончаси вилоятнинг чўл зонасида ҳамда чўл билан чегарадош бўлган агроценозларда тарқалган. Ҳозирги вақтда сони 2000 йиллардагига қараганда кескин камайган. Бу турнинг ҳам



овланиш ҳажми тўғрисида маълумотлар йўқ, аммо маҳаллий аҳолининг айримлари унинг гўшти ва ёғини “шифобахш” деб ҳисоблаши сабабли кўп сонда овланиши қайд этилади. Жумладан, ҳар йили июнь ва июль ойларида Олот туманининг Туркменистон билан чегара ҳудудида жойлашган қум ва тузда даволаниш учун келган одамларга маҳаллий аҳоли томонидан *Eryx miliaris* дан тайёрланган таомни таклиф этиш деярли анъанага айланган. Бундай “анъана” мавсумига қадар ҳам кўплаб қум бўғма илончалари жамғариб қўйилиши ва мавсумда улардан таом тайёрланиши аниқланди .

Юқорида қайд салбий таъсирлар оқибатида кўп сонда қирилиб кетишини, сонининг кескин камайиб бораётганлигини ҳамда Ўзбекистон Қизил китобига киритилганлигини ҳисобга олган ҳолда *Eryx miliaris*, *Varanus griseus* ҳамда *Agrionemys horsfieldi*. каби судралиб юрувчиларнинг вакиллари самарали муҳофаза қилишга мўлжалланган тегишли мақомга эга муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

**Бўз эчкемар – *Varanus griseus*.** Бухоро вилоятининг чўл зонасида кенг тарқалган. Бўз эчкемарнинг гўшти ва суягининг шифобахшлиги тўғрисида аҳоли орасида тарқалган нотўғри тушунча мазкур турнинг кўплаб овланишига сабаб бўлмоқда. Бўз эчкемарнинг биологик хусусиятлари яхши ўрганилмаган. Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилганлигига қарамай, ноқонуний равишда овлаш оқибатида сони кескин камайган. Келгусида бўз эчкемарни муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида унинг биологик ва экологик хусусиятларини ўрганиш, махсус буюртмахоналар ташкил этиш, тутқунликда кўпайтириш ва табиатга қўйиб юбориш йўналишидаги чоратадбирларни амалга ошириш зарур.

Биоэкологик хусусиятлари ўрганилган турлар турли мақсадларда овланади ва уларнинг айримларини (*Varanus griseus*, *Eryx miliaris*, *Merops persicus*) овланиши ҳайвонларни овлашдан кўзда тутилган мақсадларга мос келмайди (3.1.1-жадвал).

### 3.1.1-жадвал

#### Бухоро вилоятида овланадиган турларнинг ов объекти сифатидаги аҳамияти

№	Турнинг номи	Овланишидан мақсад
1	<i>Varanus griseus</i>	Гўшти учун табобатда
2	<i>Eryx miliaris</i>	Гўшти учун табобатда
3	<i>Agrionemys horsfieldi</i>	Асосан экспорт қилиш ва қисман гўшти учун
4	<i>Merops persicus</i>	Асаларичилик хўжаликларига етказадиган зарарини камайтириш
5	<i>Columba livia</i>	Гўшти учун
6	<i>Phasianus colchicus</i>	Гўшти учун.
7	<i>Pterocles orientalis</i>	Гўшти учун
8	<i>Phalacrocorax carbo</i>	Балиқчилик хўжаликларига етказадиган зарарини камайтириш
9	<i>Fulica atra</i>	Гўшти учун
10	<i>Anseriformes</i>	Гўшти учун
11	<i>Canis aureus</i>	Чорвачилик ва овчилик хўжаликларига етказадиган зарарини камайтириш
12	<i>Vulpes vulpes</i>	Чорвачилик ва овчилик хўжаликларига етказадиган зарарини камайтириш
13	<i>Lepus capensis</i>	Гўшти учун
14	<i>Meles meles</i>	Гўшти ва ёғи учун табобатда
15	<i>Sus scrofa</i>	Гўшти учун
16	<i>Ondatra zibenthicus</i>	Мўйнаси учун
17	<i>Gazella subgutturosa</i>	Гўшти учун

Ислом дини ов ҳақида нима дейди. Ов деб зебра, кийик, қуён каби ҳайвонлар, ҳар хил қушлар ва бошқа овланадиган жониворларга айтилади. “Аллоҳ сизни овлар билан албатта синайди”, яъни Раббингиз Аллоҳ сизни кийик, қуён ва булардан бошқа овланадиган ҳайвонлар билан имтиҳон қилади. Макка ҳарамининг ҳудудида ов қилиш эҳромдаги кишига ҳам, эҳромда бўлмаган кишига ҳам ҳаромдир. Иккита ҳарам бор: Маккаи

мукаррама ҳарами ва Мадинаи мунаввара ҳарами. Бу ернинг дарахтлари кесилмайди, ўт-ўланлари юлинмайди, ундаги ҳайвонлар чўчитилмайди ва овланмайди” (Муслим ривояти, 1360).

Шуни ҳам билиб қўйиш керак, хоҳ Ҳарам худудида, хоҳ Ҳарамдан ташқарида бўлсин, эҳромдаги кишилар ҳам, эҳромда бўлмаганлар ҳам ўлдирса бўладиган бешта ҳайвон бор. Бу ҳақда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан саҳиҳ ҳадис келган: “Бешта зараркунанда ҳайвон Ҳарамда ҳам, Ҳарамдан ташқарида ҳам ўлдирилади: илон, олақарға, сичқон, қутурган ит ва калхат” (Муслим ривояти, 2156). Булар одамларга озор берадиган, зарарли ва фойдасиз ҳайвонлар бўлгани учун Ҳарамда ҳам ўлдиришга рухсат берилган. Шунга қиёс қилиб, Ислом фуқоҳолари шер, йўлбарс, қоплон, бўри каби инсонлар ҳаётига хатар соладиган ҳайвонларни ҳам ўлдириш жоиз эканига ижмоъ қилганлар.

Вилоятда овланадиган турларнинг биологияси, яшаш муҳити, уларга бевосита ва билвосита салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича таклиф этилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар 3.1.2-жадвалда келтирилган.

### 3.1.2-жадвал

#### Бухоро вилоятида овланадиган турлар экологиясининг ўзига хос хусусиятлари

Турлар	Биологияси	Яшаш муҳити	Салбий таъсир кўрсатувчи омиллар	Муҳофаза чоралари
Ёввойи чўчка ( <i>Sus scrofa</i> )	Кўпайиш биологияси одатдаги тур доирасида амалга ошади. Озуқасининг асосини қамиш ва қўғалар ташкил этади, баъзан донли экинлар билан озиқланади.	Ҳаёти тўлиқ сув ҳавзалари ва уларнинг қирғоқ зонаси билан боғлиқ. Қисман агроценозларга кириб келади.	Браконьерлик, гидрорежимнинг ўзгариши, чорвачилик, қамишзорларга ўт қўйилиши.	Муҳофаза чоралари деярли амалга оширилмайди. Қисман овчилик хўжаликларида муҳофаза қилинади. Сонининг барқарорлиги сақлаш учун махсус кўпайтириш, биотехник тадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказиш, муҳофаза қилишга қаратилган жамоатчилик фаоллигини ошириш тавсия қилинади.
Бўрсик ( <i>Meles</i> )	Кўпайиш биологияси одатдаги тур	Вилоятдаги деярли барча кўлларда, йирик	Асосан табибларнинг	Муҳофаза чоралари деярли амалга

<i>meles)</i>	доирасида амалга ошади. Озуқасининг асосини қамиш ва шу каби ўсимлик илдизлари ташкил этади.	коллекторларнинг қирғоқ зоналарида учрайди.	тавсияларига кўра гўшти ва ёғи учун ноқонуний овлаш, ушлаш мақсадида уяларини бузиш, чўл зонасининг ўзлаштирилиши.	оширилмайди. Қисман овчилик хўжаликларида муҳофаза қилинади. Махсус кўпайтириш, муҳофаза мақомини бериш, ноқонуний овлашга қарши назоратни кучайтириш тавсия қилинади.
Қум товушқони ( <i>Lepus capensis</i> )	Кўпайиш биологияси одатдаги тур доирасида амалга ошади. Озуқасининг асосини чўлда ўсувчи ўсимликлар ташкил этади.	Вилоятнинг чўл зонасида ва агроценозлар чегарасида учрайди.	Чўл зонасининг деградацияси, чорвачилик, тулки, чиябўри ва чўпонларнинг итлари билан боғлиқ “йиртқич-ўлжа” типдаги биотик алоқаларнинг кескинлашуви, ноқонуний ов,	Муҳофаза чоралари умуман амалга оширилмайди. Махсус кўпайтириш, муҳофаза қилишга қаритилган назоратни кучайтириш, саноат овини йўлга қўйиш учун тегишли тадбирларни амалга ошириш тавсия қилинади.
Тулки ( <i>Vulpes</i>	Кўпайиш биологияси одатдаги тур	Барча кўллар ва коллекторларнинг	Яшаш муҳитининг деградацияланиши	Аҳоли пунктлари атрофида сонини

<p><i>vulpes</i>) ва Чиябўри (<i>Canis aureus</i>)</p>	<p>доирасида амалга ошади. Озуқасининг асосини турли кемирувчилар, товушқон, майда тошбақалар, кушлар ташкил этади. Баъзан аҳоли хонадонларидаги парррандаларга хужум қилиши кузатилади. Турли касалликларнинг тарқалишида иштирок этиши мумкин.</p>	<p>қирғоқ қисмида, агроценозлар билан чегараланган чўл зонасида, чекка аҳоли пунктлари атрофларида, йирик қирғоқ зоналарида учрайди. Аҳоли пунктлари атрофида сони кўпайиш тенденциясига эга.</p>	<p>натijasида озикланиш ва уя қуриш жойларининг камайиб кетиши.</p>	<p>бошқаришга йўналтирилган профилактик тадбирларни амалга ошириш, саноат овини йўлга қўйиш тавсия этилади.</p>
<p>Сувда сузувчи кушлар</p>	<p>Кўк ғоз Қорақир кўли ва Тўдакўл сув омборларида, ўрдаклар ва сувда сузувчи бошқа турлар вилоятдаги деярли барча</p>	<p>Ҳаёти асосан сув ҳавзалари билан боғлиқ. Орол денгизи билан боғлиқ трансформацион ўзгаришлар ғозсимонларнинг тарқалиши, тур таркиби</p>	<p>Браконъерлик, сув ҳавзалари гидрорежимидаги ўзгаришлар, қамишзорларга ўт қўйилиши, яшаш муҳитидаги</p>	<p>Махсус муҳофаза чоралари амалга оширилмайди. Рамсар рўйхатига киритилган Денгизкўлда ва қисман Тўдакўл сув омборида муҳофазаланади.</p>

	<p>кўлларда кўпайишда иштирок этади. Ҳавзалардаги сув сатҳининг туб ўзгаришлари кўпайиши учун ноқулайликлар туғдиради ва шу сабабли кўпайиш цикли чўзилади ва кўпайиш самарадорлиги нисбатан пасаяди. Озиқланиши одатдаги турлар доирасида амалга ошади.</p>	<p>ва сонидан ўз аксини топган. Мазкур турларнинг қишлоқчи популяцияларидаги сони кўпайишда иштирок этувчи популяцияларидаги сонига нисбатан кўп. Ўртача йиллик, мавсумий ва баъзан ҳатто сутка давомида сон динамикаси кескин ўзгарувчан хусусиятга эга. Қиш мавсумида ўрдаклар озиқлангиш учун агроценозларга кириб келади ва шу ерда овланади.</p>	<p>салбий омиллар сабабли ўзлари учун ноқулай бўлган жойларда йиғилиши.</p>	
--	--	---	---	--

## **Овланадиган ҳайвон турларига ва уларнинг яшаш муҳитига антропоген омилларнинг таъсирини баҳолаш**

Антропоген омилларнинг ҳайвонот дунёсига, жумладан, овланадиган турларга таъсирини, унинг оқибатларини ўрганиш, баҳолаш ва бошқариш келгусида жамият билан табиат орасидаги муносабатларни ўзаро мувофиқлаштиришга ҳамда экологик барқарорликни таъминлашга хизмат қилиши билан долзарбдир.

Илмий-техникавий тараққиёт чўл зонасининг кучли ўзлаштирилишига, тўқайлар майдонининг қисқаришига ва натижада ёввойи ҳайвонлар яшайдиган табиий муҳитнинг маданийлашувига олиб келмоқда. Бу, сўзсиз, овланадиган турларнинг ареали, тарқалиши, зичлиги ва яшаш муҳитини белгиловчи асосий омилдир.

Тадқиқот ўтказилган чўл зонаси ўта қадимий ландшафтлиги сабабли антропоген омиллар таъсирига берилувчанлиги, қисқа вақтда туб ўзгарувчанлиги ва қайта тикланиши учун узок муддат зарурлиги каби хусусиятлари билан ажралиб туради. Бундай хусусият бу ердаги табиий мажмуаларни антропоген омиллар таъсирларидан муҳофаза қилишда ўзига хос ёндашувни ва масаланинг долзарблигини янада оширади.

Текислик зонасида ҳайвонларни овлаш, жумладан, уларни таъқиб қилиш усуллари ҳам ўзига хос бўлиб, бу ов жараёнининг тоғлик жойларга қараганда қулай ва жадал кечишига сабаб бўлади. Тадқиқотлар жараёнида, рельефнинг қулайлиги ва ҳайвонларнинг яшириниши учун қулай жойларнинг йўқлиги сабабли жайрон ва қум товушқонининг транспорт воситалари ва уларнинг кучли чироқлар ёруғлигидан фойдаланган ҳолда овланиши ҳамда бунинг кўпинча браконьерлар томонидан амалга оширилиши аниқланди. Натижада ҳайвонларнинг яшаш муҳитлари транспорт воситалари томонидан пайҳон қилиниши қайд этилади.

Овланадиган турларнинг асосини ташкил этувчи сувда сузувчи қушларнинг ҳаёти бевосита сувнинг гидрологик режими ва иқлимий омиллар билан узвий боғлиқ. Вилоятдаги Зикри ва Хадича кўллари, Тўдакўл сув омбори ва бошқа сув ҳавзаларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида, сувнинг гидрологик



режими ўзгариши қушларнинг кўпайиш даврида жуда кўп уялари ва улардаги тухум ҳамда полапонларнинг nobуд бўлишига, йиртқичлар томонидан nobуд қилинишига сабаб бўлиши кузатилди. Жумладан, 2003 йилнинг 20-25 апрель кунлари Зикри ва Хадича кўлларида сув сатҳининг кўтарилиши оқибатида улардаги оролчалар сув остида қолганлиги ва оролчалардаги *Phalacrocorax carbo* нинг уялари, улардаги тухумлар nobуд бўлганлиги аниқланди. Шундан сўнг қушларнинг кўпчилиги бу ерларни тарк этганлиги, айримлари иккинчи марта уя қуришга киришганлиги кузатилди. 03.05.2003 й. Зикри кўлидаги 3 та оролчалардан бирида *Phalacrocorax carbo* нинг иккинчи марта қурилаётган 30 та уяси юлғунга жойлаштирилаётганлиги, иккинчи оролчага унинг уялари иккинчи марта қурилаётганлиги қайд этилди. 04.05.2003 й. Хадича кўлида ҳам уялари nobуд бўлган қушларнинг иккинчи марта уя қураётганлиги аниқланди. Ҳар иккала ушбу турдан ташқари *Fulica atra*, *Cygnus olor*, *Netta rufina*, *Anas platyrhynchos*, *Anas clypeata*, *Anser anser* ва бошқа ов турларининг ҳам уя қуриши қайд этилган.

Тур ареалининг қисқариши, сонининг камайиши ёки дастлабки яшаш жойидан йўқолиб кетишида антропоген омиллар етакчи ўринни эгаллайди. Жумладан, Н.П. Наумов ўз тадқиқотларида мўйна берувчи ҳайвонлар, қушлар ва балиқларни овлаш уларнинг тур таркиби ва сонининг ўзгаришига сабаб бўлиши билан бир қаторда, популяцияларнинг ҳолати ва яшаш муҳитининг ўзгаришига ҳам олиб келишини ҳамда таъсир даражасининг ов жараёнининг жадаллигига, унинг муддатига ва ҳайвонларни овлаш усулига боғлиқ бўлишини қайд қилади.

Овнинг жадаллиги, яъни айрим турларнинг кўп, айримларининг кам овланиши ёки умуман овланмаслиги Бухоро вилоятидаги ов объектларига ҳам хос бўлиб, бунинг натижаси айрим турларнинг сони камайишида, айримларининг яшаш муҳитларида силжишлар юз беришида ва баъзан ўзлари учун ноқулай бўлган муҳитларга кириб келишида намоён бўлмоқда. Жумладан, ёввойи чўчқа ва сувда сузувчи қушларнинг агроценозларда, коллектор ва зовурларда учраши уларнинг доимий яшаш муҳитида ноқулай вазиятлар шаклланганлигидан далолат беради. Худди шундай, чиябўри ва қирғовул каби турларнинг антропоген ландшафтларда учраши бир томондан

мазкур турларнинг асосий яшаш муҳитларидаги ноқулайликлар бўлса, иккинчи томондан аҳоли пунктлари атрофларида уларга озуқа бўлиб хизмат қилувчи манбаларнинг кўплиги билан изоҳланади.

Антропоген омилларнинг алоҳида ҳайвон турлари ва уларнинг яшаш муҳитига хилма-хил таъсир этиш даражасини аниқлаш ва уни баҳолаш турлар ҳамда уларнинг яшаш муҳитини муҳофаза қилишда алоҳида аҳамиятга эга. Бухоро вилоятида овладиган турлар сонининг камайишини ва уларнинг яшаш муҳитлари деградацияланишини 3.2.1-жадвалда қайд этилган антропоген омиллар келтириб чиқаради.

Ўрганилган антропоген омилларнинг таъсир даражаси балларда 4 шкала орқали баҳоланди (0 балл – таъсир йўқ ёки сезилмайди; 1 балл – таъсир мавжуд ёки у кучсиз ифодаланган; 2 балл – таъсир яққол намоён бўлган; 3 балл – таъсир жуда юқори даражада ёки критик даражада намоён бўлади).

Браконьерлик ва режасиз ов қилиш ов аҳамиятига эга бўлган турлар сонининг камайиб кетишига сабаб бўлувчи асосий омиллардан бири бўлиб, таъсир даражасининг умумий миқдори 10 баллни ташкил этади. Браконьерлик белгиланган овлаш ҳажмларига риоя этилмаслигига, овлашга рухсат этилмаган турларни овлашга ва овлаш қоидаларининг бузилишига сабаб бўлади. Бугунги кунда бу борада олиб борилаётган сай ҳаракатлар ўз натижасини бериши, соҳадаги долзарб масалалардан бири саналади. Бу соҳада қилиниши мумкин бўлган жуда кўп муаммолар ўз ечимини кутиб турганлигини тўғри талқин қилиш лозимлиги яна бир карра ўз тасдиғини кўрсатмоқда.

### 3.2.1-жадвал

#### Бухоро вилоятида овланадиган турлар ва уларнинг яшаш муҳитига антропоген омилларнинг таъсир даражаси

Турлар	Антропоген омилларнинг турлари ва уларнинг таъсир даражаси (балл ҳисобида)							Таъсирлар даражасининг умумий йиғинлиси
	Браконъерлик	Дехқончилик	чорвачилик	Ўсимликларни пайҳон қилиш	Рекреация	Гидрорежимнинг ўзгариши	Георазведка ва коммуникация	
Сувда сузувчи қушлар	2	1	1	2	1	3	0	10
<i>Pterocles orientalis</i>	1	2	2	2	0	1	1	9
<i>Sus scrofa</i>	3	0	2	3	1	2	1	12
<i>Meles meles</i>	3	1	2	2	0	1	1	10
<i>Lepus capensis</i>	1	1	3	3	0	0	2	10
<i>Vulpes vulpes</i>	0	0	1	2	0	0	2	5
<i>Canis aureus</i>	0	0	1	2	0	0	2	5
<i>Felis libyca</i>	0	0	3	2	0	0	0	5
Таъсир даражасининг умумий миқдори	10	5	15	18	2	7	9	

Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш Бухоро вилоят ҳудудий инспекцияси маълумотларига қараганда, 2013-2018 йиллар давомида браконъерлик натижасида вилоят бўйича 6 та ёввойи чўчқа, 12 та товушқон, 8 та ғоз, 46 та

ўрдак овланган. Ноқонуний овни назорат қилувчи имконининг чекланганлиги ёки ов қилинадиган барча жойларни қамраб олиш мураккаблиги сабабли, аниқланмаган қонунбузарликларни ҳам ҳисобга олинганда, ушбу кўрсаткичлар янада ошади.

Овчилик хўжаликларининг кўлларда ташкил этилганлиги ва уларнинг балиқчиликка ихтисослашган хўжаликлар билан ёнма-ён жойлашуви ҳам турли ноқулайликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Кейинги йилларда балиқчиларнинг тақиқланган воситалардан фойдаланган ҳолда ноқонуний ов қилиши, яъни балиқ овлашда кучли ёритувчи прожекторлар ва электр қармоқларини кўллаши овланадиган турлар учун жиддий хавф туғдирмоқда. Барча кўлларнинг балиқчилик билан шуғулланувчи тадбиркорларга бириктирилиши юқоридаги муаммоларнинг долзарблигини янада оширади ва уни ҳал этиш йўналишидаги тадбирларни амалга оширишни тақазо этади.

Тадқиқотлар давомида, баъзан ноқулай об-ҳаво шароитларида (қалин қор, каттиқ совуқ натижасида ҳавзанинг тўлиқ музлаши) ҳам ҳайвонларнинг овланиши, биотехник тадбирларнинг амалга оширилмаслиги аниқланди. 2007-2008 йилларда қишнинг каттиқ совуқ бўлиши вилоятдаги кўлларнинг тўлиқ музлашига ва оқибатда сувда сузувчи қушларнинг кўплаб нобуд бўлишига ҳамда ноқонуний овланишига олиб келган. Жумладан, 26.01.2008 й. Тузкон кўлининг тўлиқ музлаганлиги сабабли унга қуйиладиган каналда *Netta rufina*, *Aythya ferina*, *Vicperhala clangula*, *Fulica atra* ва бошқа қушларнинг йиғилиши ва уларнинг 5-6 та овчилар томонидан аёвсиз овланиши қайд этилган. Сўровномалар ушбу даврда Қорақир кўлида *Sus scrofa* ларнинг кўплаб қирилиши кузатилганлигидан далолат беради.

Кейинги йилларда аҳоли томонидан “шифобахш” саналган ва овланган ҳайвонлардан (*Gazella subgutturosa*, *Meles meles*, *Varanus griseus*, *Eryx miliaris*) тайёрланган таомларга бўлган талабнинг ошиши ҳам уларнинг ноқонуний овланишига сабаб бўлмоқда. Айрим туманларда мазкур турлардан тайёрланган таомлар билан савдо қилувчи овқатланиш шаҳобчалари ташкил қилинган ва ҳатто айрим турлар ушбу шаҳобчалар олдида қафасда сақланаётганлиги ҳам қайд этилди (Вобкент тумани Сўфидехқон қишлоғидаги Лаби-ҳовуз чойхонасида эчкемар ва йиртқич қушлар сақланган).

Ҳар йили июнь ва июль ойларида Олот туманининг Туркменистон билан чегара ҳудудида жойлашган қум ва тузда даволаниш учун келган одамларга маҳаллий аҳоли томонидан *Eryx miliaris* дан тайёрланган таомни таклиф қилиш деярли анъанага айланган. Бундай “анъана” мавсумига қадар кўплаб қум бўғма илончалари овланади. Шунингдек, ўрганишлар натижасида бозорларда ва умумий овқатланиш шаҳобчаларида қайд этилган турлар ва уларнинг тана қисмларининг (гўшти, ёғи, териси) сотилиши, муҳофаза мақомига эга бўлган турларнинг овланиши соҳада ҳали ечимини кутаётган кўплаб муаммоларнинг мавжудлигидан далолат беради (3.2.1-расм).



**А**



**В**



**С**



**Д**

**3.2.1-расм. Ноқонуний овланган ҳайвонлар: А) *Varanus griseus*, В) *Eryx miliaris*. С) *Agrionemys horsfieldi*, Д) *Gazella subgutturosa***

Вилоятда *Circus aeruginosus*, *Falco tinnunculus* ва *Acciiter badius* каби қушларнинг полапонларини йирткич тур сифатида овлаш ва улар билан савдо қилиш ҳоллари ҳам учрайди. Соҳада тарғибот ва ташвиқот ишларининг суствлиги оқибатида кейинги йилларда *Streptopelia decaocto*, *Streptopelia turtur*, *Streptopelia senegalensis* каби қадимдан миллий урф-одатлар доирасида муҳофаза қилинадиган ва гўштини истеъмол қилиш гуноҳ саналган турларни ҳам овланиши қайд этилди.

Кейинги йилларда назоратнинг суствлиги ёки уни амалга ошириш механизмларининг такомиллашмаганлиги юқорида қайд этилган муаммолар кўламининг кенгайишига олиб келмоқда. Ҳайвонлар ҳисобини юритиш ва квоталар белгилашдаги камчиликлар, овнинг режасиз ва тартибсиз амалга ошиши, ов куроллари ва ўқ-дориларнинг тегишли стандартларга жавоб бермаслиги ов объектларининг меъеридан кўп ёки кам овланишига, хўжалик рентабеллигининг пасайишига сабаб бўлиши аниқланди.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда 20 тадан ортиқ давлатларда ов жараёнида кўрғошинли питралардан фойдаланилади ва бу питралар сув-ботқоқ қушлари томонидан ютилиши ва заҳарланиш оқибатида уларнинг нобуд бўлишига олиб келишини тасдиқланган. Макур муаммонинг олдини олиш мақсадида Ов ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш бўйича Халқаро Кенгаш (СИС) ҳамда Европа Иттифоқининг ов ва табиатни муҳофаза қилиш Ассоциациялари Федерацияси (FACE) ҳамкорлигида заҳарсиз питраларни қўллаш масалаларига бағишланган кенгашлар ва махсус тадбирлар ташкил қилиб келинмоқда. Бугунги кунда Канада, Норвегия, Финляндия, Дания, Нидерландия, Швейцария ва АҚШда сув-ботқоқ худудларида кўрғошинли питралардан фойдаланиш тақиқланган. Шундай бўлишига қарамасдан, ўрганилган овчилик хўжаликларида нафақат кўрғошинли питралардан, баъзан аккумуляторлардаги кўрғошиндан қўлбола усулда тайёрланган сочма ўқлардан фойдаланилиши кузатилди. Овчилар қўлбола усулда тайёрланган питраларнинг зарарли хусусиятлари тўғрисида тушунчаларга эга эмас, уларнинг кимёвий таркиби тўлиқ таҳлил этилмаган ва ҳайвонот дунёсига, инсон

саломатлигига ва умуман, табиатга таъсири тўғрисида маълумотлари деярли йўқ.

Ўсимликларни пайҳон қилиш, яъни ёқилғи сифатида саксовул, қандим ва юлғунни йиғиш қуруқликда яшовчи ҳайвон турларининг яшаш муҳитига салбий таъсир қилса, сув ҳавзаларининг қирғоқларидаги қамиш ва қўға каби ўсимликларнинг пайҳон қилиниши сув ва сув олди ҳайвонлари учун ноқулай вазиятнинг шаклланишига олиб келади.

Вилоятдаги ов хўжалиklarининг сув ҳавзалари билан боғлиқлиги инобатга олсинса, ҳавзанинг қирғоқ зонасидаги ўсимликлар қоплами хўжаликдаги овланадиган ҳайвонлар ҳаётида жуда муҳим аҳамиятга эгаллиги яққол намоён бўлади. Шундай бўлишига қарамасдан, қирғоқ зонасидаги қамишларни ёқиш, чорва молларини боқиш оқибатида ўсимликларнинг пайҳон қилиниши қайд этилади.

Чорвачилик ва ўсимликларни пайҳон қилиш ов объектларининг камайиб кетишига сабаб бўлувчи энг асосий омиллардан саналади ва уларнинг таъсир даражасининг умумий йиғингдиси 15-18 баллни ташкил этади. Айниқса кўллардаги ўсимликларни пайҳон қилиш, ўт қўйиб ёндириш асосан, чўпонлар ва балиқчилар томонидан анъанавий тарзда куз ва қиш мавсумида амалга оширилиши кузатилди, жумладан бу ҳолат Қорақир ва Тузкон каби кўлларда мунтазам равишда содир этилиши қайд этилди. Вилоятда кам сонда учровчи *Felis libyca* чўпонлар ва чўпон итлари томонидан овланиши ва таъқиб қилиниши аниқланди. Кам сонда учровчи *Felis libyca* ва *Felis chaus* каби турларга чўпонлар томонидан бўладиган бундай муносабатлар улар сонининг янада камайиб кетишига сабаб бўлади ва шу асосда мазкур турларга муҳофаза мақомини бериш зарур.

Вилоятдаги барча кўллар ва сув омборларининг гидрологик режими тўлиқ инсон фаолияти билан боғлиқ. Улардан фойдаланиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ҳайвонот дунёси экологик омил сифатида ҳисобга олинмайди. Айниқса, кейинги йиллардаги сув танқислиги ҳавзалардаги сув заҳираларининг тубдан камайишига олиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, қирғоқ бўйи ўсимликлар қоплами ва ҳайвонот дунёсига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Вилоятдаги асосий ов объектлари ҳаётининг сув ҳавзалари билан боғлиқлигини ҳисобга олганда, келгусида гидрологик режимни бошқаришда сув биоценозларининг барқарорлигини таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратиш талаб этилади.

Кейинги йилларда Бухоро вилояти ҳудудида кенг қамровда олиб борилаётган геология қидирув ишлари, нефть ва газ саноатининг жадал ривожланиши ҳамда коммуникация тизимларининг кенгайиши ҳам ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллиги ва сони камайишига таъсир кўрсатмоқда.

Вилоятнинг чўл зонасида бунёд этилган Қандим, Хаузак ва Шоди кон участкалари ҳамда Қандим газни қайта ишлаш заводи учун бунёд этилган йўллар, қувурлар ва электр тармоқлари, шу билан бирга, чўл зонаси бўйлаб чўзилган ирригация тармоқлари айрим турларнинг яшаш муҳити ўзгаришига олиб келган бўлса, айримларининг тарқалишига тўсқинлик қилувчи омилга айланган. Бундай тўсиқлар баъзан браконьерларнинг ҳайвонларни таъқиб қилишида қулайлик яратади ва ўзига хос “тузоқ” вазифасини ҳам бажаради.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари, деҳқончилик ва чорвачилик юритиш ва рекреация билан боғлиқ антропоген омиллар ҳам овладидиган ҳайвон турларига маълум даражада таъсир кўрсатади. Инсон фаолиятининг ҳайвонлар сони камайишидаги ўрни Австралия чўллари мисолида ҳам исботланганлиги қайд этилади.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, *Sus scrofa*, *Meles meles*, *Lepus capensis* ҳамда сув ва сув олди қушларига бўладиган таъсирларнинг умумий йиғиндиси нисбатан юқори (12-10 балл). Таъсир даражасининг умумий миқдори бўйича ўсимликларнинг пайҳон қилиниши, чорвачилик юритиш, браконьерлик ва режасиз ов (10-18 балл) каби антропоген таъсир турлари юқори кўрсаткични эгаллайди. Мазкур муаммолар асосан, хўжаликларга бериктирилган майдонларнинг атрофи тегишли тартибда ўралмаганлиги сабабли унга исталган жойдан кириб-чиқиш имконининг мавжудлиги билан изоҳланиши мумкин. Бу ҳолат нафақат тартибсиз рекреация, балки режасиз овнинг амалга оширилишига ва бошқа муаммоларга сабаб бўлади. Шу асосда келгусида соҳани ривожлантириш, айниқса, ов туризмни



ташқил этишни инобатга олган ҳолда, хўжаликларнинг атрофини бегоналар киришига тўсқинлик қилувчи турли тўсиқлар билан чегаралаш масаласи долзарблигича қолмоқда.

### **Ҳайвонларнинг ҳисоби ҳамда кадастри натижаларидан фойдаланиш**

Ҳайвонларни овлаш учун рухсатномалар ҳайвонот дунёси объектларининг давлат томонидан ҳисобга олиниши ва улардан фойдаланиш ҳажмларини ҳисобга олиш маълумотлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосаси асосида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган квоталар доирасида берилади. Овланадиган турларни ва улардан фойдаланиш (овлаш) ҳажмларини ҳисобга олиш ишлари ҳар йили овчилик хўжаликларида фаолият юритувчи ходимлар ва бу ишга жалб этилган илмий муассасаларнинг ходимлари (ЎзР ФА Зоология институти, жойлардаги олий таълим муассасаларидаги мутахассислар) томонидан олиб борилади. Ҳисоб натижалари давлат статистика органларига тақдим этилади.

Бугунги кунда ҳайвонларнинг сонини ҳисобга олиш ва овланиш ҳажмларини аниқлаш ишлари, асосан, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда ва овчилик хўжаликларида амалга оширилади. Ҳисобга олиш ишлари овчилик хўжаликлари фаолиятини самарали юритишга хизмат қилиши билан бир қаторда, ҳайвонот дунёсини ва унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Квоталар овланадиган ҳайвон турларини табиатдан ажратиб олиш учун тегишли тартибда рухсат берилган энг юқори миқдор бўлиб, у ҳар йили қайта кўриб чиқилади. Таҳлилларнинг кўрсатишича, ҳайвонлар сонини ҳисобга олиш ва прогноз қилишдаги айрим камчиликлар ҳамда ов хўжалигини юритишнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги туфайли ажратилган квоталарни ўзлаштириш даражаси пастлигича қолмоқда. 2015-2017 йилларда республика бўйича ажратилган квотани ўзлаштириш даражаси атиги 35-40%ни ташқил этган.

Ҳайвонларни овлаш учун квоталар ажратишда ов ресурсларининг тури, ҳажми ҳақида тўғри ва тўлиқ

маълумотларнинг бўлиши жуда муҳимдир. Бундай маълумотлар ҳайвонларни ҳисоблаш ва кадастр натижаларига таянган ҳолда шакллантирилади ва ов мавсумининг самарали ўтишини таъминлашга хизмат қилади.

Г.Ф. Гончаров маълумотларига қараганда, бугунги кунда республикамизда ёввойи ҳайвонларнинг сони тўғрисидаги маълумотлар ҳақиқий аҳволни ифодалаб бера олмайди ва бу соҳада қатор муаммолар мавжуд. Ҳисоб натижаларининг аксарият ҳолларда ўхшаш рақамларни ҳар йили даврий равишда қайта кўчириш орқали расмийлаштирилиши қайд этилади. Таҳлилларимизнинг кўрсатишича, ондатранинг овчилик хўжаликларидagi умумий сони 3 йил ичида атиги 55 тага ошган (2015 йилда 3506 та, 2016 йилда 3544 та, 2017 йилда 3561 та). Худди шунга ўхшаш ҳолатни бошқа турлар мисолида ҳам кўриш мумкин (Давлат Статистика қўмитасининг 7–еко шаклидаги статистик маълумотлари).

Ҳайвонлар ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш бўйича услубий қўлланмалар ва малакали мутахассисларнинг етишмаслиги ҳамда бу мақсадга ажратилаётган маблағнинг камлиги (2014 йилда 9.822.000, 2015 йилда 21.093.000, 2016 йилда 29.650.000, 2017 йилда 24.592.000 сўм маблағ ажратилган), тадқиқотлар олиб бориш учун зарур бўлган техник воситаларнинг етишмаслиги олинган натижаларнинг ишончсизлигига, вазиятнинг тўлиқ ёритиб берилмаслигига ва келажакда ушбу маълумотлардан фойдаланишнинг самарасизлигига олиб келади.

Ҳайвонот дунёси объектларининг давлат кадастри сифат ва миқдор жиҳатидан келтирилган маълумотларнинг тизимлаштирилган ҳисоботидан иборат бўлиб, ҳайвонларнинг хилма-хиллиги, классификацияланиши, сон динамикаси, ўрганилганлик даражаси ва бошқа ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, улардан барқарор фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш учун зарур бўлган ахборотлардан ташкил топади. Бугунги кунда ҳайвонот дунёси объектларининг давлат кадастри маълумотлари Ўзбекистонда учрайдиган ҳайвон турларининг умумий миқдори тўғрисида аниқ маълумот олиш имконини бермайди. Бу ўз навбатида, хўжаликларда овланган турлар миқдорининг республика бўйича умумий миқдордаги ҳиссасини

аниқлаш имконини чеклайди, келгусида қайси турни қанча миқдорда овлашга квоталар ажратишда, хўжаликнинг биологик маҳсулдорлигини ва иқтисодий самарадорлигини аниқлашда қийинчиликлар туғдиради.

Ов жараёнининг муваффақияти овчиларнинг ов объекти тўғрисида, жумладан, овланадиган турлар, уларнинг ҳудудий тарқалиши, учраш хусусияти ва сони бўйича етарли маълумотларга эга бўлиши билан боғлиқ. Ҳайвонлар ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш натижаларининг тегишли органларнинг сайтларида, интернет тармоғида, оммавий ахборот воситаларида очик ва ошкора баён этилиши ундан фойдаланувчилар, жумладан, овчилар, ов туризми билан шуғулланувчи сайёҳларнинг ўзлари учун тегишли маълумот олишларини таъминлаш билан бир қаторда, хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, Бухоро вилоятида овланадиган қуш турларининг сони ва улардан фойдаланиш ҳажмларининг ҳисобини юритиш жуда мураккаб. Ўзбекистонда овланадиган турларининг асосий қисмини қишлаш учун учиб келувчи қуш турлари ташкил этишини, уларнинг сонини белгиловчи айрим омиллар (иқлим, антропоген омиллар ва бошқ.) трансчегаравий хусусият касб этишини, маҳаллий сув ҳавзалари гидрорежимининг кескин ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда, бундай турларнинг сонини аниқлашда ўзига хос ёндашув зарур. Ҳисоб ишларининг ишончли бўлиши учун, қишлаш учун учиб келувчи турларнинг сони ва овланиш ҳажмларини белгилашни турларнинг миграцияси тугаши билан амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Айрим турларни (қирғовул, ўрдақлар, қум товушқони, қорабовур) овлаш ов хўжаликлари тасарруфидаги ерлардан ташқарида ҳам олиб борилади. Шу асосда ҳисоб ишларини нафақат овчилик хўжаликларида, балки ов жараёни амалга ошириладиган бошқа жойларда ҳам олиб бориш ва квоталар ажратишда мазкур жойларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Бу ўринда Ўзбекистон қушларини муҳофаза қилиш жамиятининг қушларни қишки ҳисобини ўтказиш натижаларидан самарали фойдаланиш мумкин.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, овланадиган ҳайвонларнинг сони ва овланиш ҳажмлари тўғрисидаги ҳозирда мавжуд бўлган маълумотлар амалиётда фойдаланиш учун етарли даражада эмас. Ушбу масала нафақат ов хўжаликларини юритиш, балки биологик хилма-хилликни сақлаш соҳасида ҳам долзарблигича қолмоқда.

Квоталар белгилаш ва рухсатномалар беришда овчилик хўжалигидаги ҳайвон турлари, уларнинг сони, кўпайиш самарадорлиги ва бошқа экологик хусусиятлари ҳамда хўжаликнинг ер майдони, унинг биологик маҳсулдорлиги каби муҳим кўрсаткичларни алоҳида эътиборга олиш зарур. Аммо ўрганишлар натижасида квоталар белгилаш ва рухсатномалар беришда бир томонлама ёндашув оқибатида айрим хўжаликларда баъзи турларнинг меъёридан ортиқча, айримларида жуда кам овланиши ёки квота ажратилмаслиги қайд этилади. Жумладан, сонининг кўпайиб бораётганлигига қарамай тулки ва чиябўри 5 та овчилик хўжаликларида фақат биттасида (“Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ) овланган, ёввойи чўчқа, катта қоравой, кашқалдоқ, қорабовур каби турлар ўрганилган хўжаликларнинг айримларида овланмаган ёки уларнинг овланиш ҳажмлари хўжаликларнинг имкониятларига мос келмайди.

Маълумотларга қараганда, кейинги йилларда тулки ва чиябўриларни овлаш учун квоталар белгиланмаслиги оқибатида республикамизнинг баъзи жойларида уларнинг сони ортиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, бошқа турларга зиён етказиш ва шу каби турли хавфли вазиятларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, Угам-Чотқол миллий боғи, Чотқол кўриқхонаси ва Паркент ўрмон хўжалигида бўри, чиябўри ва тулкиларнинг кўтир касаллиги билан касалланганлиги ва унинг натижасида нобуд бўлганлиги қайд этилган. Шу каби ҳолатлар бошқа давлатларда ҳам кузатилган. 2018 йилнинг 26 декабрида [Makan.uz](http://Makan.uz) ахборот портали ва [Kar24.uz](http://Kar24.uz) сайтларига таянган ҳолда [Kun.uz](http://Kun.uz) сайти Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай тумани Бегжап ва Қорабайли ОФЙ (овул фуқаролар йиғини) ҳудудларида чиябўриларнинг 3 та одамни тишлаганлиги, паррандалар, улоқ ва кўзиларга ҳужум қилаётганлиги, ҳатто улардан бирининг кутирганлиги, 2017 йилда ҳам ушбу тумanning Дўстлик байроғи

ва Дехқонобод ОФЙларида ҳам чиябўрининг болаларга ташланганлиги ҳақида хабар беради.

Инсон хўжалигига зарар етказиши мумкин бўлган *Vulpes vulpes*, *Canis aureus* ва умуман, биозарарланишда иштирок этадиган турларнинг ҳам ҳисобини юритиш, уларни овлаш учун махсус квоталар белгилаш, рухсатномалар бериш зарур. Бошқа турларни овлашга қараганда *Vulpes vulpes*, *Canis aureus* каби турларни овлаш нисбатан кўп меҳнат талаб қилишини ва бу фаолиятнинг иқтисодий самарадорлиги пастлигини инобатга олган ҳолда, уларни овлашга тегишли имтиёзлар бериш мақсадга мувофиқ. Қайд этилган турларнинг овчилик хўжаликлари чегарасидан ташқаридаги сонлари тўғрисида маълумотлар йўқ. Шундай бўлишига қарамасдан, айтиш мумкинки, чўл билан чегарадош бўлган айрим худудларда айниқса *Canis aureus* сонининг ошиб кетганлиги ва уларнинг қишлоқлардаги паррандаларга зиён етказиши қайд этилди.

Квоталар белгилаш ва рухсатномалар беришга фойдаланилган рухсатномалардаги маълумотлар ҳам асос бўлиши мумкин. Одатда, муайян турни овлаш учун бериладиган рухсатномалар тегишли тартибда овчилик хўжалигига қайтарилиши ва журналда қайд этилиши белгиланган. Аммо, амалда кўпчилик ҳолларда овчилар томонидан рухсатномалар қайтарилмайди ёки овланган ҳайвон тўғрисидаги маълумотни яшириш, уни нотўғри қайд этиш ҳолатлари кузатилади. Натижада овланиши мўлжалланган турнинг овланганлиги ёки овланмаганлиги ва ҳатто миқдори тўғрисидаги асоссиз ёки нотўғри маълумотлар йиғилади. Мазкур маълумотларнинг йўқлиги ва уни назорат қилиш механизмларининг такомиллашмаганлиги ҳам хўжаликдаги овладиган турларнинг сонини ва овлаш ҳажмларини режалаштириш ва заҳирасини баҳолаш имконини бермайди.

Юқоридагилар асосида айтиш мумкинки, бугунги кунда ов хўжалигини самарали юритишда овладиган ҳайвон турларининг сони ва овланиш ҳажмлари тўғрисида ишончли маълумотларни йиғиш масаласи долзарблигича қолмоқда. Кадастр бўйича текширишда ҳайвонот дунёси объектлари рўйхатга олинади, уларнинг турлари таркиби, ёши ва жинси, сон ва сифат тавсифлари, яшаш муҳити, хўжаликда фойдаланиш

хақида маълумотлар тўпланади, улар иқтисодий баҳоланиб, ҳудудий тарқалишининг харита-схемаси тузилиши лозим. Табиий офатлар, техноген авариялар, ёнғинлар ва бошқа ҳодисалар оқибатлари ҳайвонларнинг оммавий ўлишига ёки уларнинг яшаш муҳити ўзгаришига сабаб бўлса, ушбу воқеаларнинг салбий таъсирига дучор бўлган ҳудудлар кадастр бўйича навбатдан ташқари текширилади ва маълумотлар янгиланади. Жойлардаги ҳайвонот дунёси объектларини давлат томонидан ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш ҳажмларини ҳисобга олиш давомида ҳайвонот дунёси объектларини давлат томонидан ҳисобга олиш субъектлари жорий маълумотларни тўплашда ҳудудда кадастр бўйича текшириш ўтказилгандан сўнг рўй берадиган кейинги барча ўзгаришлар қайд этилиб, ҳар йили кадастрга киритилади.

Ов хўжаликларининг муҳим вазифаларидан бири саналган мазкур масаланинг етарли даражада бажарилмаслиги, овчилик хўжаликларида квоталарни ажратишда ва овни тўғри ташкил этишда айрим муаммоларнинг шаклланишига сабаб бўлади. Шу нуқтаи-назардан қараганда, ҳайвон турларини овлаш учун квоталар ажратишда овчилик хўжалигидаги мавжуд турлар сонини ҳамда Бухоро вилоятининг республикаимизнинг чўл зонасида жойлашганлигини ва иқлимий омилларни ҳисобга олган ҳолда фаолият юритиш зарур.

## IV БОБ. ОВЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИДАН БАРҚАРОР ФОЙДАЛАНИШ

### Овчилик хўжаликлари ва уларнинг биологик хилма-хилликни сақлашдаги роли

Ҳайвонларни овлаш ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг кенг тарқалган усули бўлиб, бу одатда овчилик хўжаликлариди амалга ошади. Бундай хўжаликлар нафақат ҳайвонларни овлаш, балки уларни муҳофаза қилиш орқали биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш йўналишида ҳам фаолият юритади. Ов қилиш ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш бўйича Халқаро кенгашнинг (*CIC–Conseil International de la Chasse*) асосий мақсади барқарор овга кўмаклашишдан иборат бўлиб, у ҳайвонларни овлашни табиий ресурслардан фойдаланишнинг оқилона усулига айлантириш бўйича дунё миқёсида фаол ўрин эгаллайди. Ушбу Халқаро кенгаш ҳайвонлар сонининг камайишига олиб келмайдиган овни табиий ресурслардан барқарор фойдаланишнинг бир тури сифатида баҳолайди, овчиларга эса ҳайвонот дунёсини сақлаб қолишга ўз ҳиссасини қўшувчи сифатида қарайди.

Бугунги кунда ҳар қандай экотизимнинг барқарорлиги ундаги биологик хилма-хиллик ва уни сақлаб қолишга йўналтирилган чора-тадбирлар самарадорлиги билан ўлчанади. Зоогеографик хусусиятига ва овчилик соҳасидаги давлат сиёсатига боғлиқ ҳолда, овчилик хўжаликларининг ташкилий тузилмаси, уни юритиш тизими ва самарадорлик даражаси ҳам турлича бўлади.

Республикамизнинг чўл зонасида, жумладан Бухоро вилоятида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонининг нисбатан камлиги, ҳайвон турларининг яшашини таъминловчи муҳитларнинг асосан сув ҳавзалари ва уларнинг қирғоқ зоналарида шаклланганлиги бу ерда биологик хилма-хилликни сақлашда овчилик хўжаликларининг аҳамиятини янада оширади. Вилоятда овланадиган турлар орасида кум товушқонидан (*Lepus capensis*) ташқари деярли барча турларнинг ҳаёти овчилик хўжаликларидидаги табиий ва сунъий яратилган шароитлар билан бевосита ва билвосита боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида,

хўжаликлар фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Вилоятдаги овчилик хўжалиklarининг иқтисодий самарадорлиги пастлигига қарамай, улар нафақат ов объектлари, балки региондаги фауна барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаети. Чунки бу ердаги биохилма-хилликнинг асосий қисми овчилик ва балиқчилик хўжалиklари эгаллаган майдонлар ҳиссасига тўғри келаети. Тадқиқотлар жараёнида овчилик хўжалиklари жойлашган жойдаги кўлларда сув сатҳининг пасайиши бу ерда овланадиган турлар билан бирга, бутун экотизимда турлар сонининг камайишига ва сонининг пасайишига олиб келиши қайд этилди. Шу асосда айтиш мумкинки, ов хўжалиklари ҳайвонлардан фойдаланиш билан бирга, улар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш, ов жараёнини назорат қилиш ва бошқа биотехник тадбирлар орқали экотизимлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилаети.

Бугунги кунда Ўзбекистонда, жамоат ташкилоти саналган “Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси Давлат кўриқхоналари, миллий табиий боғлари ва овчилик хўжалиklари бошқармаси тасарруфидаги давлат ўрмон-ов хўжалиklари ва хусусий овчилик хўжалиklари овчилик фаолияти билан шуғулланади. “Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси” тасарруфида 38 та овчилик хўжалиklари бўлиб, улар эгаллаган умумий майдон 673.950 га.ни ташкил этиаети. Жойларда мазкур бирлашманинги вилоят бўлимлари ҳам фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси Давлат кўриқхоналари, миллий табиий боғлари ва овчилик хўжалиklари бошқармаси тасарруфида 5 та давлат ўрмон-ов хўжалиklари (Кўнғирот, Қозокдарё, Қоракўл, Далварзин, Қолгансир) фаолият юритади ва улар эгаллаган майдон 4.060.187 га.ни ташкил этиаети.

Хўжаликлар ўзларининг уставлари асосида ов қилиш ва балиқ овлашни ташкил этиш, табиатни муҳофаза қилиш, ундан оқилна фойдаланиш, ҳайвонлар саноғини юритиш, биотехник тадбирларни амалга ошириш, ов қилиш учун рухсатнома (йўлланма)лар сотиш каби вазифаларни бажараети.



Бухоро вилоятида овчилик билан шуғулланувчи хўжаликлар сони 5 та бўлиб, умумий майдони 36986 га.ни ёки вилоят умумий ер майдонининг (39.400.000 га) 0,94 % ни ташкил этади.

Бухоро вилоятида Қорақир, Шўркўл, Зикри каби 3 та овчилик хўжалиги Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси, битта Қоракўл давлат ўрмон-ов хўжалиги Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси тасарруфида ва битта “Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ овчилик билан шуғулланади (4.1.1-жадвал). Вилоятда қайд этилган хўжаликлар чегарасидан ташқарида ҳам ов қилиш жараёнлари амалга оширилади.

#### 4.1.1-жадвал

#### Бухоро вилоятидаги ов хўжаликлари тўғрисида маълумот

Ов хўжаликлари	Майдони (га. хисобда)	Жойлашган жойи ва биотопи
Қорақир	14175	Пешку тумани, Қорақир кўли. Сув-ботқоқ.
Шўркўл	2498	Ғиждувон тумани, Шўркўл кўли. Сув-ботқоқ.
Зикри	2000	Қоровулбозор тумани, Зикри кўли. Сув-ботқоқ.
Қоракўл давлат ўрмон-ов хўжалиги	8313	Қоракўл тумани, Тузкон кўли ва чўл зонаси. Сув-ботқоқ, чўл.
“Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ	10000	Пешку тумани, Қорақир кўли. Сув-ботқоқ.

Овчилик хўжалиklarининг табиат ва инсон хўжалигидаги аҳамияти ундаги турлар хилма-хиллиги, сони ва хўжаликнинг

иқтисодий самарадорлиги (рентабеллиги) билан белгиланади. Аммо, бугунги кунда хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг аниқ механизмлари жорий этилмаган. Тадқиқотларимиз давомида овчилик хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш формуласи ишлаб чиқилди (1.3.3). Унга кўра, бир йилда хўжаликда овланган турлар ва уларнинг овланиш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар асосида иқтисодий самарадорликни аниқлаш мумкин (4.1.2-жадвал).

#### 4.1.2-жадвал

#### Қоракўл ўрмон-ов хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш (2017 йилги ҳисобот асосида)

Тур номи	Овланиш ҳажми	Хўжаликнинг майдони (га. ҳисобида)	ЭКОИХ (184300 сўм)нисбатан коэффициент	Иқтисодий самарадорлик (сўм ҳисобида)
<i>Lepus capensis</i>	100	8313	0,02	368.600
<i>Anser anser</i>	50	8313	0,015	138.225
<i>Ўрдаклар</i>	500	8313	0,01	921.500
<i>Fulica atra</i>	200	8313	0,01	368.600
Жами				1.796.925

Жадвалдан кўришиб турибдики, 2017 йилда Қоракўл давлат ўрмон-ов хўжалигининг овчилик соҳасидаги иқтисодий самарадорлиги 1.796.925 сўмни ташкил этади. Бевосита ов фаолиятидан шаклланадиган иқтисодий самарадорликни хўжаликлар кесимида қиёслаш учун овчилик хўжаликларининг майдонини ҳам ҳисобга олиш зарур. Бунинг учун иқтисодий самарадорлик натижалари 1000 гектарли ўлчовдош майдонга экстраполяция қилинади. Бизнинг мисолимизда бу  $216.158$  сўмни ташкил этади ( $1.796.925 \times 1000 : 8313 = 216.158$ ).

Ҳозирги вақтда овчилик хўжаликлари ўзларининг молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида ов фаолиятидан ташқари

асаларичилик, чорвачилик ва бошқа шу каби бошқа фаолиятлар билан ҳам шуғулланади. Мазкур йўналишларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ва таҳлил қилиш орқали хўжаликларнинг нафақат овчилик соҳасидаги, балки экотизим барқарорлигини сақлашдаги ўрнини аниқлаш мумкин.

Овчилик хўжаликларининг иқтисодий самарадорлиги хўжаликнинг географик жойлашуви, муҳитнинг антропоген омиллар таъсирига берилганлик даражаси, браконьерлик, амалга оширилаётган биотехник тадбирлар, ов қилиш меъёрларининг тўғри белгиланиши ва бошқа қатор омилларга боғлиқ ҳолда кечади. Юқорида қайд этилган йўналишларда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари ва амалий тадбирлар эса замон талабларига жавоб бермайди. Бунинг натижасида соҳада бир қатор муаммолар шаклланишига сабаб бўлади.

Юқорида қайд этилган турли идоралар тасарруфидаги овчилик хўжаликларининг мақсади, вазифалари, масалани ҳал этишга нисбатан муносабатининг хилма-хил бўлиши уларнинг биологик хилма-хилликни сақлашдаги иштирокининг ҳам турлича бўлишига ва фаолият самарадорлигининг пасайишига олиб келиши мумкин. Шунини инобатга олган ҳолда, овчилик билан шуғулланувчи барча ташкилотларни идора қилишни ягона ташкилотга бириктириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таъкидлаш лозимки, овчилик хўжаликлари фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган биотехник тадбирларнинг деярли амалга оширилмаслиги ёки талабга жавоб бермаслиги ҳам бу муносабатларни тартибга солиш механизмларининг етарли эмаслиги билан боғлиқ. Мазкур муаммо кўп ҳолларда ҳайвонларнинг ноқулай табиий шароитлар юз берганда кўплаб нобуд бўлишига олиб келмоқда. Жумладан, 2007-2008 йилларда қиш мавсумида қаттиқ совуқ ва қор қопламанинг узоқ туриши натижасида, вилоятдаги деярли барча сув ҳавзаларининг музлаши оқибатида сувда сузувчи қушлар ҳаёти учун хавфли вазият шаклланди. Бу даврда тегишли биотехник тадбирларнинг амалга оширилмаганлиги оқибатида кўплаб сувда сузувчи қушларнинг музлаб нобуд бўлиши, йиртқичларга ўлжа бўлиши ва браконьерлар томонидан ноқонуний овланиши қайд этилди.

Ю.О. Митропольская қайд этишича, Ўзбекистонда биологик ресурслардан, жумладан, ҳайвонот дунёсидан барқарор

фойдаланмаслик, ноқонуний ов қилиш ва ов хўжалигини юритишни самарасиз бошқариш оқибатида худуд фаунасига хавф етказилади.

Ўрганишлар натижасида, овчилик хўжаликлари фаолиятининг асосини ташкил этувчи биотехник тадбирларни (махсус озикланиш жойлари, сунъий уялар яшаш, йиртқичлардан ҳимоя қилиш, бошпаналар ташкил этиш, ем-хашак тайёрлаш ва бошқ.) амалга оширишнинг талабга жавоб бермаслиги хўжаликларнинг иқтисодий аҳволининг ёмонлашувига ва турларнинг етарли даражада муҳофаза қилинмаслигига сабаб бўлувчи асосий омиллардан бири эканлиги аниқланди. Овчилик хўжаликларда биотехник тадбирларни амалга оширишга ажратилаётган маблағ миқдорининг камайиш йилдан-йилга тенденциясига эгаллиги ҳам бундан далолат беради. Жумладан, Ўзбекистонда 2014 йилда овчилик хўжаликларида биотехник тадбирларни амалга ошириш учун ажратилган маблағ 53.132.000 сўмни, 2017 йилда эса 3.820.000 сўмни ташкил этган. 1988 йилда овчилик ва балиқчилик хўжаликларини юритишга сарфланадиган умумий маблағнинг 65 % биотехник тадбирлар учун ажратилган бўлса, 1998 йилда ушбу кўрсаткич 6,5 %, 2006 йилда атиги 4 % ташкил этган.


Маълумки, турлар асосан нооқилона фойдаланиш ва яшаш муҳитларининг деградацияланиши оқибатида ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги мақомга эга бўлади. Овчилик хўжаликларида биотехник тадбирларнинг амалга оширилмаслиги ёки қониқарсиз бажарилиши, уларни амалга оширишнинг турли идоралар тасарруфида бўлганлиги сабабли мақсади, вазифаси, масалани ҳал этишга нисбатан муносабати ва масъулиятининг турлича бўлиши ва умуман фаолиятларининг ўзаро мувофиқлашмаганлиги хўжаликларнинг биологик хилма-хиллигини сақлаш бўйича амалга ошираётган чора-тадбирлар самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Вилоятдаги овчилик хўжаликларининг экологик жиҳатдан қулайлиги сабабли бу ерда Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га, Табиатни муҳофаза қилиш Халқаро иттифоқининг “Қизил рўйхати”га ва CITES (“Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси тўғрисида”ги Конвенция)нинг иловаларига киритилган ноёб ва

йўқолиб кетаётган турлар (*Barbus brachycephalus*, *Tratoscincus sciccus*, *Varanus griseus*, *Egretta garzetta*, *Platalea leucorodia*, *Aythya nyroca*, *Gazella subgutturosa*, *Lynx caracal* ва бошқ.) учрайди. Мазкур турларнинг хўжаликларда учраши уларнинг маълум даражада муҳофаза қилиниши билан бирга, баъзан антропоген омиллар таъсиридан нобуд бўлишига ҳам сабаб бўлмоқда. Шу асосда овчилик хўжаликларида йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ноёб турларни муҳофаза қилиш бўйича алоҳида чора-тадбирларини ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Маълумки, Орол денгизининг қуриши ва ирригация тизимидаги қатор ўзгаришлар сув ва сув олди қушларининг ҳавзалар бўйлаб қайта тақсимланишига, сув биоценозларини муҳофаза қилиш масалалари долзарблигининг янада ошишига сабаб бўлмоқда. Бу эса регионда сув ҳавзаларининг тирик организмлар ҳаётидаги ролини янада ошишига сабаб бўлади. Ўзбекистонда буюртмахона мақомига эга бўлган кўллар (Судочье, Қорақир, Арнасой, Денгизкўл, Хадича, Қумсултон) республикада муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар умумий майдонининг атиги 7,5 % ни ташкил этишини инобатга олганда, келгусида уларнинг майдонини янада кенгайтириш зарур. Бухоро вилоятидаги давлат буюртмахонаси мақомига эга бўлган Қорақир, Денгизкўл, Хадича ва Қумсултон кўллари учиб ўтувчи ва қишловчи қуш турларининг ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Шундай бўлишига қарамасдан, мазкур кўлларнинг деярли барчасида ов фаолиятининг амалга оширилиши қушларнинг яшаши учун бир қатор ноқулайликлар туғдирмоқда. Бундай кўлларда ов қилиш бўйича мораторий (ов қилишни маълум муддат чеклаш) эълон қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бугунги кунда шундай амалиёт Қозоғистон ва Қирғизистонда қўлланилмоқда. Шу билан бир қаторда, Тўдакўл ва Қуйимозор сув омборларини ҳам Рамсар рўйхатига киритиш ва уларга орнитологик буюртмахона мақомини бериш, нафақат мазкур кўлларда, балки вилоятдаги овчилик хўжаликларида ҳам биологик хилма-хилликни сақлашга хизмат қилади (4.1.1-расм). Табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш мақсадида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда муҳофаза қилиш ва фойдаланиш режими ўрнатилади. Албатта, бу ўринда Рамсар рўйхатига киритилган кўллар билан

бир қаторда, овчилик хўжаликларининг ўзаро мувофиқликда фаолият юритишини таъминловчи мукамал бошқарув режаларини ишлаб чиқиш, гидрологик режимнинг бир хилда сақланишини таъминлаш, маҳаллий аҳоли, хусусан, овчилар ва балиқчилар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини тўғри йўлга қўйиш зарур.



**4.1.1-расм. Бухоро вилоятида муҳофаза мақомини беришга тавсия этиладиган ҳудудлар**

### **Овланадиган турлардан барқарор фойдаланиш бўйича мавжуд қонунчиликнинг таҳлили**

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар, жумладан, ов қилиш ва балиқ овлаш ҳуқуқий жиҳатдан қатор қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.<sup>2</sup> Ўзбекистон ўз миллий манфаатларини ҳисобга олган

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 2016 йил 19 сентябрдаги “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, 2004 йил 3 декабрдаги “Муҳофаза этиладиган ҳудудлар тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил

ҳолда, ушбу соҳада халқаро муносабатларга интеграллашув мақсадида 1997 йилда “Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисида”ги Конвенция (CITES)га, 1998 йилда “Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрвчи турларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Конвенцияга, 2001 йилда “Сувда сузувчи қушларнинг асосий яшаш манзили бўлган халқаро аҳамиятга эга сувли-ботқоқ ерлар тўғрисида”ги Конвенцияга қўшилган.

Ҳозирги вақтда ов қилиш ва овчилик хўжалигини юритишга тегишли муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, ва “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги 290-сонли қарори ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2006 йил 22 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов ва балиқ овлаш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 27-сонли буйруғи билан тартибга солинади.

Амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили ов қилиш ва ов хўжалигини юритишни ривожлантиришга тўсқинлик қиладиган ҳамда бартараф этилиши зарур бўлган айрим бўшлиқлар, қарама-қарши ва ҳаволанки нормалар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тарқоқлиги, ваколатли давлат органининг, шунингдек, овчилик хўжаликлари ва овчилар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ноаниқлиги соҳада кўплаб қонун бузилишларининг келиб чиқишига, ҳайвонлар сони ва овланиш ҳажмларининг ҳисобини юритиш, биотехник тадбирларни амалга ошириш ишларининг ижроси қониқарсизлигига сабаб бўлмоқда. Қайд этилган муаммолар

---

20 октябрдаги “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги 290-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2006 йил 22 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов ва балиқ овлаш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида” ги 27-сонли буйруғи.

республикамизда саноат ва спорт овининг ҳамда ов туризмнинг ривожланишига тўсқинлик қилиши билан бир қаторда, овчилик хўжаликларининг иқтисодий аҳволи пасайишига олиб келмоқда. Мазкур ҳолатнинг айрим жиҳатлари бошқа давлатларнинг соҳа тармоқларида ҳам қайд этилади. Ушбу муаммоларнинг аксарияти соҳа қонунчилиги билан боғлиқ бўлиб, уни такомиллаштиришни тақазо этади.

Қуйида соҳани бевосита тартибга солувчи ва унга доир амалиётда қўлланилаётган айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлил натижалари муҳокама қилинади. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2006 йил 22 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов ва балиқ овлаш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 27-сонли буйруғи билан “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов ва балиқ овлаш қоидалари” тасдиқланган. Мазкур ҳужжатда овланадиган ҳайвон турларининг рўйхати берилган бўлиб, унда айрим турлар, жумладан, “ғозлар”, “ўрдақлар”, “балчиқчилар”, “заҳарли илонлар”, “калтакесаклар” ва бошқалар гуруҳ ҳолида келтирилган. Маълумки, уларнинг таркибида жуда кўп турлар учрайди, бироқ ҳужжатда улардан қайсиларини овлаш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлашнинг имкони йўқ, бу гуруҳлар таксономик ва экологик гуруҳларга ҳам мос келмайди, уларнинг таркибида Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган турлар ҳам учрайди. Рўйхатда берилган турларнинг айримлари (мусича, қумри ва бошқ.) миллий урф-одатларга кўра халқимиз томонидан муҳофаза қилинади ва овланмайди. Рўйхатда келтирилган “балчиқчилар”га мансуб 50 турдаги қушлар деярли овланмайди. Ўзбекистонда саноат ови йўқлигига қарамай, саноат мақсадида овланадиган турлар рўйхати алоҳида келтирилган. Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳайвонлар рўйхатида берилган турларнинг қандай мақомга эгаллиги ноаниқ. Санаб ўтилган камчиликлар ушбу ҳужжатдан фойдаланувчиларни чалғишига ва овчиларнинг адашиш оқибатида муҳофаза қилинадиган турларни овлашига ва бошқа муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Овлашга рухсат этилган турлар рўйхатининг номукамаллиги ҳатто баъзи илмий мақолаларда ҳам айрим турларнинг ов объекти сифатида нотўғри кўрсатилишига олиб келган.



Халқаро амалиётни ўрганиш ва таҳлил қилиш шунинг кўрсатадики, ваколатли давлат органлари, овчилик хўжаликлари ва овчиларнинг ҳуқуқ-мажбуриятлари қонунчиликда аниқ кўрсатилиши ва унга риоя қилиш талаблари, овчилик хўжалигининг мукамал режа асосида фаолият юритиши ҳайвонлар сонининг ошишига олиб келади. Тадқиқот ўтказилган овчилик хўжаликларидagi ходимлари фикрини ўрганиш натижалари, статистик маълумотлар ва шахсий кузатувларимиз табиий ресурслардан ноқонуний фойдаланишга, жумладан, браконьерликка нисбатан миллий қонунчилигимизда қўлланиладиган санкцияларни ошириш зарурати борлигини кўрсатади. Жумладан, ҳайвонот дунёси объектларидан ноқилона фойдаланиш оқибатида содир бўлаётган ҳуқуқбузарликлар бугунги кунда ўсиш тенденциясига эга бўлиб, уларнинг аксариятини браконьерлик ташкил этади. Ҳуқуқбузарликларни фож қилиш ва унинг олдини олиш борасидаги профилактик тадбирлар, ов қилишга нисбатан белгиланган турли чеклашлар (ов муддатларини қисқартириш, квоталарни камайтириш ва бошқ.), ноқонуний ов фаолиятини амалга оширувчиларга нисбатан қўлланиладиган маъмурий ва жиноий жавобгарликлар ўзининг самарасини бермаяпти. Мазкур ҳолат соҳа қонунчилигини янада такомиллаштиришни тақазо этади.

Экспертларнинг фикрича, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларининг бузилиши кенг тарқалган бўлиб, браконьерлик билан боғлиқ жиноятларнинг 65-70 фоизи аниқланмасдан қолади. Ўзбекистонда 2015 йилда жами 6016 та табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигининг бузилиши аниқланган ва шундан 382 таси ёки 6,3 % овчилик соҳасига тегишли бўлган. Ушбу кўрсаткичлар мос равишда 2016 йилда 4.996, 113 (2,2%), 2017 йилда 4.285, 400 (9,3%) бўлган. Ўзбекистондаги овчилик хўжаликлари кесимида эса 2015 йилда 313 та табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигининг бузилиши аниқланган бўлиб, шундан 108 таси (34,5%) овчилик соҳасига тегишли бўлган. Ушбу кўрсаткичлар мос равишда 2016 йилда 402, 125 (31,1%), 2017 йилда 26599 (37,3%) бўлган.

Қадимдан Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда айрим турлар (*Equus hemionus*, *Sus scrofa*, *Streptopelia senegalensis*, *Streptopelia turtur*, *Agrionemys horsfieldi*, илонлар)

миллий урф-одатлар доирасида муҳофаза қилинган ёки уларнинг гўштини истеъмол қилиш гуноҳ саналганлиги учун овланмаган. Ҳозирги вақтда қайд этилган турларнинг турли мақсадларда (гўшти истеъмол қилиниши, тижорати, турли касалликларни даволашдаги ўрни туфайли ва бошқ.) баъзан кўплаб овланиши кузатилади. Келажакда миллий қадриятлар асосида муҳофаза қилинадиган турлардан *Streptopelia senegalensis* ни “Овланадиган ҳайвон турлари рўйхати”дан чиқариш ва мазкур рўйхатни кенг муҳокама асосида қайта кўриб чиқиш ва шакллантириш зарур.

Ўзбекистон 2001 йилда кўшилган “Сувда сузувчи қушларнинг асосий яшаш манзили бўлган халқаро аҳамиятга эга сувли-ботқоқ ерлар тўғрисида”ги Конвенциянинг 4-моддасида ҳар бир аҳдлашувчи томон сувда сузувчи қушларни сувли-ботқоқ ерларида табиий резерватлар ташкил этиш йўли билан муҳофаза қилиши ҳамда бундай қушлар сонини кўпайтириш чораларини кўриши белгилаб қўйилган. Шунга қарамай, бугунги кунга қадар республикамиздаги Рамсар рўйхатига киритилган кўлларни бошқаришнинг аниқ режаси йўқ. Сувда сузувчи қушларни ва сув биоценозларини комплекс муҳофаза қилишга қаратилган мазкур Конвенция доирасида олиб борилаётган фаолият талабга жавоб бермайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги “2013 - 2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида”ги 142-сонли Қарорининг 2-иловаси 63-бандида 2013-2014 йилларда Рамсар рўйхатига Қуйимозор ва Тўдакўл сув омборларини киритиш режалаштирилган бўлишига қарамасдан, ушбу тадбир бугунги кунга қадар амалга ошмаган. Ҳолбуки, мазкур сув омборлари ва шу каби бошқа йирик сув ҳавзаларини Рамсар рўйхатига киритиш ҳамда қайд этилган Конвенция доирасида фаолият юритиш, асосан, сув ҳавзалари ва уларнинг қирғоқ зонасида ташкил этилган овчилик хўжаликларида ҳам турлар хилма-хиллиги ва сонининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Юқорида қайд этилганлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда ов қилиш, овчилик хўжалигини юритиш ва овланадиган турлардан барқарор фойдаланиш соҳаларидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликни

такомиллаштиришга эҳтиёж бор. Ўрганишларнинг кўрсатишича, мазкур соҳалардаги муносабатлар қатор хорижий давлатларда, жумладан, Германия, Франция, Япония, Туркия, Венгрия, Россия, Польша, Белоруссияда алоҳида қонун билан тартибга солинади. Шу асосда юқорида қайд этилган муаммоларни ва мунозарали масалаларни ҳал этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Овчилик ва ов хўжалиги тўғрисида”ги қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозимдир.

Биологик ресурслардан, жумладан, овланадиган турлардан барқарор фойдаланишни таъминлашда тадбиркорлик субъектларига шартнома асосида бириктирилган яйловлар ва сув ҳавзаларида турларни, уларнинг яшаш муҳитларини муҳофаза қилиш йўналишидаги тадбирларни амалга оширишнинг ва уни назорат қилишнинг қонуний асослари етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли бундай ерлардан чорвачилик ёки балиқчилик соҳасида фойдаланиш ҳуқуқини кўлга киритган тадбиркорлар ўта муҳим бўлган биоценознинг барқарорлигини таъминлаш масаласига етарли эътибор қаратмайди. Келгусида тадбиркорларга беркитилган яйлов ва сув ҳавзаларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган нормаларни қонун ҳамда қонуности ҳужжатларида мустаҳкамлаш юқоридаги муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ов хўжаликларида олиб бориладиган айрим биотехник тадбирларнинг илмий асосланмаганлиги, соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи қонуности ҳужжатларида бўшлиқларнинг мавжудлиги, шунингдек, “Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси”, ўрмон-ов хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятлар каби ов хўжалиқларини юритувчи ташкилотларнинг мақсади, вазифалари, масалани ҳал этишга нисбатан муносабати ва масъулиятининг хилма-хиллиги каби муаммолар ҳудуд биологик хилма-хиллигини сақлаш борасидаги фаолият самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

## **Овчилик хўжалиklarининг самарадорлигини ошириш йўллари**

Хайвонот дунёси объектларидан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин, аммо хайвонларни овлаш унинг асосини ташкил этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, овчилик хўжалигини юритишни оптималлаштириш хайвонот дунёсидан фойдаланишнинг долзарб масалаларидан бири саналади.

Овчилик хўжалигининг молиявий барқарорлиги соҳа қонунчилик асосларининг такомиллашиш даражасига ва хўжалик юритишни тўғри ташкил этилишига, аҳолининг экологик онги ва маданиятининг тараққий этганлигига боғлиқ. Ҳозирги вақтда республикамиздаги овчилик хўжалиklarининг бевосита хайвонларни овлашдан оладиган даромадлари хайвонларнинг ҳисобини юритиш, биотехник тадбирларни амалга ошириш, ов жараёнини уюштириш ва бошқа шу каби тадбирларга сарфлайдиган харажатларини қоплай олмайди. Оқибатда хўжалик юритишни оптималлаштириш учун ўта муҳим саналган мазкур тадбирларнинг ижроси етарли даражада бажарилмайди. Қайд этилган масалаларни ҳал этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Браконьерликнинг олдини олиш овчилик хўжалиklари самарадорлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга. Бу ўринда овчилик хўжалиklarида тарғибот-ташвиқот ишларини тўғри йўлга қўйиш, айниқса хўжалиklarдан маданий-маърифий ва эстетик мақсадларда фойдаланиш (саёҳатлар уюштириш, видеофильмлар тайёрлаш, табиат музейларини ташкил этиш, таълим муассасалари учун зоология коллекциялари яратиш) бўйича олиб бориладиган ишлар яхши самара беради.

Тадқиқотлар давомида айрим турдаги (ёввойи чўчқа, бўрсик) хайвонларни овлашда уларнинг ёш ва жинс нисбатлари эътиборга олинмаслиги аниқланди. Бунинг сабаби, биринчидан, овчиларнинг хайвонлардаги жинсий деморфизм тўғрисидаги тушунчаларга эга эмаслиги бўлса, иккинчидан қайд этилган турларнинг жуда кам сонда учраши, яъни уларни ёши ёки жинсига кўра танлаш имкониятининг чекланганлиги билан асосланиши мумкин. Мазкур муаммо популяцияда репродуктив

вакилларнинг камайиб кетишига олиб келади ва оқибатда популяциянинг қайта тикланиши учун узок муддат зарур бўлади.

Халқаро амалиётнинг кўрсатишича, замонавий овчилик хўжаликлари хўжаликнинг мавқеини кўтарувчи ва овчилар томонидан кадрланувчи ов объектларини махсус кўпайтиришга ихтисослашган. Биз ўрганган хўжаликлар молиявий аҳволининг қониқарсизлигига мутахассислар етишмаслиги, тегишли кўргазмали методик қўлланмалар билан етарли даражада таъминламаганлиги сабаб бўлган. Уларда ов объектларини махсус кўпайтириш ва иқлимлаштириш тадбирлари амалга оширилмайди. Бухоро вилоятидаги овчилик хўжаликларида *Muocastor coyrus* ва *Mustela lutreola* ни иқлимлаштириш ҳамда *Ondatra zibethicus* ни кўпайтириш орқали саноат овини йўлга қўйиш иқтисодий жиҳатдан самарали саналади. Вилоятнинг овчилик хўжаликларидаги шароитлар ушбу тадбирни амалга ошириш учун етарли. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, қайд этилган ва бошқа кўпгина муаммолар айнан республикамизда овчилик хўжаликлари учун махсус мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилмаганлиги билан ҳам узвий боғлиқ.

Тадқиқотлар натижасида аксарият овчиларнинг овлашга рухсат этилмаган ва баъзан Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган турларни овлаши уларнинг мазкур турлар тўғрисида етарли маълумотга эга эмаслиги оқибатида содир бўлиши кузатилди. Худди шундай, овчилик хўжаликларида сувда сузувчи қуш турларини кечқурун ва тунда ов қилиш бир қатор қулайликларга эга. Жумладан, сутканинг қоронғи даврида сувда сузувчи қушларнинг фаоллиги нисбатан пасаяди ва қушларнинг бир жойга йиғилиши овчиларнинг ов қилиши учун қулайлик яратади. Тунда ов қилишнинг салбий жиҳати қуйидагилардан иборатлиги аниқланди: ноёб ва йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги турларни адашиб отишнинг кўпаяди, яраланган объектларни топиш имконияти камаёди, қушларни ва бошқа ҳайвонларни безовта бўлиши, бошпаналаридан чиқиб кетишига сабаб бўлади. Қайд этилган ҳолатларнинг олдини олишда овчилик маданияти шакллантириш, овчиларни етарли услубий қўлланмалар билан таъминлаш, кечқурун ва тунда ов қилишнинг олдини олиш талаб этилади.

Овчилик хўжаликларининг тараққиётида ўтган асрнинг ўрталарида кенг миқёсда ривожланган ва бугунги кунда тугатилган саноат ови ўта муҳим ўрин тутган. 1950 йилларда МДХ миқёсида тайёрланадиган ондатра мўйнасининг 20% Амударё дельтасида етиштирилган ва шу каби қимматбаҳо мўйна берадиган бошқа ҳайвон турларини иқлимлаштириш ҳамда кўпайтириш йўналишидаги ишлар бажарилган. Саноат овининг йўқолиб кетиши мўйнага бўлган талабнинг камайиши, мўйна қабул қилувчи ташкилотларнинг тугатилиши ва бу соҳанинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, натижада ушбу мақсадда овланадиган ҳайвонлар сонининг кескин камайиб кетганлиги билан боғлиқ. Келгусида халқаро амалиётни ўрганиш асосида овчилик хўжаликларида саноат мақсадларидаги ов турини йўлга қўйиш ва у билан шуғулланувчи овчилик хўжаликларини рағбатлантириш соҳа ривожидида муҳим аҳамият касб этади. Ёввойи ҳайвонларнинг сонини ҳамда овланган ёввойи ҳайвонларни ҳисобга олиш, шунингдек, уларнинг турларини тартибга солиш ҳамда ёввойи ҳайвонлар ўртасида юқумли касалликлар тарқалишига қарши курашиш бўйича ишлар кам олиб борилмоқда. Шу билан бирга, хўжаликнинг потенциал имкониятини мониторинг қилиш, баҳолаш ва прогнозлаш ҳам хўжалик фаолиятини оптималлаштиришга ҳамда биологик хилма-хилликни сақлашга хизмат қилади.

Табиий ресурсларни, жумладан, овчилик хўжаликларида ҳайвонот дунёсини тўлақонли муҳофаза қилишда жамоатчилик иштироки муҳим аҳамиятга эга. Ўрганишлар ва сўровномалар натижасида овчилик билан шуғулланувчилар, хўжаликлар атрофидаги аҳоли ва ҳатто жамоатчи инспекторлар Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган ёки ов объекти саналмайдиган турлар ва умуман, ов қилиш тўғрисидаги билимларга эга эмаслиги аниқланди. Бу уларнинг тегишли методик қўлланмалар ва бошқа ахборот манбалари билан етарли даражада таъминланмаганлиги, баъзи қўлланмалардаги маълумотларнинг эскилиги ва ҳозирги талабга жавоб беролмаслиги билан изоҳланиши мумкин.

Овчилик хўжалигининг жойлашган ўрни, ов ресурсларининг сифати ва миқдори, овчилар сони, овчилик маданияти каби қатор ижтимоий-иқтисодий омиллар хўжалик

фаолиятининг самарадорлигини белгилайди. Вилоятда овчилар сонини ошириш ва уларнинг ихтисослашувини таъминлаш ҳам хўжалик фаолиятини оптималлаштиришда алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистонда 2018 йилнинг июнь ҳолатида расман рўйхатга олинган овчиларнинг умумий сони 38000 нафарни ташкил этган. 1990 йилда Бухоро вилоятида овчилар сони 4000 нафар бўлган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 20 % га камайган ва 3200 нафарни ташкил этган ёки 1000 кишига 1,7 та овчи тўғри келган. Қиёслаш орқали бу кўрсаткичларнинг ниҳоятда пастлигини кўриш мумкин. Жумладан, Россиянинг Олтой ўлкаси жанубий-ғарбида жойлашган 3 та районда (Волчихин, Михайлов, Углов) 2450 нафар овчи ёки 1000 та аҳолига 42 та овчи тўғри келса, бутун Олтой ўлкаси бўйича бу кўрсаткич 19 тани ташкил этади. Мазкур ўлкада овчиларнинг 95 %, хусусан, сувда сузувчи қушларни овлаш билан шуғулланади ва шу мақсадда сотиладиган чипталардан олинган даромад овчилик хўжаликларининг умумий йиллик даромадининг 62-70 %ни ташкил этади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, ов қуролининг маълум муддатга олиб қўйилиши ҳамда қуроли, ўқ-дори ва бошқа овчилик ашёларининг тақчиллиги ёки нархининг юқорилиги, ов қуролига эгаллик қилиш, ов қилишга рухсат бериш тартиб-таомилларининг етарли даражада такомиллашмаганлиги, айрим ов объектлари миқдорининг камлиги каби омиллар республикамизда овга қизиқувчилар сонининг ҳамда ов жараёнидан келадиган даромаднинг камайишига сабаб бўлади.

Ўрганилган овчилик хўжаликлари, асосан, ов қилишни уюштириш билан шуғулланади. Келгусида ўрганилган хўжаликларнинг молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида уни комплекс тарзда бошқаришни жорий этиш жумладан, ов туризмини ва саноат овини йўлга қўйиш, ҳайвонлардан олинадиган мўйна ва пат-парларни қабул қилувчи ва ундан маҳсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини шакллантириш масаласи долзарблигича қолмоқда. Ўрганишлар натижасида айрим овчилик хўжаликларида овланган қушлар ўша жойнинг ўзида тозаланиши ва уларнинг пат-парлари ўша ерда ташлаб юборилиши кузатилди. Республикамизда қимматбаҳо пат-пар берувчи қушлар кўплаб овланишини, барча овчилик хўжаликларида ондатра етиштириш имконининг мавжудлигини

инобатга олган ҳолда, келгусида ушбу қимматбаҳо хом-ашёсидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини бевосита овчилик хўжаликлари қошида ташкил этиш ёки улар билан шартнома асосида ишлаш янги ишчи ўринлари яратилиши билан бирга, овчилик хўжалигининг иқтисодини кўтарувчи истиқболли лойиҳа ҳисобланади.

Хўжаликлар фаолиятини оптималлаштиришда овни уюшган ҳолда амалга ошириш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Кўпчилик ҳолларда, тегишли тавсия ва бошқа ахборотларга эга бўлмаган овчилар томонидан овнинг тарқоқ ҳолда амалга оширилиши кузатилади. Тарқоқ ҳолда ов қилиш жараёни овланган турлар ҳисобини юртиш ва бошқа назорат қилиш ишларини қийинлаштиради.

Хўжаликлар фаолиятини оптималлаштиришда овчиларнинг тегишли стандартларга мос келадиган замонавий ов қуроллари ва ўқ-дорилар билан таъминланиши масаласи ҳам долзарблигича қолмоқда. Кейинги йилларда овчилар томонидан стандартларга жавоб бермайдиган қўлбола усулда тайёрланган сочма ўқ (питра) ва портловчи моддалардан тайёрланган порохлардан фойдаланиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бундай қуроллар ва ўқ-дорилар овнинг самараси пасайишига, кўп сондаги яраланган ҳайвонларнинг қочишига, айниқса, қушларнинг узоқ масофага учиб тушишига ҳамда овчининг ўлжасиз қолишига сабаб бўлади. Мазкур масала ҳам соҳада тегишли ислоҳотларни ўтказишни тақазо этади.

Республикамиздаги овчилик хўжаликларининг иқтисодий манбаи, асосан, ҳайвонларни овлашни ташкил этиш хизматларини кўрсатишдан иборат. Овчилик хўжаликлари фаолиятини оптималлаштиришда ҳайвонларни кўчириш, иқлимлаштириш ва қайта иқлимлаштириш, сунъий кўпайтириш, улардан маданий-маърифий, эстетик, зоология коллекцияларини яратиш ва бошқа мақсадларда кенг фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга.

Республикимизда овчилик хўжаликларининг иқтисодий самарадорлиги ошишида муҳим ўрин тутган спорт ва саноат овини ҳамда бугунги кунда долзарб бўлган ов туризмини йўлга қўйиш хўжаликларнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга хизмат қилади. Бу мақсадда, аввало, хўжаликларга имтиёзли кредитлар



ажратиш, солиқ юкини камайтириш ва бошқа имтиёзлар бериш орқали қайд этилган ов турларини йўлга қўйиш учун зарур инфратузилмани шакллантириш ва қулай муҳит яратиш зарур.

### **Овчилик хўжаликларида ов туризмини жорий этишнинг истиқболлари**

Туризм дунё иқтисодиётида, жумладан, кўпгина давлатлар ялпи ички маҳсулотининг шаклланишида етакчи ўринни эгалайди. Бугунги кунда биздаги анъанавий туризм ва кўрсатилаётган хизматлар истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаш учун етарли эмас. Бу ҳолат туризм бозорида истеъмолчининг талабларига мос туризм шаклларини, жумладан, ов туризмини жорий этишни ҳам талаб этади.

Бугунги кунда дунё миқёсида ов қилиш ва балиқ овлашга йўналтирилган ов туризми кенг оммалашиб бормоқда. Ов туризмини ривожлантириш нафақат ов хўжалиklarининг иқтисодий аҳволини яхшилашга, балки қўшимча ишчи ўринларини яратиш орқали аҳолининг бандлигини таъминлашда ҳам алоҳида аҳамият касб этиши билан долзарбдир. Ов туризми соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш ва соҳани халқаро илғор тажрибалар асосида шакллантириш ов хўжалиklarининг ривожланишига, овладиган ҳайвонлардан барқарор фойдаланишга, ҳайвонлар популяцияси деградацияланишининг олдини олишга олиб келади.

Бухоро вилоятида овладиган ҳайвонларнинг асосий қисми асосан кўлларда ва уларнинг қирғоқ зоналарида ташкил этилган ов хўжаликларида учрайди. Бундай хусусият ов қилиш ва балиқ овлаш туризмини бир жойда ташкил этиш учун жуда қулайлик яратади.

Ов туризми Австралия, Австрия, Руминия, Венгрия, Ботсвана, Аргентина, Қирғизистон, Тожикистон, Танзания, Канада, Африка ва Жанубий-Шарқий Осиёда ва бошқа қатор давлатларда ривожланган бўлиб, ушбу давлатлар ов қилиш ва балиқ овлаш туризми инфратузилмасининг шаклланиши ва ривожланиши жиҳатидан ўзаро фарқланади.

Ов қилиш ва балиқ овлаш туризмининг асосий мақсади ёввойи ҳайвон турини қидириш, таъқиб қилиш, уни қўлга

киритишдан иборат бўлиб, бунда спорт ови туридан фойдаланилади ва иқтисодий фойда олиш кўзда тутилмайди. Бундай туризм ихтисослашган овчилик ва балиқчилик хўжаликлари, туристик ташкилотлар томонидан пуллик хизмат асосида ташкил этилиши мумкин. Туризмнинг бу турида тегишли рухсатномаларга эга бўлган сайёҳлар уларни кузатувчилар ҳамроҳлигида маълум муддатга овчилик ва балиқчилик хўжаликларига боради, у ерда ов қилиш ва балиқ овлаш билан бир қаторда, белгиланган маршрутлар бўйича саёҳат қилади.

Ўрганишлар натижасида Бухоронинг туристик салоҳияти юқорилигини ҳамда ов қилиш учун қулай бўлган жойларнинг мавжудлигини инобатга олган ҳолда, бу ерда ов туризмини йўлга қўйиш имкониятларининг кенглиги аниқланди. Ов туризмини ташкил этишда, биринчи навбатда, овчилик хўжалигида овчиларнинг маълум муддат яшашини таъминловчи инфратузилма зарурлигини, овланиши режалаштирилган турнинг хўжаликда учраши ва унинг овланадиган турлар рўйхатиغا киритилганлигини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга. Иккинчидан, тур операторлар ва овчилик хўжалигининг раҳбарлари белгиланган турни овлаш учун қулай бўлган маршрут ёки жойнинг олдиндан аниқланган режасини, овланиши режалаштирилган ҳайвонни овлаш сингари хизматлар учун тўланадиган тўлов миқдорини, туристнинг ҳудудда бўлиш муддати билан ов қилиш муддатининг ўзаро мос келишини, ов жараёни ва техника хавфсизлиги учун зарур воситалар билан таъминланганлик даражасини ҳамда овнинг атроф- муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига тегишли қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амалга ошишини ва умуман шу каби муҳим масалалар бўйича ўзаро келишиб олиб фаолият юритиши зарур.

Ов қилиш ва балиқ овлаш туризмнинг бошқа туризмлардан фарқли томонларидан яна бири унинг мавсумий хусусиятга эгалигидир. Ўзбекистонда овлашга рухсат этилган Бухоро вилоятида учрайдиган ов ҳайвонларини овлаш 15 августдан (*Columba livia*, *Coturnix coturnix*) бошланади ва 1 февралгача (сувда сузувчи қуш турлари ва бошқ.) давом этади. Бу муддат тўлиқ куз ва қисман қиш мавсумига тўғри келади. Одатда, бу мавсумда Ўзбекистон, жумладан, Бухорога анъанавий туризм иштирокчиларининг оқими нисбатан камаяди ва ов туризмига

хизмат кўрсатиш учун имкониятлар кенгаяди. Шу билан бирга, вилоятдаги овчилик хўжаликлари замонавий меҳмонхоналарга эга бўлган шаҳар ва туман марказларидан узоқ масофада жойлашмаганлиги учун хўжаликларга кунлик қатнаш ҳам мумкин.

Ҳар бир давлат ўзининг ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллиги, турларнинг муҳофазаланиш мақоми, иқтисодий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, ов туризми қизиқувчилари учун ҳар хил турларни таклиф қилади. Европада оммабоп бўлган ов объекларига айрим буғу турларини, айиқларни, ёввойи чўчқаларни, Россияда товуқсимонлар, лось ва ёввойи чўчқани, Марказий Осиёда, ёввойи қўйлар ва ёввойи эчкиларни киритиш мумкин. Ов туризми ривожланган давлатлар овчиларни жалб қилиш учун ов объектлари ва уларни овлаш ҳамда хизмат кўрсатиш учун сарфланадиган маблағлар тўғрисидаги маълумотлардан иборат рекламалар эълон қилиб боради. Бухоро вилоятидаги овчилик хўжаликларида ов туризми учун етарли шароитлар яратилмаганлиги сабабли, бундай рекламалар ва таклифлар амалиёти йўлга қўйилмаган.

Бугунги кунда ов туризми овчидан профессионал ов қуроллари, тегишли лицензия, рухсатномалар ва хизматлар кўрсатиш учун кўп маблағ сарфлашни талаб этадиган ривожланиб бораётган соҳа бўлиб, у жаҳонда дам олишнинг элитар тури саналади. Жумладан, Ғарбий Сибирда туристик ов иштирокчиси бир бош сибир буғусини овлаши учун ташкил қилинадиган бир ҳафталик ов учун ўртача 36.000.000 сўм, карқур ва ғозлар учун 7.440.000 сўм сарфлайди. Нархлар ов объекларининг тури, миқдори, кўрсатиладиган хизматлар шакли, ўлжаларни олиб чиқиб кетиш ва бошқа кўрсатиладиган хизматларнинг тури ҳамда сифатига белгиланади ва ўзгариб туради. Шундай имкониятлар республикамиздаги қатор овчилик хўжаликларида, жумладан, Бухоро вилоятида ҳам мавжуд. Вилоятда ов туризмини жорий этиш ва уни ривожлантириш натижасида: овчилик хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги ошади; турларни муҳофаза қилиш, қайта тиклаш, барқарор фойдаланиш ва маҳсулдорлигини оширишга йўналтирилган биотехник тадбирлар ўз муддатида ва етарли даражада ўтказилади; браконьерликнинг олдини олиш ва назорат қилиш

бўйича фаолият кучаяди; овчилик хўжаликлари худудида чорва молларини боқиш, ўсимликларни пайҳон қилиш ва бошқа антропоген таъсирларнинг олди олинади; овни илмий асосда ва тегишли режа асосида амалга оширишга эришилади; хўжаликнинг атрофини чегаралаш, тегишли тартибда кардонлар ўрнатиш ва бошқа шу каби масалалар ҳал этилади.

Маълумотларга қараганда, Ўзбекистонга ов туризми билан шуғулланиш мақсадида 2015-2018 йилларда жами 27 та чет эллик фуқаролар ташриф буюрган ва улардан кўрсатилган хизматлар учун жами 9799 млн. сўм тўлов ундирилган.

Мамлакатимизда табиий кўлларнинг балиқчилик соҳаси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига бириктирилиши, балиқ ови туризми йўналишини ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Тадқиқотлар ўтказилган овчилик хўжалиklarининг сув ҳавзалари, уларнинг қирғоқ зонасида жойлашганлиги ва асосий ов объектлари сувда сузувчи қушлардан ташкил топганлиги ҳам балиқ ови билан бирга, бир қанча турдаги қушлар овини биргаликда олиб бориш учун қулайлик яратади.

Ов қилиш ва балиқ овлаш туризмнинг самарадорлиги овчилик хўжалиklarининг жойлашган ўрни, уларга бориш йўлининг қулайлиги, у ерда мавжуд шароитлар ва яратилган қўшимча имкониятлар, хўжаликдаги турларнинг хилма-хиллиги каби омилларга узвий боғлиқ. Мазкур омилларни максимал 3 баллик тизимда баҳолаш орқали вилоятдаги овчилик хўжалиklarининг ов туризмидаги самарадорлигини ҳисоблаш мумкин (4.4.1-жадвал).

4.4.1-жадвал

Бухоро вилоятидаги овчилик хўжаликларида ов туризмини жорий этишнинг  
афзалликлари

Овчилик хўжаликлари	Овланадиган турлар хилма-хиллиги (тах-3 балл)	Яратилган шароитлар (тах-3 балл)	Боришнинг қулайлиги (тах-3 балл)	Хўжаликда ов ва балиқ овлаш имкониятларининг мавжудлиги (тах-2 балл)	Жами балл
Қорақир	3	2	1	3	9
Шўркўл	1	1	3	2	7
Зикри	1	0	2	2	5
Қоракўл давлат ўрмон-ов хўжалиги	1	1	1	2	5
“Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ	3	1	1	3	8

Жадвалдан кўриниб турибдики, Қорақир, Шўркўл ва “Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ ларда ов туризмини ривожлантириш самарадорлиги нисбатан юқори (7-9 балл)

Бир пайтлар овчи қуш иштирокида амалга ошириладиган спорт ва ҳаваскорлик ови Венгрияда оммалашган бўлиб, бу йўналиш кейинги йилларда қатор давлатларда янада ривожланиб бормоқда. Марказий Осиёнинг айрим ҳудудларида кундузги йиртқич қушлардан (*Aquila chrysaetos*, *Accipiter nisus*, *Accipiter gentiles*) ов мақсадида фойдаланиш бугунги кунгача сақланиб қолган. Аниқланишича, вилоятдаги овчилик хўжаликларида йиртқич қушлар иштирокида ов уюштириш амалиётини йўлга қўйиш мумкин. Бунда овни амалга ошириш учун ҳудуд рельефининг текистлиги, ҳамда қушлар билан овлаш мумкин бўлган ов объектларининг мавжудлиги (тулки, чиябўри, кум товушқони, қирғовул, қорабовур, йўрға тувалоқ ва сувда сузувчи қуш турлари) каби омиллар қулайлик яратади. Жумладан, йиртқич қуш турлари билан ов қилиш амалиёти, ҳозирда вилоятнинг чўл зонасида йўлга қўйилган йўрға тувалоқларни овлаш мақсадида амалга оширилмоқда ва бундай овни тўлиқ ов туризми сифатида тавсифлаш мумкин.

Н.А. Боровая таъкидлашича, орнитологик туризмга ихтисослашган туристик фирмаларни ташкил этиш овчилик хўжаликларида 4-5 ой давом этадиган ов мавсумидан ташқари, йил бўйи қушларни кузатиш имконини беради. Ўзбекистонга, жумладан, Бухоро вилоятига 1990 йиллардан буён орнитологик туризм йўналишида хорижий сайёҳлар маҳаллий орнитологлар билан биргаликда келиши кузатилади. Уларнинг асосий мақсади, ўз мамлакатада учрамайдиган ва ўзларини қизиқтирган қуш турларини суратга олиш, уларнинг овозларини ёзиш, экологиясининг айрим жиҳатларини ўрганишдан иборатдир. Шу асосда қушларнинг кўпайиши, айниқса, уларнинг миграция даврида орнитологик туризмни амалга ошириш ва туризмнинг бу турини ҳам вилоятдаги овчилик хўжаликларига уюштириладиган ов туризми соҳасига уйғунлаштириш мумкин.

Вилоятдаги барча овчилик хўжаликларида уюштириладиган ов кўпроқ, ҳаваскорлик ови бўлиб, бу жараёнда, асосан, сувда сузувчи қушлар овланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, халқаро амалиётнинг илғор тажрибаларини жорий

этиш орқали овчилик хўжалиklarининг ихтисослашувини таъминлаш масаласи ҳам долзарблигича қолмоқда.

Ҳайвонлар билан муносабат қуйидаги ахлоқий тамойилларга амал қилиш лозим. Ҳайвонларни азоб ва ўлимдан ҳимоя қилиш, ҳайвонларни шафқатсиз ўлдиришнинг олдини олиш. Фуқароларнинг хавфсизлигини, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш. Ҳайвонлардан ўқув, илмий ва тиббий мақсадларда фойдаланишга чеклашлар. Ҳайвонларни ёрдамга муҳтож ҳолатда ташлаб кетишга йўл қўймаслик;

Ҳозирги вақтда вилоятидаги чўл зонасида хорижий овчилар учун йўрға тувалоқ (*Chlamydotis undulate*) ови амалга оширилади. Келгусида кафолатли овлаш имкониятларининг кенглиги ва овлаш жараёнида бошқа турларга қараганда, таваккалчиликнинг нисбатан камлигини инобатга олган ҳолда, вилоятда “Товушқон ови”, “Ғоз ва ўрдак ови” “Ёввойи чўчка ови”, “Йўрға тувалоқ ови” каби алоҳида ов турлари билан шуғулланишга ихтисослашган овчилик хўжалиklarини ташкил этиш тавсия этилади. Худди шундай, муайян турларни овлашга ихтисослашган хўжалиklarини балиқчилик соҳасига ҳам татбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Овчилик хўжалиklarининг ихтисослашуви овчиларнинг қизиқишларини ва ўз олдига қўйган мақсадининг амалга ошишига бўлган ишончини ошириши билан бирга, хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини яхшиланишига хизмат қилади.

Ёввойи ҳайвонларни тутқунликда сақлашга уларни сақлаб қолиш, кейинчалик табиат қўйнига қўйиб юбориб кўпайтириш, сонини қайта тиклаш ва ҳайвонот дунёсини бойитиш учун кўпайтириш ва генетик фондлар яратиш мақсадида, шунингдек илмий, маданий-маърифий, тарбиявий ва бошқа мақсадларда улардан маҳсулот олиш учун йўл қўйилади. Ёввойи ҳайвонларнинг барча турлари фақат Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузуридаги «Давбионазорат» томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича тутқунликда сақланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ёввойи ҳайвонларни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

хузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ташкилотлари томонидан ташкил этиладиган ихтисослаштирилган питомниклардагина тутқунликда сақлашга йўл қўйилади. Бундай питомникларда кўпайтирилган ёввойи ҳайвонлардан тижорат мақсадларида фақат иккинчи ва ундан кейинги авлодлардан бўлган бош сонларидан фойдаланишга йўл қўйилади.



## ХУЛОСАЛАР

«Бухоро вилоятида овладиган ҳайвон турлари: фаунаси, экологияси ва барқарор фойдаланилиши» мавзусидаги диссертация ишини бажариш доирасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Илмий изланишлар натижасида Ўзбекистонда 150 турга мансуб ҳайвонларнинг овлашга рухсат этилганлиги аниқланди ва шундан Бухоро вилоятида 4 синф 13 туркум 27 оилага мансуб 110 турнинг учраши қайд этилди.

2. Бухоро вилоятида 13 турдаги ҳайвонларнинг (*Sus scrofa*, *Meles meles*, *Lepus capensis*, *Vulpes vulpes*, *Canis aureus*, *Anser anser*, *Netta rufina*, *Aythya ferina*, *Anas platyrhynchos*, *Anas crecca*, *Fulica atra*, *Phalacrocorax carbo*, *Pterocles orientalis*) расмий равишда овланиши, 11 турнинг (*Gazella subgutturoza*, *Canis lupus*, *Felis libyca*, *Ondatra zibethicus*, *Phasianus colchicus*, *Pterocles orientalis*, *Columba livia*, *Merops persicus*, *Eryx miliaris*, *Varanus griseus*, *Agrionemys horsfieldi*) ноқонуний овланиши аниқланди.

3. Вилоятдаги овчилик хўжаликларида овладиган турларнинг ҳудудий тарқалиши ўхшаш бўлиб, бу хўжаликларнинг барчасини сув ҳавзалари ва уларнинг қирғоқ зонасида жойлашганлиги, улардаги экологик шароитларнинг ўхшашлик хусусияти билан изоҳланади.

4. Овчилик хўжаликларидаги ўртача йиллик сони бўйича сут эмизувчилардан *Lepus capensis* (1680 та, Қорақир овчилик хўжалиги), қушлардан *Fulica atra* (10899 та, Зикри овчилик хўжалиги) энг юқори кўрсаткични, *Sus scrofa* (8 та) ва *Anser anser* (231 та) энг паст кўрсаткични эгаллаши аниқланди ва ушбу кўрсаткичларнинг овчилик хўжаликлари эгаллаган майдоннинг катталиги ҳамда антропоген омилларнинг таъсир даражаси билан боғлиқлиги кузатилди.

5. Яшаш муҳитининг ўзига хослиги билан боғлиқ ҳолда, Бухоро вилоятида овладиган ўтроқ турлар шу турнинг бошқа популяцияларидан тарқалиши, озуқа таркиби, репродуктив циклининг кечишидаги айрим босқичлари каби биоэкологик хусусиятлари билан маълум даражада фарқ қилади.

6. Овчилик хўжаликларига браконьерлик, режасиз ов қилиш, чорвачилик юритиш, ўсимликларни пайҳон қилиш, гидрорежимнинг ўзгариши, георазведка, коммуникация каби антропоген омилларнинг таъсир этиш даражаси аниқланди ва унинг оқибатлари баҳоланди. Мазкур омилларни назорат қилиш овчилик хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва хўжаликдаги экологик барқарорлигини таъминлашга эришиш имконини беради.

7. Ов қилиш, ов хўжалигини юритиш, ҳайвонлар кадастри ва ҳисобини юритиш ҳамда биотехник тадбирларни амалга оширишни таҳлил қилиш натижасида аниқланган айрим камчиликлар ҳайвонларни овлаш учун квоталар белгилаш ва рухсатномалар беришда муайян қийинчиликларни келтириб чиқариши билан изоҳланади.

8. Бухоро вилоятида овчилик хўжаликларининг самарадорлигини ошириш мақсадида соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, ов туризмни ташкил этиш, *Myocastor coypus* ва *Mustela lutreola* ни иқлимлаштириш ҳамда *Ondatra zibethicus* сонини кўпайтириш орқали саноат овини йўлга қўйиш, овчилик хўжаликларига зиён етказаётган *Vulpes vulpes* ва *Canis aureus* каби турларнинг сонини бошқариш тавсия этилади.

## АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР

1. Сони камайиб кетаётган ва мўйна берувчи турларнинг (*Sus scrofa*, *Meles meles*, *Lepus capensis*, *Vulpes vulpes*, *Canis aureus*, *Ondatra zibethicus*) сонини тиклаш, истикболли турларни иқлимлаштириш, тутқунликда кўпайтириш, биотехник тадбирларни амалга ошириш, саноат овини йўлга қўйиш орқали ов объектларининг хилма-хиллигини ҳамда овчилик хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш.

2. Ҳайвонларнинг ҳисобини турлар кесимида аниқлаш ва сувда сузувчи қушларнинг қишлоғчи популяциялари сонининг йиллик ўзгарувчанлигини ҳамда иқлимий омилларни ҳисобга олган ҳолда овчилик хўжаликларига квоталар ажратиш.

3. Ҳайвонларнинг яшаш муҳитига бўладиган салбий таъсирларни камайитириш ва овчилик хўжаликларига тегишли бўлмаган жойларда ов қилишни тартибга солиш мақсадида овчилик хўжаликлари ҳудудида чорва молларини боқиш, қирғоқ зонасидаги қамиш ва қўғаларга ўт қўйиш, ноқонуний ов қилиш устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш.

4. Сони кўпайиб бораётганлиги, қутириш, қўтир ва бошқа хавфли касалликлар билан касалланишини ва касалликларни тарқатишда иштирок этишини, ҳайвонлар ва инсон хўжалигига зарарининг олдини олиш мақсадида *Vulpes vulpes* ва *Canis aureus* ларни овлаш учун квоталар ажратишни йўлга қўйиш.

5. Браконьерликка, ҳайвонлар ва уларнинг яшаш муҳитига бўладиган салбий таъсирларга нисбатан жавобгарликни оширишни, табиатга етказилган зарарни ундиришнинг иқтисодий механизмларини қайта кўриб чиқишни, соҳадаги меъёрий ҳужжатларни халқаро қонунчиликка мувофиқлаштиришни, ов қилиш ва овчилик хўжалигини юритиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳамда қонуности ҳужжатларидаги нормаларнинг тарқоқлигини ҳамда уларда бўшлиқлар мавжудлигини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг “Ов қилиш ва овчилик хўжалигини юритиш тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиш.

6. Ўзбекистонда миллий кадриятлар ва урф-одатлар доирасида муҳофаза қилинадиган *Streptopelia senegalensis* каби

турларни “Овланадиган ҳайвон турлари рўйхати”дан чиқариш ва мазкур рўйхатни кенг муҳокамалар асосида қайта кўриб чиқиш, Бухоро вилоятида сони камайиб кетаётган *Felis libyca*, *Felis chaus* ва *Meles meles* каби турларни Ўзбекистон Қизил китобига киритиш зарур.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 754-ХП-сон Қонуни.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги ги 545-І-сон Қонуни.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги 710-ІІ-сон Қонуни.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида”ги 914-сон қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги “Ўрмон хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 530-сон қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 484 сон қарори

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги 290-сонли қарори.

9. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг 2006 йил 22 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов ва балиқ овлаш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 27-сонли буйруғи.

10. Андреев М.Н. и др. Государственная политика в сфере охоты и охотничьего хозяйства: История и современность. – Киров, 2013. – С. 16-132.
11. Гаврин В.Ф. Задачи научного охотоведения в развитии охотничьего хозяйства // Охотоведение. – Москва, 1972. – С. 15-32.
12. Захидов Т.З., Мекленбурцев Р.Н., Богданов О.П. Природа и животный мир Средней Азии (позвоночные животные). – Т.П. – Т.: Ўқитувчи, 1971. – С. 277-282.
13. Кашкаров Д.Ю. Отряд Гусеобразных – Anseiformes: Птицы Узбекистана. Т. 1. – Т.: Фан, 1987. – С. 57-121.
14. Коли Г. Анализ популяций позвоночных. – М., 1979. – С. 28-88.
15. Кузякин В.А. Учёт численности охотничьих животных. – М.: Товарищество научных изданий КМК, 2017. – С. 84-250.
16. Кузякин А.Н. Метод учета лесных птиц: География и экология наземных позвоночных Нечерноземья. – Владимир, 1981. – С. 38-48.
17. Митропольская Ю.О. Оценка антропогенных воздействий на фауну млекопитающих для разработки мер по их сохранению и устойчивому использованию. – Ташкент, 2017. – 38 с.
18. Наумов Н.П. Экология животных. – М.: Высшая школа, 1963. – С.562-566.
19. Аметов М.Б. Птицы Каракалпакии и их охрана. – Нукус, 1981. – С. 138.
20. Аметов Я.И др. Охотничьи птицы оз. Дауткуль // VII Международная научно-практическая конференция: Проблемы рационального использования и охрана природных ресурсов Южного Приаралья. – Нукус, 2018. –С. 128.
21. Атаходжаев А.А., Сударев В. Охотничьи виды птиц Ташкентской области // Вопросы охраны птиц Узбекистана: Материалы республиканской конференции Общества охраны птиц Узбекистана. – Ташкент, 2017. –С.116-120.
22. Бакаев С.Б. Экология и вопросы охраны Зарафшанского фазана в Бухарской области // Охрана живой природы: Тезисы всесоюзной конф. молодых ученых. – Москва, 1983. –С. 17-19.

23. Бакаев С.Б. Видовой состав гнездящихся птиц Бухарской области. Метод. пособие. – Бухара, 1987. – 20 с.

24. Бақоев С.Б., Рахмонов Р.Р. Қорақир кўлида уя қилувчи қушлар биологиясига доир маълумотлар // Биология ва экологиянинг ҳозирги замон муаммолари: Халқаро илмий конференция материаллари. – Самарқанд, 1999. –Б. 48-49.

25. Бақоев С.Б., Рахмонов Р.Р. Чернологовый Ремез в зоне Аму Бухарского канала // Актуальные проблемы изучения и охраны птиц Восточной и Северной Азии: Материалы международной конференции -Казань, 2001. –Б. 59-60.

26. Бақоев С.Б., Рахмонов Р.Р. Бухоро вилояти сувликларида яшовчи айрим қушларнинг биологиясида доир маълумотлар // Ижодкор ёшлар ва фан-техника тараққиёти: Илмий маърузалар тўплами. – Бухоро, 2003. – Б. 109-112.

27. Бақоев С.Б., Рахмонов Р.Р. Кўк ғоз (Anser-anser)нинг биологиясига доир маълумотлар // Биология ва уни ўқитишнинг долзарб муаммолари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари –Тошкент, 2009. – Б. 208-210.

28. Бақоев С.Б., Рахмонов Р.Р. Гнездование птиц в водоемах г.Бухары // Наземные позвоночные животных аридных экосистем: Материалы международной научной конференции. – Ташкент, 2012. – С. 48-51.

29. Гончаров Г.Ф. Мониторинг биологических ресурсов. Биоразнообразие Узбекистана – мониторинг и использование. – Ташкент, 2007. – С. 4-7.

30. Гончаров Г.Ф. Определитель охотничьих и запрещенных к охоте птиц. – Ташкент, 2015. – 30 с.

31. Гусев О.К. Совершенствовать охотоведческую науку // Охота и охотничье хозяйство. –Москва, 1970. –№6. – С. 14-17.

32. Данилов Д.Н. Охотничье хозяйство СССР. Продуктивность охотничьих угодий. – М.: Гослесбумиздат, 1963. – 372 с.

33. Данилов Д.Н. Новое в охотничьем хозяйстве. – М.: Лесная промышленность, 1972. – 152 с.

34. Жабборов А.Р. Некоторые вопросы прикладной орнитологии в Узбекистане // Вопросы охраны птиц Узбекистана: Материалы республиканской конференции Общества охраны птиц Узбекистана. – Ташкент, 2017. – С. 120-121.

35. Зарудный Н.А. Птицы пустыни Кызылкум // Материалы к познанию фауны и флоры Российской империи, отделение зоологии. – Москва, 1915. – Вып. XIV. – 149 с.
36. Захидов Т.З. Биоценозы пустыни Кызылкум. – Т.: Фан, 1971. – С. 39–44.
37. Ишунин Г.И., Салихбаев Х.С. Охотничье-промысловые звери и птицы северных склонов Туркестанского хребта // Охотничье-промысловые животные Узбекистана. АН УзССР. – Ташкент, 1963. – С. 5-19.
38. Ишунин Г.И. Охота и охрана природы Узбекистана (история и современное состояние) // Охота и охрана природы Узбекистана. – Ташкент, 1984. – С. 9-21.
39. Капустин Д.А. Динамика численности охотничьих зверей Сосновоборского района Пензинской области // Животные: экология, биология и охрана: Материалы Всероссийской научной конференции. – Саранск, 2012. – С.181-184.
40. Кашкаров Д.Ю. Состав и структура населения птиц в оазисах пустыни Кызылкум // Экология некоторых видов млекопитающих и птиц равнин и гор Узбекистана. – Ташкент, 1981. – С. 20–30.
41. Лановенко Е.Н. и др. Последствия влияния экстремально холодной зимы 2008 г. на зимовки водоплавающих птиц на водоемах Узбекистана // Экологический вестник. – Ташкент, 2009. – № 5 (98). – С. 21-24.
42. Лановенко Е.Н., Шерназаров Э.Ш., Филатов А.К. Планы действий по сохранению глобально угрожаемых видов птиц в Узбекистане. Среднеазиатский регион. Кудрявый пеликан (*Pelicanus crispus* Burch.). – Ташкент, 2014. – 36 с.
43. Лановенко Е.Н., Шерназаров Э.Ш., Филатов А.К. Численность зимующих водно-болотных птиц на озере Денгизкуль в Узбекистане за последние 30 лет // Тезисы XIV Международная орнитологическая конференция Северной Евразии. Т.1. – Алматы, 2015. – С. 288-289.
44. Ларин С.А. Охотоведение как наука, ее содержание и история развития // Материалы Всесоюзная конференция Современное состояние и пути развития охотоведческой науки в СССР. – Киров, 1974. – С. 54.



45. Лялик С.И. Охотничий туризм как перспектива эффективной охотохозяйственной деятельности // Материалы X международной научной конференции. – Минск, 2011. – С. 200-201.

46. Мельников В.В. и др. Проблемы охотничьего туризма // Климат, экология, сельское хозяйство Евразии: Материалы III международной научной конференции. – Иркутск, 2014. – С. 227-236.

47. Мельников В.К. Организация охотничьего хозяйства. Ч. III. –Иркутск, 1978. – С. 80.

48. Митропольский М.Г., Митропольский О.В. Объемы и методика определения видового состава птиц в добыче охотников в Узбекистане // Вестник Тюменского государственного университета. – Экология, 2014. – №12. – С.103-113.

49. Назаров О.П. Очерки об обыкновенном фазане (*Phasianus colchicus*) Туркестанского края // Наземные позвоночные животные аридных экосистем: Материалы международной конференции, посвящена памяти Н.А. Зарудного. – Ташкент: Чинор, 2012. – С. 236-247.

50. Никоненко Ю. Трофейное дело в России и за рубежом // Сафари. –Москва, 1999. - №1. – С. 44-46.

51. Новиков Г.А. Биология лесных птиц и зверей. –М.: Высшая школа, 1975. – С. 354-376.

52. Рахмонов Р.Р. Бухоро вилоятида айрим гидрофил кушлар биологиясига доир маълумотлар // Истедодли ёшлар фан-технологиялари тараққиёти: Илмий-амалий анжуман материаллари. –Бухоро, 2008. – Б. 17-18.

53. Рахмонов Р.Р., Раҳимова С.К., Тоҳиров Б.Б. Бухоро вилоятидаги овладиган кемирувчилар туркуми вакиллари ҳақида маълумот // Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Бухоро, 2018. – Б. 415-417.

54. Рахмонов Р.Р., Райимов А.Р., Собирова Ў.О. Бухоро вилоятидаги овладиган каптарсимонлар туркуми вакиллари ҳақида маълумот // Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта

тиклаш: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Бухоро, 2018. – Б. 231-233.

55. Рахмонов Р.Р., Рахимов Ж.Р. Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган Бухоро вилояти сувликларида учрайдиган қушлар биологияси // Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг 59-илмий-назарий анжумани материаллари тўплами. – Бухоро, 2015. – Б. 87-89.

56. Рахмонов Р.Р., Райимов А.Р. Антропоген омилларнинг овланадиган ҳайвон турларига таъсирини баҳолаш // Хоразм маъмун академияси ахборотномаси. –Хива, 2019. –№2. –Б. 27-29.

57. Рахмонов Р.Р., Райимов А.Р., Ярашева .М.Я. Бухоро вилоятидаги овланадиган товўқсимонлар туркуми вакилларининг экологияси ва аҳамияти // Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Бухоро, 2018. –Б. 108-111.

58. Рахмонов Р.Р., Холбоев. Ф.Р. Овчилик тарихига оид маълумотлар // Ҳайвонлар экологияси ва морфологияси: Илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд, 2018. – Б. 79-83.

59. Рахмонов Р.Р., Тўраев М.М. Бухоро вилоятида (*Sus scrofa*)нинг экологияси ва ҳудудий тарқалиши // Ўзбекистон биохилма-хиллиги, уни сақлашда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг роли: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Жиззах, 2018. – Б. 67-70.

60. Рахмонов Р.Р., Ражабова У.Ф. Бухоро вилоятида овланадиган айрим ҳайвон турларининг экологик хусусиятлари ҳақида маълумотлар // Минтақада юзага келган экологик муаммоларни юмшатиш омиллари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Бухоро, 2019. –Б.64-66.

61. Рахмонов Р.Р., Шодмонов Ф.Қ. Ўзбекистонда овчилик хўжаликлари ва уларнинг биологик хилма-хилликни сақлашдаги роли // Минтақада юзага келган экологик муаммоларни юмшатиш омиллари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Бухоро, 2019. – Б. 66-68.

62. Рахмонов Р.Р., Жабборов Б.И., Ёркулов Ж.М. Бўрсик (*Meles meles*)нинг экологик хусусиятлари ҳақида маълумотлар // Минтақада юзага келган экологик муаммоларни юмшатиш

омиллари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Бухоро, 2019. – Б. 93-95.

63. Сударев В.О. Проблема свинцового отравления водно-болотных птиц // Вопросы охраны птиц Узбекистана: Материалы республиканской конференции Общества охраны птиц Узбекистана. –Ташкент, 2017. –С.122.

64. Султанов Г.С., Персианова Л.А. Зоологические исследования в Средней Азии (1820–1975 гг.). –Ташкент, 1982. – 240 с.

65. Тураев М.М., Бақоев С.Б., Шерназаров Э., Рахмонов Р.Р. Новые материалы о гнездовании некоторых гидрофильных видов птиц на водоёмах Бухарской области // Современные проблемы орнитологии Сибири и Центральной Азии: Материалы II Международная орнитологическая конференция. –Улан-Удэ, 2003. –С. 101-104.

66. Тўраев М.М., Рахмонов Р.Р., Райимов А.Р. Бухоро вилоятидаги ташлама кўлларнинг ҳудуд биохилма-хиллигини шакллантиришдаги ўрни // Қишлоқ хўжалик экинлари маҳсулдорлигини ошириш ва етиштиришнинг замонавий технологиялари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Бухоро, 2013 – Б. 197-199.

67. Тўраев М.М., Холбоев Ф.Р., Райимов А.Р., Рахмонов Р.Р. Бухоро вилояти қушлари. – Тошкент, 2015. – 90 б.

68. Тўраев М.М., Рахмонов Р.Р. Ўзбекистон чўл зонаси сув ҳавзаларида уя қурувчи қушлар колонияларининг ўзига хос жиҳатлари. // Хоразм маъмун академияси ахборотомаси. – Хива, 2019. – №3/1. –Б. 49-55.

69. Фундукчиев С.Э. Влияние хозяйственного освоения Голодной степи на ее орнитофауну // Экология некоторых видов млекопитающих и птиц равнин и гор Узбекистана. – Ташкент, 1981. – С. 95-102.

70. Холбоев Ф.Р. Иқлимий омилларнинг қушлар популяцияси зичлигини бошқаришдаги роли // Проблемы рационального использования и охрана биологических ресурсов Южного Приаралья: Материалы научно-практической конференции. – Нукус, 2008. – Б. 190-191.

71. Холбоев Ф.Р., Рахмонов Р.Р. Ов хўжалигини юритишнинг биологик хилма-хилликни сақлашдаги ўрни //

Проблемы рационального использования и охрана природных ресурсов Южного Приаралья: Материалы VII Международной научно-практической конференции. – Нукус, 2018. – С. 34-35.

72. Холбоев Ф.Р., Рахмонов Р.Р. Бухоро вилоятида овладиган ҳайвон турлари ҳақида янги маълумотлар // Ўзбекистон биохилма-хиллиги, уни сақлашда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг роли: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Жиззах, 2018. – Б. 71-75.

73. Холбоев Ф.Р. Рахмонов Р.Р., Жабборов Б.И. Овчилик ҳўжаликларидан ов туризми соҳасида фойдаланиш давр талаби // Ўзбекистонда чорва озуқаси экинлари ҳосилдорлиги ва озуқа етиштиришнинг самарадорлигини ошириш: Илмий-амалий анжуман материаллари. – Бухоро, 2019. – Б. 210-213.

74. Холбоев Ф.Р. Рахмонов Р.Р., Ёркулов Ж. Бухоро вилоятидаги овчилик ҳўжаликларида ов туризмни йўлга қўйиш масалалари // Ўзбекистонда чорва озуқаси экинлари ҳосилдорлиги ва озуқа етиштиришнинг самарадорлигини ошириш: Илмий-амалий анжуман материаллари. – Бухоро, 2019. – Б. 224-228.

75. Холбоев Ф.Р., Рахмонов Р.Р., Рамазонов Ш.М. Бухоро вилоятида овладиган ғозсимонлар туркуми вакиллари экологияси ва улардан оқилона фойдаланиш // Экологические вопросы сохранения, восстановления и охраны биологического разнообразия Южного Приаралья: Международной научно-теоретической конференции. – Нукус, 2018. – С. 275-277.

76. Холбоев Ф.Р., Рахмонов Р.Р. Бухоро вилоятида овладиган ҳайвон турлари ва уларнинг муҳофазаси // Ўзбекистон зоология фани: ҳозирги замон муаммолари ва ривожланиш истиқболлари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2019. – Б. 295-298.

77. Barends, F. The muskrat (*Ondatra zibethicus*): expansion and control in the Netherlands / F. Barends // *Lutra*. 2002. 45 (2). P. 97–104.

78. Chardonnet, Ph. The value of wildlife / Ph. Chardonnet, B. Clers, J. Fisher, R. Gerhold, F. Jori, F. Lamarque // *Rev. sci. et tech. / Off. Int. epizoot.* 2002. – Vol. 21. – № 1. – P. 15-51.

79. Fitzgibbon C.D. Subsistence hunting in Arabuko-Sokoke Forest, Kenya, and its effects on mammals populations / C. D.

Fitzgibbon, H.Mogaka, J. H. Fanshawe // *Conserv. Biol.* – 1995. – Vol. 9. – № 5. – P. 1116-1226.

80. Gammell A. Help stop illegal hunting of migratory birds in France /A. Gammell // *Birds Mag.* – 1999. – Vol. 17. – № 6. – P. 41-42.

81. Griffin G. Shifting sands: The world's threatened deserts / G.Griffin // *World Conserv.* – 2000. – Vol. 31. – № 2. – P. 3-4.

82. Kholboev F.R., Rakhmonov R.R., Rayimov A.R. The role of adaptive reactions of starling synantropization // Региональные проблемы экологии и охраны животного мира: Материалы всероссийской научной конференции. – Улан-Удэ, 2019. – С. 167-169.

83. Munro L. Framing Cruelty:The Construction of Duck Shooting as a Social Problem // *Society and Animals.* 1999. Vol. 5. № 2. P. 137–154.

84. Parsons, K. C. Managing Wetlands for Waterbirds: Integrated approaches / K. C. Parsons, S. C. Brown, R. M. Erwin, H. A. Czech // *Waterbirds.* 2002. Vol. 25, Spec. Publ. 2. P. 1-4.

85. Rakhmonov R., Rayimov A.R. Structure and distribution of animals in the Bukhara region // *European Science Review.* – Vienna, 2019. – № 1-2. – P. 34-36.


86. Rakhmonov. R.R., Rayimov A.R. Ecological positions of hunting species in Bukhara region // *International Journal of Genetic Engineering.* – The USA, 2019. – №7 (1) – P. 15-18.

87. Rayimov A.R., Rakhmonov R. R. The role of *Acridotheres tristis* in biotik connection // VI Global science and innovations 2019: Centrasia. – Nur-Sultan (Astana), 2019. – №XI–P. 171-174.

88. Rayimov A.R., Rakhmonov R. R. The distribution and number of *Acridotheres tristis* in different habitats in the Kyzylkum // *European Science Review.* – Vienna, 2019. – № 1-2. – P. 37-39.

89. Rosenberry C. Game Take and Furtaker Surveys. Survey and Statistical Support Section / Pennsylvania Game Commission Bureau of Wildlife Management Research Division Annual Project Report / C.Rosenberry. – 2002. – 14 p.

**Бухоро вилоятида овланадиган ҳайвон турларининг биологияси ва экологияси**





**Рахмонов Рашит Рахимович  
Ильясов Азиз Саидмуродович**

## **БУХОРО ВИЛОЯТИДА ОВЛАНАДИГАН ҲАЙВОНЛАР**

### **МОНОГРАФИЯ**

<i>Muharrir:</i>	<i>A. Qalandarov</i>
<i>Texnik muharrir:</i>	<i>G. Samiyeva</i>
<i>Musahhih:</i>	<i>Sh. Qahhorov</i>
<i>Sahifalovchi:</i>	<i>M. Ortiqova</i>

Nashriyot litsenziyasi AI № 178. 08.12.2010. Original-maketdan bosishga ruxsat etildi: 09.12.2021. Bichimi 60x84. Kegli 16 shponli. «Times New Roman» garn. Ofset bosma usulida bosildi. Ofset bosma qog`ozi. Bosma tobog`i 7,5. Adadi 100. Buyurtma №426.

“Sadriddin Salim Buxoriy” MCHJ  
“Durdona” nashriyoti: Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko`chasi, 11-uy.  
Bahosi kelishilgan narxda.

“Sadriddin Salim Buxoriy” MCHJ bosmaxonasida chop etildi.  
Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko`chasi, 11-uy. Tel.: 0(365) 221-26-45